Ҳ.Неъматов

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИЙ ФОНЕТИКАСИ

Педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун қўлланма

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

Тошкент "Ўқитувчи" 1992

ТАҚРИЗЧИ: филология фанлари доктори, профессор
А. Б. АБДУЛЛАЕВ

Н $\frac{4602020400-47}{353\ (04)-91}$ 55-91

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1992

ISBN 5-645-01363-8

КИРИШ

ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ

XX асрнинг бошларигача тилнинг товуш системаси, урғу ва интонацион хусусиятлари, асосан, фонетика бобида ўрганилар эди. Систем (структур) тилшуносликнинг шаклланиши натижасида фонетика билан фонология фани фарқлана бошлади. Фонетикада ҳам, фонологияда ҳам моддий (материал) томони – ифода плани ўрганилади. Лекин улар тилнинг фонетик бирликлари – товушлар, урғу ва оҳангни қайси жиҳатдан ўрганиши билан бир=биридан фарқ қилади. Фонетикада товушларнинг акустик=артикуляцион, яъни ҳосил бўлиш ва талаффуз каби табиий (физиологик) хусусиятлари, урғу ва оҳангнинг моддий (физик) белгилари (миқдори, кучи), товушларнинг ўзаро таъсир асосида ўзгаришлари ўрганилса, фонологияда товуш, урғу ва оҳангнинг ижтимоий вазифаси – маъно фарқлаш хусусияти ўрганилади. Шунинг учун фонетик ҳодисаларни миқдорий кўрсаткичлар билан асбоб=ускуналар воситасида (экспериментал равишда) ўрганиш ва кўрсатиш мумкин; фонологик ҳодиса ва хусусиятлар эса тил системаси ичидаги элементларни ўзаро қиёслаш асосида очилади. Тилда фонологик қимматга эга бўлган ҳар бир ҳодиса албатта маълум бир ижтимоий қимматга – маъно фарқлаш хусусиятига эга бўлиши лозим. Масалан, ўзбек тилида кир (кир) ва қир (қър) сўзларида маъно к ва қ товушлари воситасида фарқланади. Демак, ўзбек тилидаги к ва қ орасида фонологик фарқ мавжуд. Товушларнинг маъно фарқлашга хизмат қилувчи белгилар асосида қарама=қарши қўйилиши фонологик зиддият (оппозиция) дейилади. Бир=биридан фақат бир белгиси билан фарқланувчи фонемалар орасидаги зиддият бевосита фонологик зиддият дейилади. Чунончи, +и–+у, к–г, д–б, д–з ва х.

Маъно фарқлашга хизмат қилувчи энг кичик бутунликлар – мустақил фонемалар фонологик зиддиятлар бирлиги сифатида кела олади.

Товушлар орасида маъно фарқлашга хизмат қилувчи фонологик фарқлар билан бирга маъно фарқлашга хизмат қилмайдиган, товушларнинг нутқдаги ўрни, қандай товушлар билан ёнма=ён келиши, урғусиз ва урғули бўғинда бўлиши билан боғлиқ талаффуз фарқлари ҳам бор. Чунончи, кир сўзида и товуши к нинг таъсирида юмшоқ, қир сўзида эса қ нинг таъсирида қаттиқ талаффуз эти-

лади. Лекин и ва ы бу сўзларда маъно фарқлашга хизмат қилмайди; бу сўзларда маъно фарқлаш вазифасини к ва қ фонемалари бажаради, ы ва и товушлари эса ўзбек тилидаги оралиқ (индифферент) (қаттиқ ҳам, юмшоқ ҳам бўла оладиган) +и унлисининг икки фонетик кўриниши (варианти)дир. Индифферент +и нинг качон ы , қачон и шаклида юзага чиқиши унинг ҳолати, қўшни товушларнинг табиати билан боғлиқ. Фонема кўринишлари орасидаги маъно фарқлашга хизмат қилмайдиган бундай фарқ фонетик фарқ, фонема кўринишларининг ўзаро қарама-қарши қўйилиши эса фонетик зиддият деб айтилади. Фонетик фарқлар мустақил фонемаларни эмас, фонема кўринишларини фарқлашга хизмат қилади. Ҳозирги ўзбек тилида нафақат+и, балки +а, +у, +ў унлиларининг ҳам қаттиқ ва юмшоқ кўринишлари бор. Масалан, ғалла, бузуқ, қўл сўзларида бу унлиларнинг қаттиқ кўринишини кўрсак, калла, тузук, қўл сўзларида уларнинг юмшоқ кўриниши келади.

Товушлар орасидаги фонетик ва фонологик фарқни аниқлаб олиш тарихий фонетикани ўрганишда жуда муҳимдир, чунки тарихий тараққиёт натижасида мустақил фонемалар орасидаги фонологик фарқлар йўқолиб, улар бир фонеманинг кўринишларига айланиши ёки аксинча, фонетик фарқ фонологик фарқ даражасига кўтарилиши, тарихий фонетик кўринишлар мустақил фонемаларга айланиши мумкин.

ТАРИХИЙ ФОНЕТИКАНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ,МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Тарихий фонетика ўзбек тили унли ва ундош товушларининг турли даврлардаги тараққиёти, ҳар бир тараққиёт даври учун хос бўлган фонетик система, айрим унли ва ундош товушларнинг шаклланиши ва тадрижий тараққиёти, асосий фонетик қонуниятлар, бўғин тузилишидаги тарихий ўзгаришлар каби қатор масалаларни ўрганади ва ўргатади.

Фонетик система тилнинг қурилиш (структур) бирликлари орасида ўзининг ўзгарувчанлиги билан лексикадан кейин иккинчи ўринда туради. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит - қўшни тиллар, жамият ва фан=техниканинг ривожи, янги=янги сўзларнинг кириб келиши тилнинг фонетик қурилишига тез таъсир қилади. Кейинги 40-50 йил ичидагина ўзбек тили фонетик қурилишида кескин ўзгариш юз берганлигини тилшунос махсус тадқиқотсиз ҳам сеза олади. Яқин ўтмишда цех, цирк, студент каби русча=байналмилал сўзларни сех, сирк, истуден(т) сифатида талаффуз этиш мумкин эди, ҳозирги адабий талаффуз эса бунга йўл қўймайди. Урғу воситасида от (академик) ва сифатларни (академик) фарқлаш ҳам ўзбек тили учун янги ҳодисадир. Минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олган ўзбек тили тарихида бундай ўзгаришлар жуда кўп содир бўлган. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилининг фонетик системаси тилимиз учун асос бўлган X-XI аср ёзма ёдгорликлари ёки Навоий асарлари тилидан анчагина фарқ қилади. Бу ўзгаришларни - ҳозирги ўзбек тили фонетик системасининг узоқ ўтмишдан бугунга қадар босиб ўтган йўлини ўрганиш ўзбек тили тарихий фонетикасининг тадқиқот объектини ташкил этади.

Тилдаги ўзгаришлар бирданига - бир=икки йил орасида эмас, балки аста=секинлик билан узоқ давр давомида содир бўлади. Дастлаб онда=сонда учрайдиган ҳодисалар, фонетик вариантлар, ёнма=ён қўлланишлар аста=секин қонуниятга айланади. Шунинг учун ҳар бир даврдаги тил шу тилда сўзловчилар учун ўзгармасдай, барқарордай туюлади. Ваҳоланки, тилда тараққиёт ва ўзгариш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Ўзбек тили эса бир неча тараққиёт даврини бошдан кечирди ва ҳар бир даврнинг ўзига хос қонуниятлари, фонетик системаси бор. Ҳар бир тараққиёт даври учун хос бўлган

фонетик системани тиклаш, тасвирлаш каби масалалар ҳам ўзбек тилининг тарихий фонетикасида ўрганилади.

Ўзбек тилининг турли тараққиёт даврларида яратилган ёзма ёдгорликлар, илмий ва бадиий асарлар тарихий-фонетик тадқиқот учун энг асосий манба вазифасини ўтайди, чунки ҳар бир ёзма ёдгорликда шу ёдгорлик яратилган давр тили ўз аксини топади. Ҳар бир ёзма ёдгорликни атрофлича ўрганиш асосида шу ёдгорлик яратилган даврдаги ўзбек тилининг хусусиятлари, жумладан, фонетик қонуниятларини аниқлаш мумкин.

Ўзбек классик адабиётида шеърий жанрнинг кенг ривожланганлиги, қофияда ўзаро фонетик ўхшаш сўзларнинг ишлатилиши, шаклдошликка асосланиб ёзиладиган туюқ жанрининг мавжудлиги фонетик тадқиқотга маълум даражада имкон беради. Турли тараққиёт даврларида ёзилган асарлар тилининг фонотик хусусиятларини қиёслаш асосида эса ўзбек тили фонетик системасининг тараққиёт йўлини аниқлаш мумкин. Лекин биз ўтмиш даврлар талаффузини бевосита кузатиш имкониятидан маҳруммиз. Ўз навбатида, ёзув ҳам талаффузни тўла-тўкис акс эттирмаган, шу сабабли тарихий фонетикани ўрганиш катта тўсиқларга учрайди. Таъкидлаш лозимки, ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш жараёнида ёзма ёдгорликлар орасида филологик - тилшунослик ва адабиётшунослик (айниқса, аруз вазнига ва қофияга доир) асарлари беқиёс аҳамиятга эга. Чунки бундай асарларда тадқиқотчи олим ўзи билган ва тасвирлаётган тилнинг фонетик хусусиятлари, у ёки бу сўзнинг талаффуз шаклини маълум даражада тасвирлаб беради. Маҳмуд Кошғарий (XI аср)нинг "Девону луғатит-турк" ("Туркий сўзлар девони"), Абу Ҳайённинг (XIII аср) "Китобул-идрок лил-лисонул-атрок" ("Туркларнинг тили бўйича идрок китоби"), Алишер Навоийнинг (XV аср) "Муҳокаматул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси"), "Мезонул-авзон" ("Вазнлар ўлчови"), Заҳириддин Бобурнинг (XVI аср) "Мухтасар", Толеъ Ҳиравийнинг (XVI аср) "Бадоеул-луғат" ("Сўзнинг бадиийлиги"), Мирза Маҳдихоннинг (XVII аср) " Мабониул-луғат" ("Сўзлар баённомаси") грамматикаси ва "Санглох" ("Тошлоқ") луғати, Фатҳ Али Кожарийнинг (XIX аср) "Луғати атрокия" ("Туркий сўзлар") каби асарларидаги нодир фонетик маълумот ва изоҳлар ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш учун энг муҳим ҳамда муътабар манбалар саналади.

Ёзма ёдгорликлардан ташқари, ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш учун ҳозирги ўзбек шевалари, ўзбек тилига қариндош бўлган бошқа туркий тиллар, айниқса, қўшни уйғур, қозоқ, қорақалпоқ, туркман тилларининг ҳодисалари ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбек тили фонетик системасидан чиқиб кетган қатор ҳодисалар (олд ва орқа қатор унлиларнинг фонологик фарқи, чўзиқ ва қисқа унлилар, уйғунлик (сингармонизм) ҳодисаси, товуш алмашинувлари) ўзбек шеваларида ҳамда бошқа туркий тилларда сақланган ва ривожланган. Ўзбек шевалари ва бошқа туркий тилларда сақланган қонуниятлар эса бир замонлар ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлган деб тахмин этиш мумкин. Ёзма ёдгорликлар маълумотлари буни маълум даражада тасдиқласа, бундай қонуниятлар ўзбек тили тарихига ҳам хослигига шубҳа қолмайди.

Ўзбек тили тарихий фонетикаси ва грамматикасини билиш она тили ва адабиёт мутахассислари учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга, чунки, Ф.Энгельс айтганидек, "она тилининг вужудга келиши ва аста-секин ривожланиши кузатиб борилган тақдирдагина "она тилининг материя ва формаси" тушунарли бўлади"[1]. Ўрта мактабда ўзбек тилини ўқитиш жараёнида ўзбек тили тарихий фонетикаси ва грамматикасини билиш зарур. Тарихий фонетика ҳозирги ўзбек тилидаги қатор фонетик хусусиятлар (сон - сана, от - ата, тўла - тўлов каби товуш алмашинувлари), бир қўшимчанинг турли фонетик вариантларда учраши (чиққан, эккан, келган ва ҳ.), стилистик мақсадда қўшимчаларнинг эскирган фонетик кўринишлари ишлатилиш сабаби, фонетик ўзгаришлар заминида сўзларнинг янги маъно касб этиш имконияти (қуйи ва қудуқ, тизгин ва тийгин, қишлоқ ва қишлов) ва бошқа шу каби ҳодисаларни тушунтириб беради.

Классик адабиётимиз дурдоналарини тўғри ўқиш, тушуниш ва талқин этишни эса тарихий фонетика ва грамматикадан олинадиган зарур билимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тарихий фонетика маълумотларини адибларимиз ва танқидчиларимиз ҳам чуқур билмоқлари даркор; улар тарихий асарлар яратиш жараёнида тасвирланаётган давр қаҳрамонлари нутқини тўғри, ўз даврига мос ҳолда беришлари лозим. Ваҳоланки, айрим бадиий асарларда учраб турадиган, муаллиф томонидан давр руҳини беришга хизмат

---

[1] Энгельс Ф. Анти-Дюринг. Тошкент, 1957, 412- бет.

қилади деб тушуниладиган келғай, қолуб каби формалар тарихан нотўғридир.

Тарихий фонетика ҳозирги ўзбек шевалари хусусиятларини тўғри изоҳлашда ва диалектал шева таъсири хатоларини бартараф этишнинг қулай усулларини ишлаб чиқишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хатоларнинг келиб чиқиш сабабини билиш уларнинг бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради.

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИЙ ФОНЕТИКАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Эски туркий тилни амалий равишда ўрганишни бошлаб берган ва асари бизгача етиб келган олим Маҳмуд ибн Ҳусайн Кошғарийдир. Туркий халқлар орасидан чиққан ва ўша даврда дунёда энг илғор бўлган араб тилшунослиги ютуқлари билан чуқур танишган Кошғарий 1072-1074 йилларда ўзининг "Девону луғатит турк" асарини ёзиб тугатди. Асар араб тилини билувчиларга туркий тилни ўрганиш бўйича қўлланма сифатида яратилган. Лекин Кошғарий ўз асарида туркий адабий тилни тасвирлаш билан чекланиб қолмай, X-XI асрларда кенг тарқалган бошқа шевалар ҳақида ҳам атрофлича маълумот беради. Ўша даврда Ўрта Осиё заминида яшаган туркий халқлар, улар тилидаги фонетик ва грамматик хусусиятлар, бу тилларнинг луғат бойлиги "Девон"да атрофлича изоҳланган. "Девон" маълумотларини у билан деярли бир вақтда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари тили билан солиштириш эса Маҳмуд Кошғарийнинг фикрлари ва берган маълумотлари батамом тўғри эканлигини кўрсатади. Шунинг учун эски туркий тилни ўрганиш учун энг муътабар манба мана шу "Девон" ҳисобланади.

Шунингдек, туркий тилларни ўрганишга бағишлаб ёзилган Маҳмуд Замахшарий (XII аср)нинг "Муқаддиматул=адаб", "Абу Ҳайён (XIV аср) нинг "Китобул=идрок лил=лисоул=атрок",, Муҳанна (XIV аср)нинг "Таржумон туркий ва мўғулий ва форсий" (Ибн номаълум, "Ат=туҳфатуз=закия фил=луғатит=турк" муаллифи XIV аср) каби луғат ва грамматикаларда ҳам туркий тиллар фонетикасига оид қимматли маълумотлар бор.

XV асрдаги эски ўзбек тили унли товушларининг батафсил тавсифини, бу тилдаги унлилар, уларнинг фонетик кўринишлари ҳақидаги муҳим маълумотларни Алишер Навоийнинг "Муҳокаматул=луғатайн" асаридан топамиз. Алишер Навоий ижодидан кейин эски

ўзбек тилига қизиқиш кучаяди. ХУI асрда Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан Толеъ Ҳиравий томонидан, асосан, Навоий асарлари асосида форсий тилда ёзилган "Бадоеул=луғат", Мирза Маҳдихоннинг "Мабониул=луғат" грамматикаси ва "Санглоҳ" луғати (ХУШ аср), Фатҳ Али Кожарийнинг "Луғати атрокия" (XIX аср), усмонли турк тилида ХУ асрда ёзилган - номи ва муаллифи маълум бўлмаганлиги сабабли луғатнинг биринчи сўзи абушқа - "қария, чол" номи билан машҳур бўлган "Абушқа" луғати, Шайх Сулаймоннинг "Луғати чиғатоий ва туркий усмоний" (XIX аср) асарларидаги эски ўзбек тили сўзларининг талаффуз хусусиятлари ҳақида берилган изоҳлардан ҳам ўзбек тили тарихий фонетикаси бўйича муҳим маълумотларни олиш мумкин.

Ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганишда рус ва совет туркшуносларининг ҳам хизмати катта. В.В.Радловнинг эски ўзбек тили ёдгорликлари фонетикаси бўйича ишлари, К.К.Юдахиннинг "Чиғатой тилининг фонетик состави ҳақида материаллар" (1929), А.К.Боровковнинг "Алишер Навоий - эски ўзбек тилининг асосчиси" (1946); "Бадоеул=луғат". Толе Имоний Ҳиравийнинг Навоий асарларига луғати (1961), А.М.Шчербакнинг "Навоий тили" (1941), "Х-ХШ аср Шарқий Туркистон туркий матнлари тилининг грамматик очерки, (1961), "Эски ўзбек тили грамматикаси" (1962), "Туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси" (1970) каби асарлари бу ўринда алоҳида қайд этилиши лозим.

Ўзбек тилшуносларининг ўзбек тили тарихий фонетикаси билан қизиқишлари 60= йиллардан кейин кучайди. Профессорлар Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдураҳмонов, А.Рустамов, Х.Дониёров эски ўзбек тили унли ва ундошлари системаси, айрим фонетик ҳодисалар бўйича қатор илмий ишларни нашр эттирдилар ва Алишер Навоий асарлари маълумотлари асосида эски ўзбек тили унлилари системаси устида тадқиқот ишлари олиб бордилар. Қ.Маҳмудов ХП аср ёдгорлиги "Ҳибатул=ҳақойиқ" асарининг фонетик хусусиятларини ўрганиб чиқди. Ҳозирги ўзбек тили унли ва ундошларининг шаклланиш тарихини В.В.Решетов ўзининг "Ўзбек тили. I қисм. Кириш. Фонетика" (1959) китобида атрофлича ёритди.

Тилшунос ва матншунос Э.А.Умаров Толеъ Ҳиравий, Мирза Маҳдихон ва Кожарий луғатлари асосида ХУ, ХУП ва XIX асрларда ўзбек тили унлиларига оид муҳим кузатишларини умумлаштириб эълон қилди. Ғ.Абдураҳмонов ва А.Рустамовларнинг ўзбек тилида

биринчи марта нашр этилган олий ўқув юртлари талабалари учун "Қадимги туркий тил" (1982) қулланмасида туркий тиллар учун муштарак бўлган Ўрхун-Енисей ёдгорликларининг фонетик хусусият-лари атрофлича баён этилди.

Ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганишда XI-XV асрлар ёзма ёдгорликларининг мукаммал транскрипция асосидаги илмий нашрларини амалга оширган Э.И.Фозилов, С.Муталлибов, Қ.Каримов, К.Юнусов, М.Зиёева, А.И.Чайковская ва бошқаларнинг хизматлари жуда катта. Бу олимлар ва ўзбек шевашуносларининг илмий ишлари ўзбек тили тарихий фонетикасини умумлаштиришга замин яратади.

КИТОБДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ЁРДАМЧИ БЕЛГИЛАР

Шевашунослик фани каби тарихий фонетика ҳам талаффузни аниқ акс эттирувчи ёзув системаси - транскрипциядан фойдаланади. Транскрипция ва унинг турлари ҳақида батафсил маълумот В.В.Решетов ва Ш.Шоабдураҳмоновларнинг "Ўзбек диалектологияси" (Тошкент, 1978) дарслигида берилган. Ушбу ишда биз Р.Абдураҳмонов ва Ш.Шукуровларнинг "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси" (Тошкент, 1972) қўлланмасида ишлатилган рус академик (Радлов) транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек алифбосидаги белгилардан фойдаланамиз.

Унлилар учун:

а - орқа қатор (қаттиқ), лабланмаган, кенг (қуйи) унли;
ə - олд қатор (юмшоқ), лабланмаган, кенг (қуйи) унли;
э - олд қатор (юмшоқ), лабланмаган, ўрта кенг унли;
о - орқа қатор (қаттиқ), лабланган, ўрта кенг унли;
ө - олд қатор (юмшоқ), лабланган, ўрта кенг унли;
у - орқа қатор (қаттиқ), лабланган, тор (юқори) унли;
ү - олд қатор (юмшоқ), лабланган, тор (юқори) унли;
ы - орқа қатор (қаттиқ), лабланмаган, тор (юқори) унли;
и - олд қатор (юмшоқ), лабланмаган, тор (юқори) унли.
ɔ - ҳозирги ўзбек адабий-орфографик о - орқа қатор, кенг, ярим лабланган.

Ундошлар учун:

қ - тил орқа, портловчи, сонор бурун товуши;

ж – тил олди, аффрикат (қоришиқ), жарангли;
җ – тил олди, сирғалувчи, жарангли;
ӟ – тишлараро (интердентал) (тил устки ва остки тишлар орасида турган ҳолда ҳосил буладиган) з;
в̈ – лаб=тиш, сирғалувчи, жарангли;
в – лаб=лаб, сирғалувчи, жарангли.

Қолган ундош товушлар учун ўзбек алифбосида мавжуд б,г,д,й, к,л,м,н,п,р,с,т,ф,х,ҳ,ц,ч,ш,қ,ғ ва рус алифбосидаги ц белгиоидан фойдаланамиз.

Қўшимча белгилар:

– – унли белги устига қуйилиб, унинг чўзиқлигини кўрсатади;

– – унли белгилар тагига қуйилиб, фонологик булмаган чўзиқликни курсатади:

\+ – унли белгисидан олдин қуйилиб (+у, +и, +у ва х.), унинг оралиқлиги (қаттиқлик ва юмшоқлик билан фарқланмаслик)ини курсатади ва буни таъкидлаш зарур бўлган ўринларда ишлатилади;

= а) ундошлардан олдин қўйилиб, бу ўринда истаган унли кела олишини курсатади (=р–бу қўшимча =ар, =эр, =ьр, =ир, =ур, =р куринишларда учрайди);

б) узак ёки негизнинг феъл эканлигини кўрсатади (от=отмоқ феълининг узаги, от – от, лошадь).

$=ар^2$ $=ьр^4$ – араб рақами остида турган қушимчанинг неча фонетик кўринишда учрашини кўрсатади ($=ар^2$, =ар, =эр; $=нр^4$, =ьр =ир =ур =р);

(– "ёки" маъносини англатади: =ар/=ьр – =ар ёки ьр.

АРАБ АЛИФБОСИ АСОСИДАГИ ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ ҲАҚИДА

Ўзбек халқи минг йилдан зиёдроқ давр давомида араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келди. Ўзбек халқининг 1920 йилгача яратган тарихий, илмий ва бадиий ёзма ёдгорликлари, асосан, мана шу ёзувда етиб келган. Ёзув ва тил, айниқса, фонетика бир=бири билан алоқадор булганлиги сабабли эски ёзувдан хабарсиз ўзбек тилининг тарихий фонетикасини ўзлаштириш мумкин

эмас.

Туркий халқлар ўз тарихи давомида қўллаган бир неча ёзув руний, қадимги уйғур, суғд, брахма ва бошқа ёзувлар ичида кенг ва узоқ қўлланилгани араб алифбоси асосидаги ёзув бўлди. Маълумки, араб алфавити кам унлили ва кўп ундошли семит тилларига мўлжалланган. Бу тилларда чўзиқ ва қисқалиги билан фарқланувчи атиги учта унли фонема бор: а, и, у. Ёзувда асосан чўзиқ унлилар ифодаланади, қисқа унлилар ҳаракатлар – ост=уст белгилари билан берилади ва ёзувда кўпинча ифодаланмайди. Айрим ундошлар учун икки хил т ва х, уч хил с, тўрт хил з белги бор. Шунингдек, араб тилига хос бўлган чуқур бўғиз портловчиси ва саёз бўғиз портловчисини ифодаловчи айн ва ҳамза ҳарфлари бор. Юқорида санаб ўтилган 13 белгидан атиги тўрттаси туркий сўзлар таркибида ишлатилади, холос (те, син, зе ва зол). Лекин туркий тиллар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлик, кенг=торлик даражаси ёзувда ўз аксини топмайди. Бундан ташқари, араб алифбосида туркий тилларда кенг тарқалган п, ч, г, в ундошлари учун махсус ҳарфлар йўқ. Кейинчалик ҳарфлари туркий алифбога киритилган бўлса=да, улар жуда кам ишлатилган ва қўл ёзмаларда деярли ёзилмаган; бу ҳарфлар ўрнида бе, жим, коф, вов ҳарфлари ёзаверилган. Бу ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганишда қийинчилик туғдиради.

Эски ўзбек алифбоси, ундаги ҳар бир белги ифодалайдиган товушлар I жадвалда берилди.

Эски ўзбек имлоси ҳақида гапирганимизда, ундаги қатъий қоидани таъкидлаш жоиз: арабча ва форсча сўзлар манба тили ёзувида қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам шундай ёзилган. Масалан, عظيم – азим, مصطفى муста́фо.

Ваҳоланки, бу икки сўзнинг ёзилишида иштирок этувчи ҳарфлардан фақат учтаси (мим, ё ва фе) туркий сўзларда ёзилиши мумкин, шунда ҳам ё ҳарфининг туркий ва арабча сўзларда ўқилиши бир=биридан кескин фарқ қилади. Эски ўзбек ёзувида арабча ва форсча сўзларнинг тўғри ёзилишига жуда катта эътибор берилган, арабча сўзлар ёзилишини бузиш қўпол хато, маданиятсизлик ва саводсизлик ҳисобланган.

Туркий сўзларнинг ёзилишида эса қатъий қоида белгилаш қийин. Масалан, оғлан сўзини Маҳмуд Кошғарий أُغلن

шаклида ёзса, Муҳаммад Солиҳ أوغلان шаклида ёзади. Айни бир қўл ёзманинг ўзида бир сўз унлилари турлича ёзилиши мумкин бўлган. Мисол тариқасида 1466 йилда юксак санъат билан кўчирилган, муаллиф томонидан кўриб чиқилган Алишер Навоийнинг илк девонида и унлили айрим сўзларнинг ёзилишини солиштирамиз: بتك (ИД,103б) - битиг; قيلب (ИД, 1б) - қилиб; قليب (ИД,2б) - қилиб. (Биринчи сўзда унлилар умуман ёзилмаган, иккинчисида биринчи и ёзилиб, иккинчиси ёзилмаган, учинчисида эса, аксинча, иккинчи и ёзилиб, биринчи и ёзилмаган). ХУП аср филологи Мирза Маҳдихон учмақ сўзини اوچماق яъни алиф ва вов билан ёзса, учун сўзини اچون шаклида, яъни фақат алиф билан ёзади. Бундай хилма-хиллик истаган қўл ёзмада истаган миқдорда топилади

1= жадвал

Эски ўзбек алифбоси

Ҳарфнинг мустақил кўриниши	Ҳарфнинг номи	Ифодалай оладиган товушлари	Ҳарфнинг мустақил кўриниши	Ҳарфнинг номи	Ифодалай оладиган товушлари
ا	алиф	а, ә ,э,у у,и, ы	ص	сод	с
			ض	зод	з
ب	бе	б,п	ط	то	т
پ	пе	п	ظ	зо	з
ت	те	т	ع	айн	ь,ъ
ث	се	с	غ	ғайн	ғ
ج	жим	ж,ч	ف	фе	ф
چ	чим	ч	ق	қоф	қ
ح	=ҳои ҳут= ти	ҳ	ك	коф	к,г
خ	хе	х	گ	гоф	г
د	дол	д	ل	лом	л
ذ	зол	з	م	мим	м
ر	ре	р	ن	нун	н
ز	зе	з	ه	ҳойи ҳав- ваз	ҳ; а,

س	син	с	و	вов	в,в; у, ў, о,
ش	шин	ш	ی	ё	й; и,ы, э

Асосий ҳаракатлар

ـَـــــــــ – забар, фатҳа –а,э;	آ –мадда – а,
ـِـــــــــ – касра, зер –и,ь;	ّ –ташдид – ундошнинг иккиланиши;
ـُـــــــــ – пеш, замма – у, ; о,	ء –ҳамза – саёз бўгиз портловчи ундоши.

Шундай бўлса-да, эски ўзбек қўл ёзмаларида туркий сўзлардаги унлиларни тўла ёзишга интилиш кучли: کورکوزدی (ИД, 103б) – "кэргузди"; تیلار (ИД,103б) – "тилэр"; ایرورمین (ИД,103б) – "эрурмэн".

ТАРИХИЙ ФОНЕТИКАНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

Араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви туркий тиллар товуш қурилишини мукаммал акс эттиролмаганлиги тарихий фонетикани ўрганишда мушкуллик туғдиришини айтиб ўтдик. Шунинг учун тилимизнинг ўтмиш даврлардаги фонетик қурилишини, унинг ўзига хосликларини ўрганишда қуйидагиларга таянилади:

I. XI–XIX аср тилшуносларининг луғат ва грамматикаларида туркий сўзлар, товушларнинг талаффуз хусусиятлари ҳақидаги изоҳлари;

II. Туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш натижалари;

III. Араб ёзувининг имкониятлари. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

I. Араб ёзувида к, қ, ғ товушлари изчиллик билан фарқланади. Грамматик қурсаткичлар таркиби (сўз ясовчи ва сўз ўзгарувчилар)да эса бу товушлар жуда кенг қўлланади. Бундай қўшимчаларда қ, ғ товуши ўзак ва қўшимча таркибидаги унлиларнинг қаттиқ (орқа қатор)лигидан, к, г эса уларнинг юмшоқ (олд қатор) лигидан далолат беради ва сўз таркибидаги унлилар табиатини аниқлашга ёрдам беради;

2. Туркий суз ва қушимчалар имлосининг қатъий эмаслиги алифбо сирасида ўзининг аниқ ҳарфий ифодасига эга бўлмаган товушларни шу товушга яқин бўлган товушларни ифодаловчи ҳарфлар ёки белгилар билан алмаштириб бериш (баъзан бир белги, баъзан иккинчи белги билан ёзиш) имкониятини ҳосил қилади. Бу эса туркий тилдаги мазкур товуш шу белгилар араб ва форс тилларида ифодаланган товушлар оралиғидаги бир товуш эканлигидан далолат беради;

3. Туркий сўзлар имлосининг қатъий эмаслиги котибга туркий сўзлардаги унли товушларни ёзувда мумкин қадар тўла акс эттириш (ҳеч булмаса айрим ҳолларда, чунки бир қул ёзманинг ўзида сузлар турлича ёзилиши мумкин) имкониятини беради ва сўздаги унли товушларни аниқлашга ёрдам беради.

IУ. Ўзбек шевалари маълумотларидан.

Тилнинг тараққиёт қонунлари шуни курсатадики, биринчидан, ҳозирги тилда, шевада мавжуд булган қонуниятлар тил тараққиётининг аввалги даврларида ҳам маълум даражада учраши мумкин. Иккинчидан, тилда ўтмишда мавжуд бўлган, ҳозирда йуқолиб кетган ёки ута кучсизланган қонуниятлар ҳеч қачон изсиз йуқолиб кетмайди, аксинча, тил, айниқса шеваларда қолдиқлар, эскирган ҳодисалар сифатида сақланади.

УНЛИЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

1= §. Эски узбек тилининг келиб чиқиш манбаи, бевосита илдизи булган ва корахонийлар давлатида расмий адабий тил вазифасини ўтаган эски туркий тилда барқарор унли фонемалар, асосан, сўзнинг ўзагида келган. Иккинчи ва ундан кейинги бўғинлардаги унлиларнинг табиати ва талаффуз хусусиятлари биринчи бўғиндаги унли таъсири билан белгиланган. Чунки эски туркий тилда товушлар уйғунлиги (сингармонизм) ходисаси қонуният сифатида мавжуд эди. Жумладан, эски туркий ва эски ўзбек тилларида, унлилар орасида фонологик фарқ, мустакил фонемалар сўзнинг ўзаги таркибида аниқланади. Қуйироқда мана шу уриндаги унлилар ҳақида баҳс юритилади. Қушимчалардаги унлиларнинг табиати ҳақида эса сингармонизм ва товуш алмашинувлари бўлимларида тўхталамиз.

2= §. Эски туркий тилда 8 та унли фонема учрайди. Улар қуйидагилар: а, ә, о, ө, у, ӱ, ы, и. Фонемалар эски туркий тил-

да тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра икки хил: олд қатор (тил олди, юмшоқ) унлилар: – , , ,и; орқа қатор (тил орқа қаттиқ) унлилар: –а,о,у, ы. Тилнинг вертикал ҳолатига кўра унлилар кенг (қуйи) – а,ә, ўрта – о,ө ва тор (юқори) – у,ү ы, и; лабнинг иштирокига кўра эса лабланган – о,ө , у, ү ва лабланмаган унлиларга – а,ә,ы, и бўлинади.

Эски туркий тилдаги унли товушларнинг талаффуз хусусиятлари 2= жадвалда берилган.

Юқорида санаб ўтилган 8 унли фонема фонологик (маъно фарқлаш) вазифани бажаради: тар (МК,Ш,162) –тор; тәр (МК,I,191) – тер, арақ; тир – тиргак. тира сўзларининг ўзаги[1] тыр= – тирноқ, тирмаламоқ сўзларининг ўзаги; өт (МК,I,71) – ит; ит= – (МК,I,182) – йиқитмоқ; тор (МК,Ш,133) – тўр, уйнинг тўри; тор (МК,Ш,133) – тўр, тузоқ; тур= – (МК,П,13) – турмоқ; түр= – (МК,I,71) – турмакламоқ, ўрамоқ, ёпмоқ, тугмоқ; от (МК,I,71) – ўт, олов;

2= жадвал

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра / Тилнинг вертикал ҳолатига кўра	Орқа қатор (қаттиқ)	Олд қатор (юмшоқ)	Орқа қатор (қаттиқ)	Олд қатор (юмшоқ)
Қуйи (кенг)	а		=	=
Ўрта			о	ө
Юқори (тор)	ы	и	у	ү

өт= – (МК,I,79) – тешмоқ; үт= (МК,I,181) – ютмоқ (уйинда); үт=(МК,I,82) – куйдирмоқ, партламоқ.

Араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзувида бу фонемаларнинг ҳар бири учун алоҳида белги бўлмаса-да, юқорида айтиб ўтгани-

---

I. Бухоро шеваларида тир дурадгорлар луғатида тиргак маъносида ишлатилади.

миздек, сўзнинг узак ва қўшимчаси таркибидаги қ, ғ узакдаги унлининг қаттиқлигига, к,г эса унинг юмшоқлигига ишора қилиб келади: атқа – отга; этка – гўштга; борға – шаробга, ичимликка; төргә – тўрга, юқорига.

Ҳозирги ўзбек адабий тили талаффузи ва ёзувида олд қатор (юмшоқ) ва орқа қатор (қаттиқ) унлилар кескин фарқланмайди. Лекин эски туркий тилда, ҳозиргина кўриб ўтганимиздек, бу фарқ катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўзбек тили тарихида муҳим ҳисобланган уч хил унли – орқа қатор, олд қатор ва оралиқ унлилар талаффузи устида бир оз тўхталиб ўтамиз.

Унлиларнинг қатори – олд, орқа, оралиқ (индифферент) эканлиги тилнинг горизонтал – тишлар ёки бўғиз томонга ҳаракати билан белгиланади. Тилнинг тишларга яқинлашган (баъзан, ҳатто, тишлар орасидан салгина чиқиб турган) ҳолатида талаффуз этилганда, олд қатор (юмшоқ) унлилар ҳосил бўлади. ә, и, ү, ө унлилари мана шундай юмшоқ унлилардир. Уларнинг талаффуз хусусиятлари қуйидагича:

ә – оғиз кенг очилади, тил олдинга келади, тилнинг орқаси кўтарилади, лаблар чўччаймайди: әл – эл, қул; әйләгән – айлаган; әләк – элак; әтәк – этак; әмгәк – меҳнат; әтләрдә – этларда.

и – оғиз деярли ёпилган, лаблар икки четга тортилган, тил олдинга сурилиб, орқаси кўтарилган ҳолатда талаффуз этилади; икки – "икки", итиг – "тайёр"; битиг – "хат, ёзув"; йирик – "йирик", элиг – "илик, қул"; бәшик – "бешик"; тәлим – "кўп"; элләрдин – "эллардан".

ү – оғиз деярли ёпилмаган, лаблар олдинга қараб чўччайган, тил олдинга сурилиб, орқаси кўтарилган ҳолатда талаффуз этилади: үзүм – "узум"; үзүк – "узук"; бүтүн – бутун; үлүш – улуш, бўлак"; үшәлди – ушалди; үндәди – ундади.

ө – оғиз ү нинг талаффуз ҳолатидан кенгроқ (кўпроқ), лекин э талаффуз ҳолатидан торроқ очилиб, лаблар чўччайган, тил олдинга чўзилиб, орқаси кўтарилган ҳолатда талаффуз этилади. Бу товуш фақат биринчи бўғинда учрайди: өл – "ҳўл"; өтүк – илтимос; бөлүк – бўлак; көмүл-дүрүк – отнинг бир хил асбоби; көкүрчгүнләшти – каптар тикиб, қимор ўйнади.

Орқа қатор унлилар талаффуз этилганда, тил орқага тортилади, тилнинг учи милкдан анча узоқлашади, тилнинг орқаси пастга туширилиб, учи салгина кўтарилади.

905498
ИМ...

а – оғиз кенг очилган, лаблар икки ёнга тортилган, тил орқага олинган ҳолатда талаффуз этилади: ат – от; ал – ол қизил; арқа – орқа; ала – ола; қара – қора; йарақланмақ – қуролланмоқ, яроқланмоқ.

ы – оғиз деярли ёпилган, лаблар икки ёнга тортилган, тил орқага олинган ҳолатда талаффуз этилади: ыт – ит; ыбық – "оҳу"; ыврық – кўза; ысрық – исириқ:, ығлады – йиғлади; ызыды – озод этидди; ышлығ – ишли; ынандым – инондим.

у – оғиз деярли ёпилган, лаблар чўччайган, тил орқага олинган ҳолатда талаффуз этилади: ус – бургут; уруғ – уруғ; урағут – хотин; урумзун – бир хил ранг; учғуқ – тумов; урунч – пора; усуқмақ – чанқамоқ; уснатмақ – ўхшатмоқ.

о – оғиз у ни талаффуз этаётгандан кўра кенгроқ (кўпроқ), лекин а ни талаффуз этаётгандан кўра торроқ (камроқ) очилган, лаблар чўччайган, тил орқага олинган ҳолатда талаффуз қилинади. Бу товуш фақат биринчи бўғинда учрайди: от – ўт, олов; оң – ўнг; оңур – чуқур; оғуч – аланга; орду – ўрда, марказ; охшағ – ўхшаш; толмоқ – тўлмоқ; толу – тўла; тозғурды – тўйдирди; тор – тўр, тузоқ.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар оралиқ (индифферент) – қаттиқ=юмшоқлик билан фарқланмайдиган товушлардир[1]. Оралиқ унлиларни талаффуз этганда, тил олд қатор унлиларни талаффуз этаётгандаги ҳолатидан орқароқда, лекин орқа қатор унлиларни талаффуз этаётган ҳолатидан олдинроқда бўлади. Буни қуйидаги унлилар қаторининг талаффузида аниқ сезиш мумкин:

ы – +и – и,
а – +а – ә,
у – +у – ү,
о – +ў – ө.

Унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлиги ҳозирги ўзбек тилидан бошқа барча туркий тилларда, шунингдек, эски туркий тилда ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бу тилларда қаттиқ=юмшоқлик белгиси алоҳида=алоҳида, яъни мустақил фонемаларни – товуш тур (тип)ларини фарқлайди, унлининг қаттиқ=юмшоқлиги сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилади. Чунончи олтурды (МК, I, 228) –

[1] Оралиқ унлиларни қаттиқ ва юмшоқ унлилардан фарқлаш учун бу унлиларни плюс (+) аломати билан, +а, +и, +у, + сифатида берамиз.

ўтирди, өлтүрди (МК,1,228) – ўлдирди; ол (МК,1,72) – у, ул, өл (МК,1,83) – ҳул; йвр (МК, Ш, 9) – ғазал, мақом, куй; йир (МК,Ш,156) –бир хил матонинг ранги; ут= (МЛ, 114) – ютмоқ, үт =(МЛ, 114) – партламоқ, калла=пойчани куйдирмоқ.

Эски туркий тилда қаттиқ ва юмшоқ унлилар изчиллик билан фарқланганлиги сабабли, ҳозирги ўзбек адабий тилида шаклдош бўлган жуда кўп сўзлар эски тилимизда омоним эмас. Чунончи, уч (ДТС, 603) – уч, охир, үч (МК, 1,71) – уч (сон); болды (МК, 1, 72) – бўлди (рус. быть=), бөлди – бўлаклади, парчалади; от (МК, 1, 78) – "олов, ўт", өт=(МК,1,182) – "ўтмоқ"; төр (МК, Ш, 133) – "тўр, пешгоҳ", тор (МК, 1, 133) – тўр, тузоқ"; туз (МК, Ш, 135) – туз (ош тузи), түз (МК, Ш, 135) – туз, тузук, яхши, текис.

Қаттиқ ва юмшоқ унлиларни фарқлаш ўзбек халқ шеваларига ҳам хосдир. Жуда кўп ўзбек шеваларида (жумладан, ўзбек тилининг ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларининг барча шевалари, Фарғона, Андижон шеваларида) қаттиқ ва юмшоқ унлилар фарқланади. Лекин ўзбек адабий тили учун оралиқ унлилар хосдир, нутқда улар қаттиқ, юмшоқ ва оралиқ кўринишларда намоён бўлади.

3= §. э фонемаси ҳақида. Эски туркий тилда урта кенг, олд қатор, лабланмаган мустақил э фонемаси борлиги ҳақида аниқ.маълумот йуқ, чунки XI–XП асрларда э ва ә билан фарқланувчи узаклар қайд этилмаган. Шунинг учун баъзи тилшунослар "XI–XП аср ёзма ёдгорликларида мустақил ә фонемаси бўлган ва э унга куриниш сифатида айрим шеваларда пайдо бўла бошлаган" деган фикрда бўлсалар, бошқалари бу даврга келиб, сўзнинг биринчи бўғинида ә > э ходисаси якунланган ва биринчи бўғинда туркий сўзларда ә фонемаси йуқолган деган фикрни олға суришади. Ҳақиқатан ҳам, кўпгина ёдгорликлар XI асрда бу товуш, яъни олд қатор, ўрта кенг, лабланмаган э товуши борлигидан далолат беради. Жумладан; кўпгина ёзма ёдгорликларда сўзнинг биринчи бўғинидаги лабланмаган, олд қатор тор бўлмаган унли фатҳа (кенг унли белгиси) билан ҳам, касра (тор унли белгиси) билан ҳам, баъзан эса иккала – ҳам фатҳа, ҳам касрани бирга келтириш билан (ِ сифатида) берилади. Қадимги уйғур ёзувида ҳам бу товуш ә ва и ни ифодаловчи белгилар билан берилаверади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, бу ҳолатда ә ва и оралигидаги бир товуш назарда тутилади ва бу товуш фақат э (кенг билан тор оралиги-

даги) бўлиши мумкин. Лекин XI асрнинг дақиқ тилшуноси, ўша даврда товушлар табиати ва талаффузини ўрганишда юксак чўққиларга кўтарилган Маҳмуд Кошғарий лабланмаган, олд қатор тор бўлмаган унлили сўзларни ўз "Девон"ида, асосан, фатҳа - кенг унлили сўзлар бўлимида беради ва "юмшоқ алиф билан" деб таъкидлайди (МК, I, 70). Маҳмуд Кошғарий ә, э ва и товушларини жуда аниқ фарқлайди, бир жойда шундай ёзади: "сэн - "сен" (қанжақ қабиласи тилида). Турклар с н дейдилар". (МК, Ш, 153). Бундан хулоса чиқариш мумкинки, XI аср адабий тилида сўзнинг биринчи бўғинида ә кенг унлиси қоида бўлиб, у шеваларда э га ўтиши мумкин бўлган.

Бошқа томондан, XI аср адабий тилида ўрта кенг э эмас, балки кенг тўғрисида баҳс бориши кераклигини шу давр адабий тилининг фонологик системаси ҳам талаб қилади.

Фонологик системанинг бирлиги тилда маъно фарқлашга хизмат қиладиган товуш турлари фонемалардир. Фонемаларнинг ўхшашлик ва фарқлар асосида тузиладиган занжири, муносабатлар чизмаси <u>фонологик система</u> деб аталади. Фонологик системада мутаносиблик (симметрия) алоқалари муҳим ўрин эгаллайди. Мутаносиблик - системанинг бирликларида бир хил ўхшашлик, фарқ ва зиддиятни маълум қонуният асосида такрорланиши демакдир. Д.И.Менделеевнинг даврий жадвалида ҳар бир хона, катак шу хонада турган кимёвий элементнинг хусусиятларини башорат қила олганидек, фонологик система ҳам унинг ҳар бир катагида (хонасида) қандай хусусиятларга эга бўлган бирлик кела олишини айта олади.

Фонологик системаларда фонемалар бир-бирига қарама-қарши қўйилган, яъни зиддиятли ҳолатда бўлади. Масалан, эски туркий тилда қаттиқ а юмшоқ ә га зиддир. Фонемалар бевосита зиддиятга киришиши учун улар ўзаро фақат битта белги билан фарқланиши керак. Масалан, ы ~ у зиддияти бевоситадир. Чунки бу фонемалар орасида атиги битта фарқ бор - бири лабланмаган, иккинчиси - лабланган. о ~ у зиддияти ҳам бевосита (фарқ битта - бири ўрта кенг, иккинчиси тор), лекин о ~ у зиддияти бевосита эмас, чунки бу ердаги унлиларнинг бири ўрта кенг ва

---

[1] Зиддият [illegible] ~ [illegible] билан берилади. Чунончи: ы ~ и ёки [illegible] ~ у.

қаттиқ, иккинчиси эса тор ва юмшоқ. Демак, бу унлилар орасида ўзаро фарқ иккита.

Бевосита зиддиятлар тилда ва тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга, чунки бевосита зиддиятларда тил бирликларининг жумладан, фонемаларнинг моҳияти намоён бўлади. Фонологик система ҳам фонемаларнинг бевосита зиддиятлар занжиридан ҳосил бўлади. Бу занжирда эса фонемаларнинг зиддият белгилари такрорланиш хусусиятига, яъни мутаносибликка эга. Шунинг учун фонологик система тикланса, у бу системанинг ҳар бир қатагидаги бирлик (фонема) қандай хусусиятга эга бўлишидан далолат беради. Шунинг учун тилшунос олимлар тилдаги ноаниқ, чигал масалаларни ечишда бутун системага мурожаат қиладилар. Шу система учун қандай белги=хусусият муҳим эканлигини аниқлайдилар. Системанинг қарама=қарши қўйилиш белгилари аниқланган, шу белги номаълум, ноаниқ бирликка ҳам татбиқ этилади. Эски туркий тилд кенг, лабланмаган, юмшоқ фонемаси бўлганми ёки ўрта кенг, лабланмаган, юмшоқ э фонемаси бўлганми деган мунозарали масалани ҳал этиш учун биз ҳам шу усулдан фойдаланамиз.

Эски туркий тил унли фонемаларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу тилда ҳар бир унли фонема икки фонемага қарама=қарши қўйилади. Чунончи, и унлиси ўзининг юмшоқлиги билан қаттиқ ы, лабланмаганлиги билан лабланган ү га зиддир; у фонемаси қаттиқлиги билан юмшоқ ү га, торлиги билан ўрта кенг о га зиддир. Демак, а – кенг, лабланмаган, қаттиқ унли фонема ҳам икки фонемага зид бўлиши керак. а ўзининг кенглиги билан тор ы га зиддир. а зид бўла оладиган иккинчи бирлик (фонема) – бу системада фақат кенг, лабланмаган, юмшоқ ә бўлиши мумкин, холос. Ўрта кенг, лабланмаган, юмшоқ э фонемаси бу системадан ўрин эгаллай олмайди. Чунки э билан а орасида фарқ битта эмас, балки иккитадир; э ўрта кенг, юмшоқ а эса кенг ва қаттиқдир. Қаттиқ=юмшоқлик белгиси асосида фарқланиш эса XI аср унлилари учун муҳим хусусиятдир. Шунинг учун а бундан мустасно бўла олмайди – у кенг, лабланмаган, юмшоқ ә фонемасининг бўлишини, шу системага киришини талаб этади. Бундан қатъий хулоса қилиш мумкинки, XI асрда адабий тилда мустақил э – ўрта кенг, лабланмаган, юмшоқ фонема ҳали йўқ эди. Лекин кенг, лабланмаган, юмшоқ ә биринчи бўғинда – айрим шеваларда ва, ҳаттоки адабий тилнинг ўзида,

оал торайган кўринишга эга бўла олган.

Шундай қилиб, XI аср тилида 8 умумтуркий (туркий тилларнинг барчаои учун хоо бўлган) фонема бўлган – а, ә, ы, и, у, ү, о, ө.

XI аор адабий тили унли фонемалари сони ва сифатини аниқлаб олгач, биз бу тилнинг фонологик системаси қандай эканлиги ҳақида – бу тилда унли фонемалар қайси асосий белгилар билан бир-бирига қандай қарама-қарши турганлиги ҳақида, улар нима билан бир-бирига ўхшаш ва нима билан бир-биридан фарқ қилиши ҳақида фикр юрита оламиз.

Даотлаб тор унлиларга мурожаат этамиз. Булар 4 та: ы, и, у, ү. Бу унлилар бир-бирига қуйидагича зиддиятдадир:

1) ы ~ и – қаттиқ – юмшоқ;
2) у ~ ү – қаттиқ – юмшоқ;
3) ы ~ у – лабланмаган – лабланган;
4) и ~ ү – лабланмаган – лабланган.

Бу тўрт зиддиятни битта квадратга бирлаштириш мумкин:

ы ~ – у
≀ ≀
и ~ ү

Энди лабланган унлиларга мурожаат этамиз: у, , о, фонемалари ҳам шунга ўхшаш квадратни ташкил этади:

о ~ у
≀ ≀
ө ~ ү

Ҳар иккала квадратда умумий қиом мавжуд. Бу у ~ ү зиддиятидир. Шу умумийлик асоойда бу икки квадратни бирлаштирсак,

о ~ у ~ ы
≀ ≀ ≀
ө ~ ү ~ и

ҳосил бўлади.

Лабланмаган ы, и, а, ә фонемаларига мурожаат этсак, уларнинг ҳам зиддиятлари кўрилган "квадрат"ларга ўхшаш квадратни ҳосил қилишини билиш қийин эмас:

ы ~ а
≀ ≀
и ~ ә

Умумий ы ~ и асосида бу "квадрат" олдингилар билан бир-

лашади ва XI аср эски туркий адабий тилининг фонологик системасини беради:

1=чизма

$$
\begin{array}{c}
/о/ \sim /у/ \sim /ы/ \sim /а/ \\
\wr \quad \wr \quad \wr \quad \wr \\
/ө/ \sim /ү/ \sim /и/ \sim /ә/
\end{array}
$$

Бу фонологик системадан кўриниб турибдики, унда ўрта кенг лабланмаган, юмшоқ э учун ўрин йўқ. Агар ә ўрнида э мавжуд бўлган деб айтсак, бутун система йўқолади. Чунки а ўзидан икки белги билан фарқланувчи э билан бевосита зиддиятга кириша олмайди. Шунинг учун XI аср учун фақат кенг, лабланмаган, юмшоқ ә мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин.

Фонологик системага бирлашган фонемалар икки мутаносиб (симметрик) қаторни – қаттиқ ва юмшоқ унлилар қаторини ташкил этади. Юқори ва пастки қаторлар бир=бири билан бир хил белги асосида ўзаро зиддир. Бунда мутаносиблик мавжуд: о ~ ө га қандай белги билан зид бўлса, у ~ ү билан, ы ~ и билан, а ~ ә билан худди шундай белги билан зид туради. Лекин ҳар бир қаторнинг ўзида бир хил белги асосида зиддият бўлмайди. Чунончи, о ~ у зиддияти кенг=торлик белгиси асосида бўлса, у ~ ы зиддияти лабланган лабланмаганлик белгиси асосидадир. Бу номутаносиблик сабаби кейинроқ шарҳланади.

Фонологик системада фонемаларнинг энг муҳим хусусиятлари намоён бўлади. Фонологик системадаги ҳар бир фарқ тилда маъно фарқлашга хизмат қилади. Чунончи, тор – тўр, тузоқ, төр – тўр, юқори; тур – турмоқ, түр= – турмакламоқ, ўрамоқ, тир – ўқ, тиргак, тыр= – тирмаламоқ, тирнамоқ; тар – тор, тәр' – тер, арақ. Фонологик системадаги белгилар фонемаларда доимий, қатъий ва барқарор бўлади. Фонемалар асосида нутқда рўёбга чиқадиган товушлар бошқа хусусиятларга эга бўла олмайди, деган фикр келиб чиқмайди. Нутқдаги товушлар жуда кўп қўшимча хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Лекин бу хусусиятлар шу даврдаги система учун ҳал этувчи хусусият эмас ва фонологик система бу хусусиятларга бефарқдир. Бу эса нутқ товушларида хилма=хил ўзгаришлар содир этиш учун кенг имконият беради, тил шу асосда ўз барқарорлигини сақлаган ҳолда ривожланади, ўзгаради.

4= §. Чўзиқ унлилар ҳақида. Ўзбек тили тарихида чўзиқ унлилар ҳақида баҳс юритилганда уч масалани фарқлаш лозим:

1. Араб ва форс=тожик тилларидан эски туркий ва эски ўзбек тилларига кириб келган сўзларда чўзиқ ва қисқа унлиларнинг ўзаро муносабати.

2. Туркий сўзлардаги унлиларда дастлабки чўзиқлик.

3. Туркий сўзларда кейинги чўзиқлик.

Бу масалаларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб ўтамиз:

1. Араб ва форс тилларида унлилар икки хил - қисқа ва чўзиқ бўлади. Бу тиллардаги чўзиқ=қисқаликнинг фарқи мустақил фонологик фарқ бўлиб, чўзиқ ва қисқа унлилар алоҳида фонемаларни ташкил этади. Лекин бу тилларда унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлиги фарқланмайди; улар оралиқ бўлади.

Ўзбек тилига арабча ва форсча сўзлар кириб кела бошлаши билан бу сўзларда чўзиқ ва қисқа унлиларнинг маъно фарқлаш вазифаси ҳам кириб келди: а̄дам - одам; адам - йўқлик; а̄ ва а билан эски туркий ва эски ўзбек тилларида мунтазам равишда мавҳум отларнинг бирлик ва кўплик формалари фарқланади:

Бирлик	Кўплик
адаб - адаб	а̄даб - одоб
та̄ъат - тоат	та̄ъа̄т - тоатлар, тоот
кара̄мат - каромат	кара̄ма̄т - каромотлар

XI асрдаёқ а̄ ва а зиддияти айрим туркий ва арабий сўзларнинг қарама=қарши қўйилишида фонологик қиммат касб қилди: қадыр (МК,I, 344) - қийин; а. қадыр (КБ,50) - қодир, қудратли; сана= -(МК,Ш, 290) - "санамоқ"; а. сана (КБ,500) - сано, ҳамд, мақтов.

Эски ўзбек тилида ӣ ва +и зиддияти ҳам шундай вазифани бажаради: а. қӣл (НА, 734) - гап, сўз; қыл= - қилмоқ; =тир - кесимлик қўшимчаси; тӣр - тийр, ўқ; мил (НИ,П,304) - ўлчов бирлиги, миля; мӣл (НИ,П,304) - 1. сурмачўп; 2. сих.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларида ӯ ва у зиддияти деярли тарқалмаган.

Демак, арабча ва форсча сўзларда оралиқ қисқа а ва и унлиларнинг чўзиқ а̄ ва ӣ ларга зиддиятида маъно фарқлаш вазифаси кучли бўлади. Арабча ва форсча сўзлар миқдори оз бўлган эски туркий тилнинг дастлабки тараққиёт даврларида бу зиддият сезилмас бўлса=да, XI асрдан бошлаб арабча ва форсча сўзлар кўплаб

кириб кела бошлаши билан бу зиддият ҳам кучая борди. Сўзларининг 50 % дан ортиқроғи арабча ва форсча бўлган эски ўзбек тилида ā ва а, ӣ ва и зиддияти етакчи фонологик зиддиятлар қаторидан ўрин олди.

П. Туркий сўзлардаги <u>дастлабки чўзиқлик</u> масаласи жуда мураккабдир. Олимлар тахминига кўра жуда қадимги – ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келмаган даврларда (умумтуркий тилда) – туркий сўзларда чўзиқ ва қисқа унлилар фарқланган. Айрим туркий тилларда (туркман ва ёқут адабий тилларида, шунингдек, айрим ўзбек шеваларида) шу дастлабки чўзиқлик ва унинг қолдиқлари сақланиб қолган. Қадимги туркий тилда (Ўрхун-Енисей обидалари тилида) чўзиқ ва қисқа унлилар йўқ. Эски туркий ва эски ўзбек тилида чўзиқ ҳамда қисқа унлиларнинг фарқланиши, уларнинг фонологик аҳамияти ҳақида қарама-қарши маълумотларга эгамиз. Маҳмуд Кошғарий, Толеъ Хиравий, Мирза Маҳдихон, Фатҳ Али Кожарий ва бошқа тилшунослар чўзиқ ā, баъзан чўзиқ ӣ унлиси ҳақида ёзадилар. Маҳмуд Кошғарий ā унлили сўзларни икки алиф билан келтирган: ااز (МК, I,109) – оз; ااچ (МК, I,108) – оч. اا белгисидан XI–XIУ асрнинг бошқа филологлари ҳам фойдаланган; ااز (АЗI,П) – оз; االا (АЗ,12) – ола.

Бундай ёзиш кўпроқ қипчоқ шева хусусиятини акс эттирувчи "Ат=туҳфа" асарида айниқса куп. Бу асарда қўш алиф (ǝ̄) ни ифодалашга ҳам хизмат қилади: ااكتى (АЗI,175) <u>ǝ̄кти</u> – экди; ااكاو (АЗI,175) – <u>ǝ̄гǝ̄в</u> – эгов; اا لاك (АЗI,175) – <u>ǝ̄лǝк</u> – элак. Бу сўзларга қўшимчалар қўшилганда, чўзиқлик йўқолади: ازلاما (XX–179) <u>азлама</u> – оз деб билма; اجقتى (МК,I,199) <u>ачыкты</u> – очиқди, оч қолди.

Мирза Маҳдихон ва бошқа ўрта аср навоийшунослари ā ни алиф мамдуда (мадда белгисини олган алиф) деб атайдилар. Мамдуда алифли сўзлар "Бадоеул-луғат"да 50 дан, "Санглоҳ"да эса 170 дан кўпроқдир[1], асосан, бу товуш сўзнинг боши ва ўртасида учрайди: <u>āсығ</u> (БЛ,8а) – фойда; <u>āтлығ</u> (БЛ,5а) – отлиқ; <u>āнча</u> (С., 52р) – анча; <u>āвлақ</u> (С., 53в) – овлоқ, шикоргоҳ; <u>тāрамāқ</u>

---

[1]Тадқиқотчи Э.Умаров ҳисоби асосида.

(С., 152в) – тарамоқ.

Энди унлиларнинг чўзиқ=қисқалиги ҳақида икки олим – Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийга мурожаат этамиз.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг унли товушларини тавсифлаб шундай ёзади: "Унлиларни чўзиқ ёки қисқартириб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди" (МК,I, 385). Девон"нинг бошқа жойида яна ҳам аниқроқ қилиб ёзади: йиғāч дейиш ҳам мумкин, йиғач дейиш ҳам мумкин, танӯқ дейиш ҳам, тануқ дейиш ҳам мумкин. Лекин исмларда ҳам, феълларда ҳам қисқартириш яхши ва тўғридир" (МК,II,45). Маҳмуд Кошғарийнинг бу сўзларидан фақат битта хулоса чиқариш мумкин: XI аср адабий тилида чўзиқ унлилар бўлмаган, лекин айрим сўзларни чўзиқ унли билан талаффуз этиш ўша давр шеваларида мавжуд бўлган; унлиларнинг чўзиқ=қисқалиги фонологик вазифани ўтамаган. Эский туркий тилда а ва ā зиддияти фонологик бўлмаганлиги учун чўзиқ=қисқалик алоҳида фонемаларни эмас, балки фонеманинг кўринишларини фарқлаган. Худди шу фикрни туркий сўзлардаги и, ӯ ва б. унлилар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Алишер Навоий эски ўзбек тилининг фонетик имкониятлари, шеър тузиш ва қофиялашдаги қулайликлари ҳақида тўхталиб, бу тилдаги унлиларнинг қисқа ҳам, чўзиқ ҳам талаффуз этилиши шеърият учун қулай эканини таъкидлайди. Буюк мутафаккир, жумладан, туркий сўзини ара сифатида талаффуз этиб, форсча сара, дара сўзлари билан ҳам, арā сифатида талаффуз этиб, чўзиқ унлили форсча сарā, дарā сўзлари билан ҳам қофиялаш мумкинлигини уқтиради (МЛ,114). Буюк адиб эрур сўзини дур ва ғурӯр, бағър сўзини қāдър ва таъхӣр сўзлари билан қофиялаш ҳам мумкинлигини айтади (МЛ,114). Араб ва форс тилларида дара ва дарā, дур ва ғурӯр, қадър ва таъхӣр сўзлари бир=бири билан қофиялана олмайди, чунки биринчи сўзлардаги унлилар қисқа, иккинчи сўзлардаги унлилар эса чўзиқдир. Демак, туркий бағър сўзи "қāдър" – "қодир" сўзи билан қофияланиши учун бāғър (ад.орф. боғир), таъхӣр сўзи билан қофияланиши учун бағӣр (ад.орф. бағийр) сифатида талаффуз этилиши керак. Алишер Навоий гувоҳлик беришича, бағър сўзи қофия талабига кўра икки хил талаффуз қилинган.

Алишер Навоийнинг берган маълумотларидан ҳам қатъий хулоса чиқариш мумкин: туркий сўзларда чўзиқ=қисқалик фонологик

вазифа бажармаган ва унлининг чўзиқ=қисқалиги вазн ва қофия билан белгиланган.

Биз арабча=форсча чўзиқ унлилар (булар мустақил фонемалардир) ва туркий унли фонемаларнинг чўзиқ кўринишлари устида кўп тўхталамиз. Шунинг учун бу икки хил чўзиқликни фарқлаш мақсадида мустақил фонемалар бўлган арабча=форсча сўзлардаги чўзиқ а, и унлиларини а̄ ва ӣ билан берсак, туркий фонемаларнинг чўзиқ кўринишини а̲, и̲ шаклида (яъни чўзиқлик белгисини ҳарф тагига қўйиб) берамиз. Чунончи, қа̄дыр – ба̲ғыр каби.

Шундай қилиб, эски туркий ҳамда эски ўзбек тилида унлилар чўзиқ ва қисқалик билан фонологик жиҳатдан фарқланмаган; бу тилларда дастлабки туркий чўзиқлик сақланмаган деган умумий хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ш. Кейинги чўзиқлик. Эски туркий ва эски ўзбек тилларида бундай чўзиқлик сўзнинг ўрта ва охирида г, ғ, й, х товушларининг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлади: би̲з (МЛ,1[1]1) – бигиз; ки̲з (МЛ,114) – кигиз; қы̲н (Хам.; БЛ,71а) – қийин. Алишер Навоий биз–"биз" (кишилик олмоши) ва би̲з – бигиз сўзларини зид қуяр экан (МЛ,114), мана шу кейинги чўзиқлик ҳақида маълумот беради.

Кейинги чўзиқлик туркий тиллар ва шеваларининг барчасида кенг тарқалган ва фонетик ҳодисаларнинг диэреза турига киради.

Ўзбек тили тарихида чўзиқ унлилар билан боғлиқ бўлган уч ҳолатни кўриб чиққач, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин: Эски туркий ва эски ўзбек тилларида оралиқ а̄ ва ӣ унлилари арабча ва форсча сўзларда маъно фарқлаш вазифасини бажариб, мустақил фонема сифатида ишлатилган, лекин туркий сўзларда чўзиқ ва қисқа унли товушлар бир фонеманинг икки фонетик кўриниши ҳолатида бўлган.

Арабча ва форсча сўзларда фонема вазифасини ўтаган а̄ ва ӣ ларни эски туркий тил унли фонемалари зиддияти системасига киритсак (1= чизма), унлилар сони 10 тага етади, бу системада а̄ ва ӣ ўзаро зид бўлиб, бундан ташқари, ӣ туркий ы ва и билан, а̄ эса туркий а ва ә билан қарама=қарши туради:

2= чизма



Шуни алоҳида уқтириб утиш керакки, қаттиқлик (биринчи қатор) ва юмшоқлик (иккинчи қатор) билан изчил, фарқланувчи системага оралиқ чўзиқ а̄ ва ӣ ларнинг кириб келиши бутун фонологик системанинг кейинги тарихий ўзгаришларида катта таъсир кўрсатди. Бу таъсир ҳар бир унли фонеманинг XI-XX асрлардаги ўзгаришларида яққол кўринади.

5- §. ы, и, й фонемаларининг тараққиёти. XI асрда ы ва и фонемалари мустақил ҳолатда бўлиб, сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилган бўлса-да, ўша даврлардаёқ бу икки унли фонема орасидаги фарқнинг кучсизланишини кўриш мумкин. XI аср ёдгорликларида тор лабланмаган унлили сўзлардан айримлари қаттиқ ва юмшоқ унлили кўринишларда қўлланилади: ыш/иш, тыл/тил, тыш/тиш, ыт/ит, тышы/тиши. Бу ҳодисани "Қутадғу билиг"да ҳам, "Девону луғатит турк"да ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бу сўзларда ы ва и нинг фарқланмаслигини бу унли бўлган бир сўзга қўшимчаларнинг қ,ғ ли қаттиқ кўринишининг ҳам, к,г ли юмшоқ кўринишларининг ҳам қўшила олишидан биламиз: тылқа (ҚБ-66) - тилга, тилиг (ҚБ-66), тылығ (КБ-88) - тилни; ишк (КБ-88) - ишга, ышлығ (МК,I,466) -ишли, иши бор; ыт (МК,I,71) - ит, кучук, ит (ДТС,215) - ит, кучук; изығ (КБ-286) - изни, из (МК,I,109). Бу сўзларнинг ўзагида ы ва и товушларининг алмаштирилиб қўллана олиши бу фонемалар орасида фонологик фарқнинг йўқола бошлаганлигидан, бу унли товушлар қоришиш (конвергенция[I]) ходисасига учрай бошлаганлигидан дарак беради.

Тарихий тараққиёт жараёнида икки фонема орасидаги фонологик фарқнинг йўқолиб, уларнинг бир фонемага бирлашиши фонемалар қоришиши дейилади. Фонемалар қоришиши натижасида тарихан мустақил икки фонема бир фонеманинг икки фонетик кўринишига айланади. Эски туркий тилнинг илк тараққиёт даврларида мустақил фонемалар бўлган ы ва и бир +и га бирлашди. Бу +и нуқтда рўёбга чиқиш шароити, қўшни товушларнинг таъсири остида ы ва и кўринишларида кела олади. Дастлаб, ўзак таркибидаги ы ёки и ўзидан кейин келадиган қўшимчанинг қаттиқ ёки юмшоқлигини белгилаган бўлса, қоришишдан кейин қўшни товушлар +и ни ы ёки и сифатида талаффуз қилинишини белгилайдиган бўлди.

[I]Лот. Convergere - қўшилиш, бирикиш, яқинлашиш сўзидан.

XI асрнинг ўрталарида қоришиш ҳодисаси эндигина бошланган бўлса, ХШ-XIУ асрларда бу ҳодиса якунланди. Шунинг учун XIУ ва ундан кейинги давр ёдгорликларида ўзак таркибида унинг қаттиқ=юмшоқлигига махсус ишора қилиб турувчи қ,ғ,к,г товушлари бўлмаса ва сўз ўзагида +и унлиси бўлса, бундай сўзларга қўшимчаларнинг қаттиқ кўриниши ҳам, юмшоқ кўриниши ҳам қўшилаверган: отзләргә (РС, 28а); битык (Хам., 408), битик (НИ,I,299) – битик, хат; билмәгән (Хув., 370). Шунинг учун Алишер Навоий эски ўзбек тили унли фонемаларига изоҳ берар экан, ы ва и ҳақида гапирмай, +и ва и зиддияти ҳақида гапиради: биз – кишилик олмоши, би̂з – "бигиз" (МЛ,114).

Ўзбек тили тарихида ы , и фонемаларининг ҳали етарлича ўрганилмаган қоришиш сабабларидан бири, шубҳасиз, туркий сўзлардаги ы ва и фонемаларининг арабча оралиқ +и га қарама=қарши қўйилиши ва қаттиқ=юмшоқлик билан изчил фарқланувчи фонологик системага оралиқ унлиларнинг кириб келиши бўлди (қар. 1= чизма).

Эски ўзбек тилига келиб эски туркий тилдаги



зиддиятлари ўрнини +и ~ +и зиддияти эгаллади.

Эски ўзбек тилидаги +и ҳозирги ўзбек тилига +и сифатида ўтди ва, нутқ шароитига кўра, баъзан ы, баъзан и ва ўта қисқарган ъ, ь кўринишларида қўлланади. +и фонемасининг ўта қисқарган кўринишини эски ўзбек тили тадқиқотчилари ҳам фарқлайдилар: ылък (БЛ,34а) – қўл, илик.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам ўзбекча сўзлардаги +и арабча=тожикча сўзлардаги +й̄ (ад.орф. =ий)га зиддир: қариб – қарийб; китоби – китобий. Лекин унлиларнинг чўзиқ=қисқалик билан фарқланиши ўзбек тили учун ҳам, унинг тарихи учун ҳам хос эмас эди. Шунинг учун ўзбек тилида +й̄ унлисини чеклашга интилишни яққол сезиш мумкин. Кўпгина арабча=форсча сўзларда +й̄ ўрта кенг э га ўтади: бӣхабар > бехабар; бӣғам > беғам; мӣва > мева; нӣк > нек; шӣр > шер; андӣша > андеша; дарвӣш > дарвеш; +и > э ҳодисаси адабий тилдан кўра айрим шеваларда яна ҳам кучлироқдир: неш, фиреб, умед, ҳамеша (МЛ,29) (ад.орф. фириб, умид, ҳамиша,

ниш)[1].

Купгина сўзлар, айниқса, арабча сўзлар таркибида +ӣ оддий +и га ўтди (таълӣм > таълим; тадбир > тадбӣр), баъзи ҳолларда-гина +ӣ ва +и имло ва талаффузда фарқлана бошлади: китобӣ > китобий; саҳроӣ > саҳройи; сӣна > сийна; сӣрат > сийрат; тӣр > тийр.

6= §. ә, а, ā унлиларининг тараққиёти. ә фонемаси эски туркий тилнинг илк тараққиёт босқичларида, шеваларда, эҳтимол, баъзан адабий тилда сўзнинг биринчи бўғинида сал торайиб, ўрта кенг ә унлисига ўта бошлаган. Дастлаб, биринчи бўғиндаги ўрта кенг э ва кенг ә бир фонеманинг икки кўриниши ҳолатида бўлган. Шунинг учун XI аср ёзма ёдгорликларида сўзнинг биринчи бўғинидаги ә кенг унли сифатида алиф ёки фатҳа билан, ўрта кенг унли сифатида ёй ва касра билан ҳам берилиши мумкин: یر (КБ; М,282) – йәр – ер; ییر йэр (МК,Ш,152) – ер.

Давр ўтиши билан адабий тилда ә нинг торайиши кучая боради ва XIII асрдан бошлаб ўрта кенг э биринчи бўғинда кенг ә унлисини сиқиб чиқаради, иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда эса, кенг ә сақланади: әтәк > этәк; әләк > эләк. Демак, тарихан бир ә фонемаси иккига – биринчи бўғинда ўрта кенг э, иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда эса кенг ә га ўтади.



Тарихий тараққиёт натижасида бир фонемадан ёки бир фонеманинг икки вариантидан икки фонеманинг келиб чиқиши бўлиниш (дивергенция[1]) деб айтилади. Бўлиниш натижасида ә дан ажралиб чиққан ўрта кенг э эски ўзбек тилида ҳам, асосан, сақланади ва ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг биринчи бўғинидаги э га (имлода э ва е) ўтади.

---

[1] А.Маҳмудовнинг экспериментал тадқиқотларига кўра, ҳозирги ўзбек талаффузи э фонемаси и га кўра 50 миллисекундга чўзиқроқдир. Шунинг учун +и ўзбек тилида э га ўтган бўлса керак.

[1] Лот. divergere – ажралиш, бўлиниш сўзидан.

Эски туркий тилда сўзнинг биринчи бўғинида кенг ә нинг торайиш сабаблари ҳақида кейинроқ келтирамиз.

XI-XIУ асрларда туркий шевалардан айримларида биринчи бўғинда кенг ә сақланган ва бу ҳодиса ёзма ёдгорликларда ҳам ўз аксини топган. Мас., "Ат-туҳфа" асарида сўзнинг биринчи бўғинида мунтазам равишда кенг ә ишлатилади: كالين (АТ, 215) кәлин - келин; بابك (АТ,181) бәбәк - "қариган".

Ҳозирги ўзбек тилининг айрим шеваларида (айниқса, ўғуз шеваларида) адабий тилимиздаги э кўп ҳолда кенг ә га ўтиши әл (РШ, 225) - эл, кўл; әс (РШ, 225) - эс, ақл; гәл - (ФА) - келмоқ ва х.) кенг ә ва ўрта кенг э ларнинг қадимги э фонемасидан келиб чиққанлиги, қадимги туркий ә нинг биринчи бўғинида сақланганлигининг натижасидир.

ХШ асрдан кейин ўрта кенг унли сўзнинг биринчи бўғинида кенг ә ни сиқиб чиқаради ва фонологик системада айрим ўзгаришлар юз беради. Сўз узакларида а ~ ә зиддияти ўрнини а ~ э зиддияти эгаллайди.Лекин бу зиддият тилнинг бутун фонологик системасига тўғри келмайди: а ~ ә зиддиятида фонемалар орасида фарқ бир эмас, балки иккита: а кенг ва қаттиқ, э эса ўрта кенг ва юмшоқдир. Бу қарама-қаршиликни йўқотиш учун система эски туркий тилда бўлган а нинг яна бир фонетик кўриниши - а дан фойдаланган. Туркий сўзлар таркибидаги а ва а бир фонеманинг икки кўриниши эканлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бу фонеманинг икки кўринишининг қайбири қайси ўринда ишлатилиши вазн, қофия билан боғлиқ бўлган; шунинг учун қара сўзини қара ва қара шаклларида ишлатиш мумкин бўлган, бундан ёзувчи ва шоирларимиз сўз ўйинида жуда кенг фойдаланганлар:

> барды тишләб бармағын кәргәч Навāи ҳалыны ҳам ҳайāту ҳам
> Өлум көрдум анын бармағыдә (С., 120 р).

Бу ердаги иккинчи бармағыда сўзида икки маъно: бормоқ феъли ва бармоқ (палец) берилган.

> Навāи қан йаш ичра ғарқу йāры май ичиб дāым дэмишки рызқ
> әйләбтур көрун мэн қанда ул қанда (С., 277 р).

Иккинчи мисрадаги "қанда" сўзи "қаерда" маъносида бўлса, биринчи мисрадаги "қан" қон маъносидадир. Система мана шу а кўринишидан фойдаланиб қаттиқ а нинг вазифасини а га беради. Сўзнинг узак қисмида а ~ ә фонологик зиддияти бўлмаганлиги

учун эски ўзбек тилида қўшимчалар таркибидаги қаттиқ ва юмшоқ а, ә қоришишга учрайди ва лабланмаган унлилар ўзаро қуйидагича зиддиятда бўлди:

+и ~ +а
~ э ~

Бу янги системада қаттиқ=юмшоқлик белгиси ўрнини оғиз бўшлигининг ҳажм даражаси – кенг=торлиги эгаллади:

+и ~ э ~ +а
(тор) (ўрта) (кенг)

Фонемалар орасидаги бевосита зиддиятлар системаси тикланди, чунки +и–э– +а унлилари орасида фақат бир фарқ – кенг=торлик фарқи бор, холос.

Лабланмаган бу унлилар қаторига арабча ва форсча сўзлар таркибида фонологик қимматга эга бўлган +а̄ ва +ӣ ларни қўшсак, лабланмаган унлилар зиддиятлари чизмаси эски ўзбек тилига келиб 2=чизмадагидай бўлади:

3– чизма.



Чизмадан кўриниб турибдики, туркий а нинг бир фонетик кўриниши бўлган а чўзиқлик белгиси асосида арабча ва форсча сўзлар таркибида учрайдиган +а билан бирлаша бошлайди. Бунинг натижаларини келгуси (7= §) бўлимда кўриб чиқамиз. Ҳозир эса ўрта кенг э фонемаси устида яна бир оз тўхталамиз.

Аввалги бўлимларда ҳозирги ўзбек тилидаги э туркий кенг ә нинг биринчи бўғинда сал торайиб, ўрта кенг э га ўтиши ва форсча сўзлардаги чўзиқ +ӣ нинг қисқариб кенгайиши натижасида ҳосил бўлганлиги таъкидланган эди. Ҳозирги ўзбек тилидаги э/е ҳосил бўлишининг учинчи қонунияти ҳам бор. Арабча ва форсча сўзларда х ва арабча бўғиз портловчилари айн ва ҳамзадан олдин келган қисқа и ҳозирги ўзбек тилида аккомодация таъсири остида мунтазам равишда э/е га ўтади: а. иҳра̄м > эҳром; а. иъла̄н > эълон; а. иҳса̄н > эҳсон; а. миъма̄р>меъмор; мемор;

ф. миҳма̄н > меҳмон ва х.

Демак, ҳозирги ўзбек тилидаги э/е тарихан қадимги турк й кенг ә , форсий +й, арабча ва форсча и лардан келиб чиқа .

7= §. ɔ лашиш масаласи. Туркий тиллар фонетикасида лашишдай чигал масала бўлмаса керак. Туркий тиллар ичида ҳозирги ўзбек адабий тили ɔ ловчи ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, умумтуркий қаттиқ а̱ ҳозирги ўзбек адабий тилида кўпгина ҳолларда ɔ га ўтади. Умумтуркий а нинг ўзбек адабий тилида ɔ га ўтиш=ўтмаслигида аниқ ва қатъий бир қонуният йўқ. Лекин бу ҳодиса жуда кенг тарқалган: баш > бош; ат > от; апа > опа каби. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ɔ товушининг талаффуз хусусиятлари ҳалигача мунозарали бўлиб келмоқда. Айрим тилшунослар ɔ ни лабланмаган деса, бошқалари уни яримлабланган, дейди. Бунинг сабаби шунаки, турли ўзбек шеваларидаги ɔ бир=биридан анча фарқ қилади ва шунинг учун ɔ товуши баъзан лабланган, баъзан лабланмаган, деб қаралади.

Ўзбек тилидаги ɔ лашиш сабаблари ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Айрим тилшунослар ўзбек тилида ɔ лашиш тожик тили таъсирида юз берган, деб тахмин қиладилар. Бунга ҳеч қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, ɔ товуши тожик тили билан бевосита алоқада бўлмаган бошқа туркий тиллар (чунончи, чуваш, ёқут, бошқирд, татар ва б.)да ҳам учрайди; иккинчидан, тожик тилининг ўзи эроний тиллар орасида ɔ ловчи тил саналади ва бу тилда ɔ ўзбек тили таъсири остида пайдо бўлган деган тахмин мавжуд. Шунинг учун туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ɔ лашиш сабабларини, дастлаб, шу тилларнинг ички қонуниятларидан ахтариш лозим.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларида туркий сўзлардаги чўзиқ унлилар ҳақида гапирганимизда, қадимги даврлардан бошлаб а̱ фонемасининг /а̱/ ва /а̄/ кўринишлари борлигини қайд этган эдик. Истаган давр ўзбек ёзма ёдгорликларида туркий сўзлар бошида келган а̱ баъзан забарли (фатҳали) алиф (яъни қисқа а), баъзан маддали алиф (яъни чўзиқ а, а̄) билан берилади: آرا а̄ра (ЮА, 329а) – "ора", آت а̄т (ЮА,329а) – от, исм), آنی а̄нъ (ЮА,330а) – "уни" ва х.. 4= § да биз Маҳмуд Кошғарий, Толе Ҳиравий, Мирза Маҳдихон, Фатҳ Али Кожарий, эски ўзбек тилининг буюк даҳоси Алишер Навоийларнинг /а/ ва а̱ товушлари ҳақидаги мулоҳазаларини таҳлил этган эдик. Бу мулоҳазалар

ҳамда ёзма манба материаллари асосида "XI–XIX асрларда туркий сўзлардаги а икки фонетик кўринишга эга бўлган" деган қатъий ҳукм чиқаришимиз мумкин. Бу кўринишлардан бири сал чўзиқ (ва бир оз лабланган) бўлиши мумкин. Мана шу кўринишдан ўзбек тили фонологик системасининг ички тақозоси ва зарурати асосида ривожланди.

Ўзбек тили тарихида ә лашиш ўзбек тили фонологик системасининг бутун тараққиети билан боғлиқ ҳодисадир. Шунинг учун бу ҳодисани бутун фонологик система билан боғлиқ ҳолда кўришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун лабланмаган унлиларнинг эски ўзбек тилидаги зиддиятлар чизмасига мурожаат этамиз (23=бет). Бунда икки ҳодиса кўрилади:

биринчидан, бу чизмада эски туркий тилга хос бўлмаган ҳодиса – қисқа ва чўзиқ унлиларнинг қарама=қарши қўйилиши: +и ва +ӣ ҳамда +а ва +ā зиддиятлари бор;

иккинчидан эски ўзбек тилида

қоришишидан кейин туркий а нинг бир фонетик кўриниши ә чўзиқлик белгиси асосида арабча=форсча ā билан бирлаша бошлайди.

Бу системадаги биринчи қарама=қаршилик – +и ва +ӣ зиддиятининг бартараф этилиши билан танишиб чиққан эдик (+ӣ > э; +ӣ > и; +ӣ > ий, йи).

Иккинчи қарама=қаршиликни – чўзиқ ва қисқа а товушларининг маъно фарқлаш бўйича зиддиятини бартараф этиш учун +ā нинг вазифасини туркий тилларнинг ички қонуниятларига тўлиқ жавоб берадиган бошқа бир фонема ўзига қабул қилиб олиши лозим эди.
– арабча=форсча сўзларнинг кўплаб кириб келиши ўзбек тили фонологик системасидан бу сўзлар учун хос бўлган ā ва а зиддиятини акс эттириш воситасини талаб қилар эди. Бу вазифа туркий а нинг бир фонетик кўриниши бўлган ә га юклатилди. 2= чизмадан кўриниб турганидай, туркий ә нинг арабча, форсча ā вазифасини қабул қилиши учун замин фонологик система томонидан ҳозирланган эди (туркий ә нинг ā билан бирлаша бошлаши – қар.: 2= чизма). Натижада қадимги туркий а нинг бир фонетик кўриниши бўлган ә ҳозирги ўзбек тилининг товушига асос бўлди.

Бу товуш ўзининг қадимги хусусиятларидан икки хусусиятини сақлаб қолди. Биринчидан, ўзбек тилидаги қаттиқ (орқа қатор) дир (чунки а ва ә қоришишидан кейин қаттиқ а вазифаси /а/ га берилган эди), иккинчидан, бу унли товушлар ичида энг чўзиқ товушдир[1].

Умумтуркий а нинг ҳозирги ўзбек адабий тилида ɔ га ўтиш-ўтмаслиги қатъий бир қонуният билан белгиланмайди, чунки ўзбек тилидаги туркий сўзлардаги ɔ алоҳида мустақил бир фонемадан эмас, балки фонеманинг бир кўринишидан ривожланган. Ўзбек адабий тилида қайси сўзларни ɔ билан қабул қилиш, қайсиларида умумтуркий а ни сақлаш ўзбек адабий тили учун таянч бўлган шевалар хусусияти, адабий тил меъёрларини белгилашда иштирок этган шахсларнинг таъсири билан боғлиқ. Қиёс.:

Умумтуркий:	Ўзбек тили:
алмақ	олмоқ
алдамақ	алдамоқ
айақ	оёқ
айа-	аямоқ
сан	сон
сана-	санамоқ
ат	от
ата-	атамоқ

Ўзбек адабий тили билан ўзбек шеваларида а ва ɔ нинг кескин фарқ қилишининг сабаби ҳам шунда:

Адабий тилда:	Шеваларда:
ака	әка (Тошк.(РШ,79)
бола	бала (бух. (ММ)
байроқ	бәйрақ (РШ,79)
оёқ	ɔйак (РШ,79)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек адабий тилига ярим лабланган ɔ фонемаси қатъий қоида сифатида асримизнинг 40-йилларидан кейин, ўзбек халқи лотин графикаси асосидаги ёзувдан рус графикаси асосидаги ёзувга ўтгач киритилди. Шунга

---

[1] А.Маҳмудов тадқиқотларига кўра, ўзбек тилидаги ɔ талаффузининг чўзиқлиги 211 миллисекунд, а ники эса - 175 м/сек., и ники 150 м/сек. дир.

қадар ўзбек ёзуви ва адабий талаффузида а ва ә қатъий фарқланмас эди. Қиёс:

Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида:	Рус алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида:
zaman	замон
hajat	ҳаёт
afsana	афсона
adalat	адолат
Navaij/Nəvaij	Навоий

Айни бир асарнинг лотин ва рус алифбоси асосидаги ўзбек ёзувларидаги нашрларидан олинган парчани а ва ә имлоси нуқтаи назаридан қиёсланг:

Лотин алифбоси асосидаги ёзувимизда:

Nəvaijniŋ "Həjrətul əbrar"ida xalq manfaatini himaja qiluvci va atazin insanparvarlikni aldinga suruvci, progressiv idejalarni ifada qiluvci maqalatlar kordir. (Ə. Navaij. Xəmsa. Taşkent, Oquvpednaşr, 1940, 7-bet).

Ҳозирги ёзувимизда: "Навоийнинг "Ҳайратул-аброр"ида халқ манфаатини ҳимоя қилувчи ва оташин инсонпарварликни олдинга сурувчи, прогрессив идеяларни ифода қилувчи мақолалар кўпдир"[1].

Бундан кўриниб турибдики, мас., мақола сўзида бир жойда о, иккинчи жойда а ёзамиз. Лекин лотин алифбоси асосидаги ёзувимизда ҳар иккала ҳолатда ҳам а ёзилган. Лотин алифбоси асосидаги ёзувимизда а ва ә нинг ёзувда фарқланмаслигининг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, ўзбек тилида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган +а ~ ә зиддияти ўзбек тилидан бошқа туркий тилга хос эмас эди. Барча туркий тилларга а ~ ә (яъни қаттиқ ва юмшоқ а ни фарқлаш) хосдир. Лотин алифбоси асосида туркий халқлар учун ёзув бутуниттифоқ "Яналиф" ("Янги алифбо") комитети томонидан тузилган эди. "Яналиф"

---

[1] Алишер Навоий, Хамса. Тошкент, "Ўздавнашр", 1947, 7-бет.

комитети туркий тилларнинг деярли барчаси учун хос бўлган товушларни акс эттирувчи белгилар сирасини ишлаб чиқди. Бу қаторда ярим лабланган ә учун қатъий белги йўқ эди (чунки у туркий тилларда қатъий эмас). Иккинчидан, ўзбек шеваларида а ва ә нинг тарқалиши ва қўлланилишида катта фарқ бор. Маълум бир шеванинг иккинчи бир шевага тазйиқини кучайтирмаслик учун ўша даврда ярим лабланган ә учун махсус белги қабул қилинмаган. Учинчидан, а ва ә ни ёзувда фарқламасликка араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида бу товушларнинг фарқланмаслиги ҳам таъсир кўрсатди. Лекин лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида қаттиқ ва юмшоқ (а ~ ә) а товушларини фарқлаш сақланган эди. Бу зиддият ўзбек тили учун хос эмас, бошқа туркий тиллар таъсири остида киритилган эди. Шунинг учун 40= йилларда қаттиқ ва юмшоқ а ни ёзувда фарқлашдан воз кечилди.

Умумтуркий а нинг ўзбек адабий тилида ярим лабланган ә га ўтишида қатъий бир қонуният бўлмаса=да, арабча ва форсча сўзлардаги (а/ нинг) га муносабати бутунлай ўзгача. Арабча ва форсча сўзлардаги (а̄) ҳозирги ўзбек адабий тилида мунтазам равишда ә га ўтади: ха̄на > хона, а̄фта̄б > офтоб, са̄лим > солим, ъа̄лим > олим, кара̄ма̄т > каромат. Бунинг сабаби шундаки, туркий сўзлар учун фонетик кўриниш бўлган /а/ араб ва форс сўзлари таркибидаги мустақил фонема а̄ нинг вазифасини ўз устига олди; чунки ўзбек тилида ә фонемасининг пайдо бўлишини а ва а̄ зиддиятлари эски ўзбек тили фонологик системасида ҳосил қилган қарама=қаршилик тақозо этган эди.

8= §. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг ўзагидаги а, о, и, э фонемаларининг келиб чиқиш манбалари, тараққиёт босқичлари билан танишиб чиқиб, бу товушларнинг шаклланиш тарихини қисқача хулосалашимиз мумкин.

1. Ҳозирги ўзбек тилидаги оралиқ и товуши умумтуркий ы ва и фонемаларининг қоришиши натижасида ҳосил бўлган. Бу товушларнинг қоришиши XI асрда бошланиб, XIII асрга келиб якунланган.

2. ә (е) фонемаси уч манбадан келиб чиққан:

а) сўзнинг биринчи бўғинида кенг ә нинг торайиши натижасида;

б) форсча сўзлардаги чўзиқ й̄ асосида;

в) арабча сўзларда ъ, арабча ва форсча сўзларда ҳ товушидан олдин келган қисқа и товуши асосида.

3. Ҳозирги ўзбек тилида а фонемаси туркий сўзларда қадимги туркий а нинг фонетик кўриниши бўлган қаттиқ ва сал чўзиқ а нинг а фонемасидан ажралиб чиққанидан кейин, қаттиқ а ва юмшоқ ә қоришиши асосида ҳосил бўлган. Бу ҳол туркий сўзларнинг биринчи бўғинида кенг ә нинг э га ўтиш жараёни билан узвий боғланган бўлиб, ХШ-ХІУ асрларда бошланган ва ХУ асрга келиб якунланган. Шунинг учун Алишер Навоий эски ўзбек тили унлилари ҳақида тўхталганда қаттиқ ва юмшоқ а ни фарқламайди.

4. ә товуши қадимги туркий а нинг бир фонетик кўриниши бўлган а нинг арабча ва форсча сўзлардаги мустақил фонема – ā билан бирлашиши асосида ҳосил бўлган. а ва ā товушларининг бирикиш жараёни ХУ асрларда бошланиб, ХХ асрнинг бошларида ҳозирги ўзбек адабий тилининг қатъий қоидаларини белгилаш билан якунланган.

9- §. Эски ўзбек тилининг кейинги тараққиёт даврларигача -а ва -и сўздаги қўшимчалар таркибида қаттиқ е юмшоқ кўринишда чиқар эди. Лекин бу товушларнинг қаттиқ ёки юмшоқ кўринишда келиши маъно фарқлаш вазифаси билан эмас, кейинрок кўриб ўтиладиган бошқа фонетик ҳодисалар билан боғлиқдир.

10- §. Лабланган о, ә , у, ӱ фонемаларининг тараққиёти. Лабланган унлилардан о ва ә сўзнинг фақат биринчи бўғинида. у ва ӱ эса иштаган бўғинда кела олади: бойун (АЗ,284) – бўйин; ӧлук (АЗ, 285) – тухфа; өкоуӱ – кам; бутун; буйрук. о, ө, у, ӱ фонемалари катта ўзгаришларга учрамай, эски туркий тилдан эски ўзбек тилига ўтади ва ўзларининг фонологик қиммати – сўз маъноларини фарқлаш вазифасини сақлаб қолади. Алишер Навоий ҳам эски ўзбек тилида тўртта лабланган унли борлиги ва уларнинг ҳар бири маъно фарқлашга хизмат қилишини уқтиради. У ўзининг "Муҳокаматул-луғатайн" асарида [Arabic script] тўрт маъно ва тўрт талаффузга эга эканлигини қайд этади. Бу сўзнинг маъноларини қуйидагича изоҳлайди (МЛ,114):

1) от – шайъи муҳриқ (ёндирувчи нарса – олов);
2) ӧт – "мурур маънисин била (ўтиш маъноси билан)";
3) ут – "муқаммирга бурд жиҳатидан амр (қиморбозга "ют" маъносида буйрук)";
4) ӱт – "боридин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтқа тутуб тукин аритур маънидадур (барчасидан юмшоқ (тор) унли билан "каллани ўтга тутиб, тозалаш,партлаш маъносида").

Шунингдек, Алишер Навоий سور нинг тўрт хил маъно ва тўрт хил талаффузи борлиги ҳақида аниқ маълумот беради (МЛ, 114): тор – "тур, тузоқ, дом"; тур – "қафасда қуш ўтириши учун қўйиладиган ёғоч"; төр – (уйнинг) тўри; тұр – "турмакламоқ". Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам лабланган бу тўрт унлининг фарқланганлиги ўз аксини топади: отлуқ (Хам., 58) – "ўтли"; өткән – (Хам., 58) – "ўтган"; сорғучы (Хам., 58) – "сўровчи"; болғай (Хам., 314); турғанда (Хам., 393); йұруμәккә (Хам., 406); сұрмәк (Хам., 406); улусқа (Хам., 408); куйдурмәккә (Б., 39); өткәрди (БН, 33).

Лекин ХУ асрнинг ўзидаёқ эски ўзбек тилида қаттиқ=юмшоқлик билан фарқланувчи лабланган унлилар фонологик системаси бу фарқни йўқота бошлаган, баъзан бир ўзакнинг ўзига қўшимчаларнинг қаттиқ кўриниши ҳам, юмшоқ кўриниши ҳам қўшилиб келган. Навоий ва Бобур асарларида бу ҳодиса, оз бўлса=да, учраб туради. Алишер Навоий бу ҳодисадан сўз ўйинида фойдаланиб, әлтурмәк – ўлдирмоқ ва олтурмақ – ўтирмоқ феълларини шаклдош сўз сифатида ишлатади. Бу мисолни (ўта қизиқарли бўлганлиги сабабли бўлса керак) Толе Ҳиравий ҳам, Мирза Маҳдихон ҳам қайд қилиб ўтадилар:

кәрмәди шаҳ мунасиб әлтұрмақ йўқында буйурды олтурмоқ (БЛ, 23б). Яна қиёс.: уйға (Хам., 408); ұйгә (Хам.,396); болдұк (БН,27б); атландұк (БН,303).

ХУШ асрда ҳам лабланган унлиларда қаттиқ=юмшоқлик белгилари билан фонологик фарқланиш сақланган, лекин бу фарқлар ХУ асрдагидан анча кучсизланган. Шунинг учун Мирза Маҳдихон сўзининг маъноларини санаб беради (С., 172р), лекин талаффузларини аниқ кўрсатмайди. Шундай бўлса=да, "Санглоҳ" луғатида лабланган унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлиги маълум изчиллик билан фарқланади: утмақ (С., 58р) – ютмоқ; учмақ г/ (С., 65р) –жаннат; ұндәмәк (С., 88р); өбұк (С., 95р) – хўрознинг тожи.

ХУШ асрдаги бошқа адиблар асарларида ҳам о, ө у, ұ унлиларини қаттиқ=юмшоқлик жиҳатдан фарқлаш=фарқламаслик орасидаги ҳолатни кўриш мумкин: кәрмәгәэйди (Маш.), кәрмағайды (Маш.), болғай (Ҳув.), бөлгәй (Ҳув.); елгән (Ҳув.), өлурга (Ҳув.), өлтұрғалы (Ҳув).

ХУШ аср ёзма ёдгорликлари бутун хусусиятлари билан о ва у ва ұ фонемаларининг қоришиши кучайганлигини кўрсатади. Бу унлилар орасидаги қаттиқ=юмшоқлик фарқлари йўқола бошлаган ва

улар оралиқ +ў ва +у га бирлашган. Янги ўзбек тилига келиб (XIX аср) о ва бир +ў ва у ҳамда ў фонемалари бир +у га бирлашди. Уларнинг қаттиқ=юмшоқлик билан фарқлари эса фонологик эмас, фонетик фарққа айланди. Шу даврдан бошлаб ҳатто ўзак таркибидаги қ, ғ ва юмшоқ к, г ҳам қўшимчаларнинг қаттиқ=юмшоқлигига катта таъсир кўрсата олмайди: оғлиғ (Г., 56); қулақсиз (ЗМ,31); курмак (Нодира, 729); Йўзига (Огаҳий, 733); оқиғ(Мужрим, 633); туткай (Муқимий), тутгин (Муқимий); қувлагэндин (Фурқат); болғай (Фурқат), бөлмэгэй (Фурқат).

Янги ўзбек тилида (XIX-XX асрларда) о ва +ў нинг, у ва эса +у нинг фонетик кўринишларига айланди ва ҳозирги ўзбек тилидаги оралиқ ў ва у фонемалари шаклланди. Ҳозирги ўзбек талаффузида ҳам бу оралиқ унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқ фонетик кўринишлари фарқланади, қатор ўзбек шеваларида эса о ва э у ва ү нинг фонологик вазифалари сақланган: үч -рақам, уч - охир, уч (Р., 176).

11= §. Арабча ва форсча сўзлардаги қисқа унлилар ҳақида. Арабча форсча сўзлардаги чўзиқ унлилар эски туркий тил фонологик системасида анчагина қарама=қаршиликларни туғдирганлиги ва бу қарама=қаршиликларни бартараф қилиш учун лабланмаган унлилар фонологик системасининг батамом ўзгарганлиги ҳақида тўхталиб ўтдик. Арабча,форсча сўзлардаги қисқа унлилар туркий фонологик системага таъсир этмади. Бу сўзлардаги қисқа а, и, у товушлари туркий а, и, у товушлари билан бирлашди.

12= §. Ўзбек тили тарихи унли товушларнинг тараққиёти, ҳозирги ўзбек тилидаги олти унлили фонологик системанинг шаклланиш тарихини, унлиларнинг турли даврлардаги қоришиши, бўлиниши, бир=бирига ўтишини қуйидаги чизмада умумлаштириш имкониятини беради (қар. : 4= чизма).

Бу чизмадан кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилидаги 6 унлили фонологик системанинг шаклланишида унлилар қоришиши ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бу асосда ҳозирги ўзбек тилидаги а,и,у, ў фонемалари шаклланган.

5- чизма


Эски туркий тилда (XI-XIУ асрлар)
Эски ўзбек тилида (XIУ-XIX асрлар
Янги ўзбек тилида (XIX: XX асрлар :
Ҳозирги ўзбек тилида
а
а
а
ә
э
ы
и
о
ө
у
ү
+а
э
й
+и
о
ө
у
ү
+а
э
й
+и
+ў
+у
о
+а
э,е
ий
+у

Қоришиш билан бир қаторда ўзбек тили фонемалари тарихида бўлинишнинг ҳам аҳамияти катта. Туркий кенг а ва ә нинг бўлиниши, а ва ā ҳамда қисман э ва й қоришишлари асосида эса о ва э е фонемалари шаклланган.

Ўзбек тили тарихида унлилар қоришиши товушлар уйғунлиги тақдири билан узвий боғлиқдир. Бу масала билан биз ўзбек тили тарихида товушлар уйғунлиги ҳодисасининг хусусиятларига бағишланган қисмда танишиб чиқамиз. Ҳозир эса ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари фонологик системасини (4- чизма) бу системанинг шаклланиши учун асос бўлган деб қабул қилинган XI аср адабий тилининг унлилари фонологик системаси (1- чизма) билан солиштирамиз.

Занжирнинг боши - XI аср адабий тили унлиларининг илмий адабиётларда (туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам) қабул қилинган фонологик системаси (1- чизма)ни яна такрорлаймиз:

о ~ у ~ ы ~ а
ө ~ ү ~ и ~ ә

Занжирнинг охирги бўғини - ҳозирги ўзбек адабий тилида унлиларнинг фонологик системаси қуйидагича:

5- чизма

+и ~ э ~ +а
+у   +ў ~ о

Ҳар иккала фонологик система иккитадан қаторга эга. Биринчи системада юқори ва қуйи қаторлар қаттиқ-юмшоқлик белгиси асосида зиддир. Иккинчи системада эса бундай қаторлар лабланган-лабланмаганлик белгиси асосида қарама-қарши. Иккинчи системада юқори ва қуйи қаторлардаги унлилар ўзаро "тор-ўрта-кенг" белгисининг ҳар бир қаторда такрорланиши асосида мутаносиб ҳисобланади. Лекин берилган системада ҳар бир қатордаги унлилар ўзаро мутаносиб эмас. Уларда унлилар ҳар хил белгилар асосида - о ~ у, ы ~ а, ө ~ ү, и ~ ә кенг-торлик, у ~ ы, ү ~ и лабланган-лабланмаганлик белгиси асосида зид қўйилган.

Бу икки системани солиштириш бир қатор хулосаларга олиб келади.

1. 5- чизманинг ўзиёқ ўзбек тилшунослигида мунозарали бўлиб келаётган "ўзбек адабий тилида о товуши лабланганми ёки лабланмаганми?" деган саволга узил-кесил чек қўяди: о лаб-

ланган унлилар сирасида турибди ва фақат лабланган бўла олади. Буни бутун система талаб ва тақозо этади[1].

2. Ҳозирги ўзбек адабий тили фонологик системасида унлиларда лабланганлик=лабланмаганлик, тор=ўрта=кенг лик белгиларигина маъно фарқлаш вазифасига эга. Қолган барча фарқлар (чунончи, қаттиқ=юмшоқлик, чўзиқ=қисқачлик, аниқлик=қисқарганлик ва ҳ.) бу фонемалар учун аҳамиятсиз, фонологик қимматсиздир. Шунинг учун нутқимизда у, ў, и, а товушлари қаттиқ кўринишда ҳам (чунончи, кўл, қул, қари, бузуқ, қўриқ ва ҳ.), юмшоқ кўринишда ҳам (чунончи, кўл, кул, гил, катак, кўзгу, битик ва ҳ.) чиқа олади, нутқда, айниқса назмда, чўзиқлик ва қисқалик хусусиятларига эга бўла олади.

1= ва 5= чизмаларда берилган фонологик системаларни солиштириш бир чигал масалани ҳам ўртага қўяди. Бир мутаносиб фарқ – қаттиқ=юмшоқлик белгиси билан фарқланувчи фонологик системадан (1= чизма) икки мутаносиб фарққа асосланган фонологик система ривожланиши мумкинми? Тил тарихининг умумий қонунияти шуни кўрсатдики система деярли ҳеч қачон ўзининг ўта аҳамиятли, шу системани барпо этувчи хусусиятининг йўқолишига йўл қўймайди. XI аср фонологик системаси учун шундай белги унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлик билан фарқлаш хусусияти эди (1= чизма). Агар ўзбек тилининг тарихий тараққиёти учун асос бўлган фонологик система 1= чизмада кўрсатилганидек бўлганида, ўзбек тили бошқа туркий тиллар каби унлиларнинг қоришишига йўл қўймаган, балки унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлик билан фарқланишини чуқурлаштирган бўлар эди. Лекин ўзбек тили тарихида аксинча унлилар қоришишини, унинг натижаси сифатида товушлар уйғунлиги мавқеининг пасайишини курамиз. Бу биздан ўзбек тили тараққиёти учун асос бўлган фонологик системани қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ўзбек тилининг тараққиёти учун асос бўлган фонологик системада фонологик қаттиқ=юмшоқлик белгиси бутун системани юзага келтирувчи (система ҳосил қилувчи) биринчи даражали белги бўлиши мумкин эмас, бундай белги иккинчи даражали, жузъий бўлиши – системани юзага келтиришга эмас, балки системадаги айрим=айрим

---

[1] Ҳозирги ўзбек адабий талаффузида *о* нинг лабланганлигини А.Маҳмудов, С.Отамирзаеваларнинг тажриба=тадқиқотлари натижаси ҳам тасдиқлайди.

бирликларни, фонемаларни фарқлашга хизмат қилган бўлиши мумкин эди. Демак, а ~ э, ы ~ и, у ~ ў, о ~ ө фонемалари нисбатан мустақил жуфтларни ташкил этган ва фонологик системага алоҳида-алоҳида эмас, балки ўз жуфтлари билан биргаликда кирган.

Ўзбек тили тарихида кўриб ўтилган унлилар қоришишининг босқичлари ҳам бундай жуфтларнинг нисбий мустақиллигидан далолат бериб турибди. Хар бир унли жуфти қоришиш ҳодисасига алоҳида-алоҳида учради: ы ~ и қоришиши деярли XIУ асрда, а ~ э қаришиши – ХУ асрда, лабланган унлилар қоришиши ХУШ асрда якунланди (3= чизма). Агар бу жуфтлар нисбий мустақил бўлмаганида, бундай бўлмас эди: Қаттиқ=юмшоқлик белгиси бутун системага тааллуқли бўлганда, бутун система бу белгини баравар ўзгартирган бўлар эди. Демак, ўзбек тили тарихий тараққиёти учун асос бўлган системада бу белги жузъий бўлган, шунинг учун ҳар бир унли жуфти бу белгини мустақил равишда, турли даврларда йўқотган.

Унлиларни қаттиқ=юмшоқ жуфтларга ажратиб, XI аср фонологик системасини тиклайдиган бўлсак, бу система қуйидаги кўриниш (структура)га эга бўлади:

6= чизма

Бу системада ҳозирги ўзбек адабий тили фонологик системаси учун аҳамиятли бўлган ҳар иккала белги – лабланган=лабланмаганлик, тилнинг вертикал ҳолати – кенг=торлик муҳим белги сифатида мавжуд. Лекин бу система тугалланган, мутаносиблик билан боғланмаган. Бу система тугал бўлиши учун икки унли фонема – лабланмаган ўрта кенг ва лабланган кенг унли етишмайди. (5= чизмадаги сўроқ белгилари). Ўзбек тили ўзининг деярли минг йиллик тараққиёти давомида бу унлиларни яратди, системадаги бўш хоналарни тўлдирди, уни мукаммаллаштирди. Шу билан бирга, ўзбек тили тараққиётида тежамкорликка интилиш ўзининг ёрқин ифодасини топди – системага бир жуфт унли киритиб, тўрт жуфт унлининг қаттиқ=юмшоқлик билан фарқланишига чек қўйди.

Демак, ўзбек тили фонологик системасининг ривожланиши учун асос 1= чизмада кўрсатилган ёпиқ, нисбатан тугал, қаттиқ=юмшоқлик билан тубдан фарқланадиган система эмас, балки 5= чизмада кўрсатилган система асос бўлган. Шунинг учун ўзбек тили

ўзининг фонетик ва фонологик қурилиши билан барча туркий тиллардан кескин фарқланади. Барча туркий тиллар I= чизмада т..рсатилган системадан ривожланди ва унлиларда қаттиқ=юмшоқлик фарқини кескинлаштириш, сингармонизмни кучайтириш йўлидан борди. Ўзбек тили эса бошқа йўлдан - унлиларда қаттиқ=юмшоқлик ..рқларини йўқотиш, сингармонизмни чеклаш йўлидан борди.

Ўзбек тили тарихи учун 6= чизма асос бўлганлигининг яна бир, тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб келаётган далили бор. Бу ҳам бўлса XI асрда мустақил қ ва к, ғ ва г фонемаларининг эски туркий тилда мавжудлигидир. қ, ғ товушларидан кейин (ёки олдин) юмшоқ унлилар, к, г ундошларидан кейин (ёки олдин) қаттиқ унлилар кела олмайди. Демак, унлиларнинг қаттиқ=юмшоқлик белгиси система учун доимий,барқарор бўла олмайди. Бўлмаса, биз ако ҳодисани - юмшоқ унлиларнинг ўзидан олдин (кейин) кел ан ундошларни юмшатиши, қаттиқ унлиларнинг эса - бундай ундо..арни қаттиқлаштириши ҳодисасини кўришимиз керак эди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари фонологик системасини (5= чизма) бу система учун асос бўлган 6= чизма билан солиштириш ҳозирги ўзбек фонетик системасида икки муҳим тараққиёт йўналиши мавжудлигини кўрсатади: ўзбек тилида а, и, у, ў фонемалари оралиқ, лекин э унлиси ҳамиша юмшоқ, о эса ҳамиша қаттиқ. Фонологик система, биринчидан, бу фонемаларнинг ҳам оралиққа ўтишига, иккинчидан, ярим лабланган о да лабланишнинг кучайишига имкон беради.

ТОВУШЛАР УЙҒУНЛИГИ

I= §. Товушлар уйғунлиги (сингармонизм) - грекча син - ўхшаш, хармони - оҳанг) туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусиятларидандир. Товушлар уйғунлиги деб, сўзнинг ўзак ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, бир=бирига ўхшаш бўлишига айтилади. Уйғунлик фонетик ҳодисалардан бири бўлган товушлар сингиши (ассимиляция)нинг бир туридир. Товушлар сингиши олдинга йўналган (регрессив ассимиляция) ва орқага йўналган (прогрессив ассимиляция) бўлиши мумкин. Олдинга йўналган сингишда кейинги товуш олдинги товушга таъсир этиб, уни ўзига мос, ўхшаш қилади (бирта > битта; шетта < шу ерда), бу ҳол нисбатан кам тарқалган. Кейинга йўналган сингишда олдинги товуш кейингиларни ўзига мослаштиради ва жуда кенг тарқал-

ган. Товушлар уйғунлиги кейинга йўналган сингишнинг бир кўринишидир. Бунда олдинги (ўзакдаги) товушлар кейинги (қўшимчадаги) га таъсир этиб, ўзига мослаштиради. Товушлар уйғунлиги таъсири остида туркий тиллардаги ҳар бир қўшимча бир неча фонетик кўринишга эга бўлади. Улар уйғунликнинг фонетик кўриниши деб айтилади[1].

Олдиндаги унлиларнинг кейинги унлиларга, ундошларнинг ундошларга таъсирига кўра уйғунлик унлилар ва ундошлар уйғунликларига бўлинади.

2= §. Унлилар уйғунлиги. Сўзнинг ўзагидаги унли товушларнинг қўшимчалардаги унли товушларни ўзига мослаштириши унлилар уйғунлиги дейилади. Унлилар уйғунлиги тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Маълумки, унлилар уч белги (кенг=торлик, қаттиқ=юмшоқлик ва лабланган=лабланмаганлик белгиларига кўра тасниф қилинади. Ўзакдаги унли товушнинг қўшимчадаги унли товушни ҳар учала белги асосида мослаштириши унлиларнинг тўлиқ гармонияси дейилади. Унлиларнинг тўлиқ уйғунлигида ўзак ва қўшимчадаги унлилар тўла бир хил бўлади. Унлиларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тилларда жуда кам учрайди: қирг. қолдор (ТЯ,487) - "қўллар".

Ўзакдаги унлиларнинг қўшимчадаги унлиларни баъзи белгиларга кўра ўзига мослаштириши унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги дейилади. Ўзбек тилининг турли тараққиёт даврларида унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги тарқалган. Ўзбек тили тарихида биз, асосан, танглай (бошқача номланиши палатал=веляр, лингвиал) ва лаб (бошқача номланиши лабиал) уйғунликларини учратамиз. Бундай уйғунлик кўпни уйғур, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, озарбайжон ва турк тилларида тарқалган.

3= §. Ундошлар уйғунлиги ҳам тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади. Ундошларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тилларда йўқ ҳисобида. Ўзбек ва унга яқин бўлган уйғур тилларида ундошларнинг жарангли= жарангсизлик ва чуқур=саёз тилорқалик белгилари асосидаги уйғунликларини кўриш мумкин.

---

[1] Уларни ёзувда битта фонетик кўриниш (кўпинча лабланмаган қаттиқ) устига араб рақамини ёзиш билан бердик. Қўшимча устидаги араб рақами шу қўшимчанинг нечта уйғунлик кўринишига эгалигини билдиради. Мас., =лар[2], демак, =лар қўшимчасининг икки уйғунлик кўриниши бўлиши мумкин; =гын - =гин қўшимчасининг 8 фонетик кўриниши бўлиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли ва ундошлар уйғунлиги фонетикамиз учун қатъий қонуният эмас, бу хусусияти билан ўзбек тили қолган барча туркий тиллардан ажралиб туради.

4 §. Танглай уйғунлиги. Сўзнинг ўзагида қаттиқ (а, ы, о, у) унли бўлса, қўшимчада ҳам қаттиқ (а, ы, у) унли, сўзнинг ўзагида юмшоқ (э, [illegible], ө, ү, и) унли келса, қўшимчада ҳам юмшоқ (ә, і, ү) унли келиши танглай уйғунлиги дейилади. Танглай уйғунлиги – сўзнинг ўзак ва қўшимчаларида фақат қаттиқ, ё фақат юмшоқ унлиларнинг кела олиши – эски туркий ва эски ўзбек тилининг илк тараққиёт босқичларида қатъий қонуниятга айланган эди. Шунинг учун эски туркий ва эски ўзбек тилида ҳар бир қўшимчанинг камида икки уйғунлик кўриниши бўлган – қаттиқ унлили ва юмшоқ унлили кўринишлар: атлар, этләр; барған, кәлгән; әттин, аштын.

Эски туркий ва эски ўзбек тилида ат, там, әр, эш сўзларининг эгалик ва келишик қўшимчалари билан турланиши қуйидагича:

3 жадвал

Келишик қўшимчалари

Келишиклар	Қаттиқ унлили		Юмшоқ унлили	
	Ж-ли ундош билан туга-ган	Ж-сиз ундош билан туга-ган	Ж-ли ундош билан ту-гаган	Ж-сиз ундош билан ту-ган
Бош келишик	там	ат	әр	эш
Қаратқич кел.	тамның	атның	әрниң	эшниң
Тушум кел.	тамын, тамы	атын, [illegible]	[illegible]	[illegible]
Жўналиш кел.	тамға	атқа	әргә	эшкә
Ўрин-пайт кел.	тамда	атта	әрдә	эштә
Чиқиш кел.	тамдын	аттын	әрдин	эштин
Восита кел.	тамын	атын	әрин	эшин

4- жадвал

Эгалик қўшимчалари

Шахс-сон	Қаттиқ унли		Юмшоқ унли	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	атым	атымыз	эшим	эшимиз
II	атың	атыңыз	эшиң	эшиңиз
III	аты	атлары	эши	эшләри

Сўзга бир неча морфологик қўшимча қўшилганда ҳам, уларнинг барчаси танглай уйғунлигига бўйсунган ҳолда қаттиқ ёки юмшоқ кўринишларда бўлади: өтмәгәнди (МН,126); ханларға (МН,128); атлақа (МК, I,447) - "отларга".

Эски туркий ва эски ўзбек тилларида танглай уйғунлигининг қатъий қонуният сифатида мавжудлиги ва бу тилларда унли товушларнинг қаттиқ-юмшоқ жуфтларга бўлиниши бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисалардир. Танглай уйғунлиги қўшимчалар таркибидаги унли камида икки кўринишли - қаттиқ ёки юмшоқ унлили бўлишини талаб қилса, унлиларнинг фонологик системада қаттиқ-юмшоқлик билан фарқланиши бу талабни қондириш имкониятини беради. Шунинг учун эски туркий тилда сўзнинг ўзагида қаттиқ ёки юмшоқ унлининг келиши фонологик қимматга эга бўлиб, сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилса, қўшимчаларга унлининг қаттиқ ёки юмшоқлиги фонологик қимматга эга бўлмай, сўз ўзагидаги унлининг табиатига - унинг қаттиқ ёки юмшоқлигига боғлиқ бўлган.

Танглай уйғунлигининг таъсири сўз ўзгартирувчи қўшимчалар билан чекланиб қолмай, балки сўз ясовчи қўшимчаларнинг ҳам қаттиқ ва юмшоқ кўринишларида бўлишини талаб қилади. Шунинг учун сўз ясовчи қўшимчалар бир қанча уйғунлик кўринишларга эга: ашлық (БН, 60); итлик (Хам., 395).

Эски туркий тилда ва эски ўзбек тилида танглай уйғунлигининг бузилиш ҳоллари, яъни сўзнинг ўзак ва қўшимчаларида ҳам қаттиқ ҳам юмшоқ товушларнинг кела олиши жуда кам учрайди ва бу, асосан, икки ҳодиса: I) юқорида кўриб ўтилган унлиларнинг қоришиши ҳодисаси; 2) имлода бир хилликка эришишга ҳаракат би-

лан боғлиқ.

Етук рус тилшуноси П.М.Мелиоранский фикрича, ўрта аср адиблари имлода бир хилликка интилиб, қўшимчаларнинг жарангли ундош билан бошланувчи қаттиқ унлили кўринишларини кўпроқ ишлатганлар. Навоий, Бобур, Солиҳ ва бошқаларнинг асарларида учрайдиган кеңулга (МЛ:119); елдүрмакқа (БЛ,23б); уйға (Хам.,408); арнғлвқғә(ХШ,77) каби ҳолатлар ҳар иккала ҳодиса билан боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин асосий сабаб тилнинг ички қонуниятлари, жумладан, унлилар қоришишида бўлса керак, чунки Бобур асарларида учрайдиган атландук (БН,303), болдук (БН,276) каби формаларда қўшимчаларнинг юмшоқ кўриниши қаттиқ ўзак таркибида келган.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларидаги танглай уйғунлигининг ўрта аср тилшунослари томонидан талқини ҳам диққатга сазовордир. Улардан Маҳмуд Кошғарий ва Кошғарий асаридан фойдаланганлиги тахмин этилаётган Абу Хайёнларгина танглай уйғунлигини тўғри изоҳлаб берганлар. Кошғарий туркий сўзларни икки гуруҳга қ, ғ ли қаттиқ ўзакли сўзлар, к, г ли юмшоқ ўзакли сўзларга бўлади. Биринчи гуруҳ ўзакларга қўшимчаларнинг қ,ғ ли қаттиқ кўринишлари, иккинчи гуруҳ ўзакларга қўшимчаларнинг к,г ли юмшоқ кўриниши келади. Абу Хайён ҳам танглай уйғунлигини деярли шундай изоҳлайди. ХШ аср ва ундан кейинги даврларда танглай уйғунлиги кўпроқ бузила боради. Ҳатто сўз таркибида келган қ, ғ ва к,г товушлари ҳам кучли таъсир кўрсатолмайди; гәрдунға (Г., 47), әйләмакқа (Узлат, 256); әйләгил (ЧД.); сөзләрга (РС,280а); кәлмакқа (ИТ,73а); ичәрга (Ҳув., 370); билмәгән (Ҳув., 370); өлүрга (Ҳув., 362); өлгән (Ҳув., 370); ғамгә (Огаҳ., 728); күлфәтга (Огаҳ., 730); оқвға (Комил, 784), оқигә (Мужрим., 62); башимға (Мужрим. 643); башимагә (Мужрим, 644); ғаввослик (Комил, 784); судигә (ИТ,71 а).

XIX-X аср бошларида танглай уйғунлиги тилнинг қатъий қонунияти сифатида йўқолган, деб айтиш мумкин. Худди шу даврга келиб, қўшимчаларнинг юмшоқ ва жарангли товушли кўринишлари =га, =ган, =гунча ва б. кенг тарқалади, уларнинг =ға, =ған, =ғунча каби қаттиқ кўринишларини ишлатиш услубий маъно ола бошлайди: ишратга, хилватга, ҳимматга, мазаллатга (Огаҳ., 730); кўрмаган (Ҳамза, 256); билгучи (Ҳамза, 257).

Бадиий асарлар тилида танглай уйғунлигининг кейинги даврда тарқалишини ўрганар эканмиз, икки бир=биридан кескин фарқ қи-

лувчи ҳодисани назарда тутишимиз керак. Биринчидан, жонли халқ тилининг адабий тилга таъсири ва, иккинчиси, бадиий адабиёт ва адабий анъанадир. ХУШ–XIX асрларда товушлар уйғунлиги жонли сўзлашув тилида ҳам чекланган деб тахмин қилишга асос бор. Буни нафақат қўл ёзмаларда қўшимчаларнинг қаттиқ ва юмшоқ кўринишларини аралаш ҳолда, қатъий қонуниятсиз ишлатилишидан, балки унли товушларнинг XIX асрга келиб [illegible] қоришишидан ҳам билиш мумкин. Жонли сўзлашув тили [illegible] тилга таъсир кўрсатиб, танглай уйғунлигининг сўз таркибида [illegible]га олиб келади. Адабий анъана ва эски адабий тилнинг таъсири қарама-қарши йўналишда эди, чунки XX асрнинг бошланишигача эски ўзбек тили учун меъёр – гоҳ лексика, гоҳ грамматика [illegible] Алишер Навоийнинг асарлари бўлиб қолди. Шунинг учун [illegible] Навоий қўллаган ҳар бир шакл ва унинг кўринишлари – улар жонли халқ тилига хосми, хос эмасми – кейинги давр адабий тилида бемалол қўлланилаверган. Навоий даврида эски ўзбек тилида танглай уйғунлиги қонуниятга айланганлиги сабабли, кейинги даврларда ҳам Навоийга эргашиб, танглай уйғунлигини сўз ва формаларда сақлаш хато саналмаган.

Жонли халқ тили танглай уйғунлигини XX асрдан илгариёқ йўқотганини Ҳамзанинг революциядан [illegible] насрий асарлари ҳам исботлайди. Бу асарлар тилида танглай уйғунлиги [illegible] эмаслиги ва қўшимчаларнинг қаттиқ ([illegible]) [illegible] кўринишларининг ишлатилиши фақат услубий вазифани бажаради.

Ҳозирги ўзбек тилида танглай уйғунлигининг айрим қолдиқларини кўрамиз, лекин уларнинг барчаси қотиб қолган, [illegible]ниб қолган бирликлардан иборат.

5-§. Арабча ва форсча сўзларда [illegible] уйғунлиги [illegible]. Маълумки, араб ва форс тилларида унлилар уйғунлиги йўқ. Шунинг учун эски туркий ва эски ўзбек тилларига кириб келган бу тилларга оид сўзлар таркибида танглай уйғунлиги бўлиши мумкин эмас. Лекин бу сўзларда туркий қўшимчалар қўшилганда, бу қўшимчалар қаттиқ ёки юмшоқ кўринишда келган. Навоий ва Бобурнинг насрий асарлари тилининг таҳлили шуни кўрсатадики, арабча-форсча сўзларга туркий қўшимчаларнинг кўпинча қаттиқ кўриниши қўшилган: такйасыға (ҲС,99); жайбымға (ҲС,98); мамлакатыға (БН. 340). Қўшимчаларнинг юмшоқ кўринишлари жуда кам ва таркибида (кўпинча охирги бўғинларида) кундошли ва таркибида а̄, а товушлари бўлмаган арабча-форсча сўзларгагина қўшила олади:

мулклик (БП,340); куйрэк (ХС,96).

8-§. Лаб уйғунлиги. Сўзнинг ўзагида лабланган о, ө, у, ү унлиларидан бири келса, қўшимчадаги унли товушнинг ҳам ўзакдаги унли товушга мослашиб лабланишига, яъни қўшимча таркибида ы, и ўрнида у, ү нинг келиши лаб уйғунлиги дейилади. Танглай уйғунлигидан фарқли ўлароқ, лаб уйғунлиги ўтмишдаги тилларда кенг тарқалмаган. Лаб уйғунлигига нисбатан қуйидаги чекланишлар мавжуд:

биринчидан, кенг унлиларга эга бўлган қўшимчалар лаб уйғунлигига бўйсунмайди: =лар^2, =да^2 =та^2, =ғай^4 каби қўшимчаларнинг лабланган унлили =лор =лур, =до то, =ду =ту каби кўринишлари умуман учрамайди; шунинг учун лаб уйғунлиги фақат тор унлили қўшимчалардагина учрайди, чунки тор унлиларгина эски туркий тилда лабланган-лабланмаганлик билан фарқланувчи жуфтларни хосил қилади: ы ва у, и ва ү ; иккинчидан, лаб уйғунлиги фақат ёпиқ (ундош билан тугаган) бўғинда юз беради; учинчидан, тор унлили ҳар қандай қўшимчалар ҳам лаб уйғунлигига бўйсунавермайди мас., қаратқич келишик қўшимчаси =нын ва чиқиш келишик қўшимчаси =дын ларнинг лабланган =нуң, =дун кўринишлари жуда кам қўлланади.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларида лабланган унлили қол, көз сўзлари эгалик, болды, көрди ўтган замон феъли шахс-сон қўшимчалари билан қуйидагича ўзгаради:

5-жадвал

Шахс-сон	Қаттиқ унлили		Юмшоқ унлили	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	қолум болдум	қолымыз болдук болдымыз	көзум көрдум	көзимиз көрдүк көрдимиз
П	қолуң болдуң	қолыңыз болдыңыз болдук	көзүн көрдүн	көзиңиз көрдиңиз
Ш	қолы болды	қоллары болды(лар)	көзи көрди	көзләри көрдиләр

қолумыз, көзүңиз, болдуңыз, көрдумиз каби кўплик формалари жуда кам, көзүңүз, қолумуз, көрдүнүз ва =нуң, =дун каби келишик формалари эса ундан ҳам камроқ учрайди: йүзүннүң (Лутфий,385); йүзүнүз (Лутфий,401); көргүздүнүз (Хам., 329). Шунинг учун ўзида турли туркий шевалар таъсирини кўпроқ сезган Кошғарий "Девон"ида, "Ат=тухфа", "Таржумон" каби илмий асарларда, бадиий асарлардан "Шайбонийнома"да бундай формалар кўпроқ учрайди: буздун (МК,Ш, 329) – муздан; орундун (МК,П,201) – ўриндан; өндүн (МК,I,76) – ўнг томондан; түгдүмиз (МК,I,438) – тугдик; көзүмүз (АЗI,89); көзүңүз (АЗI,189); тутулдуңүз (АЗ,200), үстүмүздә (ТТ,16); сөзүмиз (ШН,67); қолунуз (ШН,132); мүлкиүң (ШН,60);

қолымыз / қолумыз / қолумуз формаларининг ёнма-ён қўлланишининг сабаблари бир нечта:

биринчидан, қолум, қолуң бирлик шахс формаларига – ыз қўшимчасини қўшиш билан кўплик формаси ясалади ва кўплик қўшимчаси туппа-тўғри қолум, қолуң формаларига қўшила олади: қолумыз;

иккинчидан, =ыз =из =уз = үз қўшимчалари қўшилгач, қолум, қолуң каби сўз формаларида иккинчи бўғин очиқ бўлади (қо=лы=мыз), очиқ бўғинда эса унлилар лаб уйғунлигига бўйсунмайди. Шунинг учун қолы=мыз; қо=лы=ңыз каби формаларни ҳам ишлатиш мумкин;

учинчидан, қолумуз, қолуңуз каби формаларда лаб уйғунлиги анча ривожланган шевалар таъсирини кўриш мумкин. Ҳозирги турк, туркман, озарбайжон, қозоқ каби қўшни туркий тилларнинг барчасида, ҳатто уйғур тилида ҳам, тор унлили қўшимчалар, бўғиннинг очиқ-ёпиқлигидан қатъи назар, изчиллик билан лаб уйғунлигига бўйсунади. Ўзбек тили тарихида ҳеч учрамайдиган қолу (қўли), көрдү (кўрди) каби формалар бу тиллар учун доимий формалардир.

Эски ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоий учун лаб уйғунлиги кўп ривожланмаган шевалар яқинроқ бўлган. Шунинг учун унинг асарлари тилида лаб уйғунлиги Лутфий асарларидан кўра камроқ учрайди. XI–XII аср адабий тилидан "Қутадғу билиг" ва "Девон"да қайд этилган далилий материаллар ҳам бу тилда лаб уйғунлиги кўп ривожланмаганлигини ва, асосан, ёпиқ бўғинда учраши ҳақида хулоса чиқаришга ундайди.

Лаб уйғунлигига изчиллик билан бўйсунувчи тор унлили қўшимчалар, асосан, қуйидагилар: =ым[4], =ың[4] (I ва П шахс эгалик

қўшимчалари), =вн^{4} (восита келишиги қўшимчаси), =ыг^{4} (XI-XП асрларда кенг қўлланган тушум келишиги қўшимчаси), =ыб^{4} (ўтган замон равишдоши қўшимчаси), =дым^{4} (=тым^{4}, =дын^{4}) =тын^{4}, =дык^{4} (ўтган замон феълининг бирлик сон I, П ва кўплик сон I шахслари қўшимчаси), =ыл^{4}, =ын^{4}; =ыш^{4} (нисбат қўшимчалари), феъллардан от ва сифат ясовчи =ым^{4}, =ын^{4}, =қын^{4} =гын^{4}, =гыр^{4}, =ыг к^{4}, =ныш^{4} қўшимчалари, от ва сифат ясовчи =лың^{4} =лыг^{4} ва яна бир қатор унча кўп тарқалмаган қўшимчалардир.

Лаб уйғунлигига онда=сонда бўйсунадиган қўшимчалар, асосан, қуйидагилар: =ы мыз^{4}, = ы ныз^{4} (эгаликнинг I ва II шахс кўплик қўшимчалари), =нын^{4}, =дын^{4} =тын^{4} (қаратқич ва чиқиш келишиклари қўшимчалари), =тыр^{4} (орттирма нисбат қўшимчаси), =й в^{4} (ҳозирги=келаси замон равишдоши қўшимчаси), =мыш^{4} (ўтган замон формаси ва сифатдоши қўшимчаси), =сыз^{4} (сифат ясовчи қўшимча) ва х.

Ўзидан олдин келган унлининг лабланган=лабланмаганлигидан қатъи назар, кўпинча лабланган унлилар билан келадиган қўшимчалар қуйидагилар: =гу^{2} =қу^{2} (сифатдош ва келаси замон қўшимчаси), =гулук^{2} =кулук^{2} (сифатдош қўшимчаси), =гучы^{2} =қучы^{2} (шахс оти қўшимчаси), =гунча^{4} (равишдош қўшимчаси), =ур^{2} (ҳозирги=келаси замон феълининг қўшимчаси), =су =сун^{2} (Ш шахс буйруқ майли формаси), тилак=истак ифодаловчи =гур^{2} =кур^{2} қўшимчаси, =дур =тур^{2} – кесимлик қўшимчаси.

Ёпиқ бўғин ҳосил қилувчи II шахс буйруқ формасининг =гыл^{2} =қыл^{2} қўшимчаси, очиқ бўғин ҳосил қилувчи =ы^{2} =сы^{2} (Ш шахс, эгалик қўшимчаси), =ны^{2} тушум келишиги қўшимчаси, =ды^{2} =ты^{2} (Ш шахс, ўтган замон феъли қўшимчаси), =чы^{2} шахс оти қўшимчаси ҳеч қачон лабланган унлилар билан келмайди.

Лаб уйғунлигини формаларга мисоллар келтирамиз: <u>қутун</u> (ҚБ,78) – бахт билан; <u>төрүттүн</u> (ҚБ,64) – яратдинг; <u>сөзүңүң</u> (ҚБ,[illegible]) – "сўзингнинг"; <u>укушсуз</u> (ҚБ,314) – "ақлсиз"; <u>улугуг</u> (ҚБ,6[illegible]) – улуғни; <u>көрүб</u> (МК,I,112) – кўриб; <u>қутлуг</u> (МК,III) – бахтли; <u>эзүлүгүг</u> (МК,I,79) – яхшиликни; <u>йулуқ</u> (АЗI,116) – йўлинган; <u>көйүк</u> (АЗI,116) – куйган; <u>йүзүм</u> (АЗI,206) – узум; й з к (АЗI,206) – узук; <u>қойуб</u> (БН, 145); <u>үлүк</u> (БН,145) – улуш; тушуб (БН,201); <u>бир йосунлуқ</u> (БН,201) – бир турли; <u>тушулди</u> (БН,448) – тушдилар; <u>сөзүнни</u> (ХШ,135); <u>мунуқтәк</u> (ХШ, 136); <u>тутулди</u> (ХШ,136); <u>тоқуз</u> (ХШ,137); <u>баҳадурлук</u> (ХШ,137); <u>әл көтүрдүм</u> (ХШ,220) – қўл тортдим; <u>көтүрдүм</u> (ХШ,220) – кетир–

дим; оабурсузлук (ХШ,220) – оабрсизлик; кулунуз (ХШ,233) – кулингиз; укубтур (Хам., 136); корунур (Хам., 136); токуб (Хам., 320).

Лаб уйгунлиги эски туркий ва эски ўзбек тилларида қатъий қонуният бўлмаганлиги оабабли ёзма ёдгорликлар тилида ҳамма вақт ҳам унга риоя қилинмайди: бйкудлыг (Хам., 275); достлыг (Комил, 783); коңлим (Муж., 64); йузум шору йолым қаттыг (Ҳув., 368); коңлуң оозин (Комил, 784); козум, бутым (Ҳув., 358-360).

Ўзбек тили тарихида лаб уйгунлигининг тақдири танглай уйғунлиги тақдирига ўхшайди. Эҳтимол, айрим шеваларда у ХУШ асрга келиб ўта кучсизланган ва йўқолаётган даражага келгандир. Лекин адабий тил қоидалари Навоий асарлари тили орқали белгиланганлиги учун ХХ асрнинг бошларигача жонли халқ тили хусусиятларига асосланиб, козим формаси ёки Навоий асарларига асосланиб, козум формаси ишлатилиши ёзувчининг қараши, вазн ва қофия талаблари билан белгиланган.

7=§. Ундошлар уйғунлиги эски туркий ва эски ўзбек тилларида жарангли=жарангсиз жуфтлари бўлган ва қўшимчаларнинг бошида кела оладиган т – д, к – г, қ – ғ ундошлари билан бошланувчи қўшимчаларга алоқадордир. Ҳозирги тилимизда бўлганидек, т=д, к=г, қ=ғ қўшимчаларнинг бошида келганда уларнинг жарангли ундошли д, г, ғ ли кўринишлари жарангли, сонор ёки унли товушлардан кейин, жарангсиз к, қ, т ли кўринишлари эса жарангсиз ундошлардан кейин келади: Мас., йэрдә ; қарда; қолдын; йарға; эштин; эттә ; атта; отқа; эшкә.

Жарангсиз ундош билан тугаган ўзак (негиз) ка жарангли ёки унли билан тугаган қўшимча қўшилса, ундан кейин келган қўшимчанинг бош ундоши ўзидан олдинги товуш билан мослашади; атлардын; отыға.

Ундошлар уйғунлигининг эски туркий ва эски ўзбек тилларига бевосита таъсири жарангли ва жарангсиз товушлар сингиши билан чегараланади. Лекин ундошлар уйғунлигига танглай уйғунлиги таъсир этади. Натижада таркибида к, г, қ, ғ ундошлари бўлган қўшимчалардаги унли ва ундош товушлар ўзаро мослашади: тилорқа портловчи ундошли қўшимчалар камида тўрт уйғунлик кўринишига эга бўлади. Масалан, жўналиш келишиги -қа қўшимчаси кўринишларининг ишлатилишини олиб кўрайлик:

6= жадвал

Ўзак охири \ унли	Қаттиқ	Юмшоқ
Жарангли, сонор, унли	йарымға, отыға, қызға	элгә, эшиткә, бизгә
Жарангсиз	отқа	бэткә

Ундошлар уйғунлигида туркий тилларнинг қадимги даврларидан бошлаб маълум чекланишлар бор. Қадимги туркий тилда сонор м,н,н,р,л товушларидан кейин қўшимчанинг бошида ҳамиша жарангсиз т келган эрти – эди; бартı – борди. Эски туркий ва эски ўзбек тилларида бу қонуният йўқолади – барым – бордим, лекин бошқа ҳодиса пайдо бўлади: XI–XII аср ёзма ёдгорликларида ва Кошғарийнинг кўрсатишича, адабий тилда жарангли г, ғ билан тугаган ўзак (негиз)ларга қўшимчаларнинг жарангсиз, к, қ билан бошланувчи кўринишлари қўшилиб келган: тағқа (МК,П,71) – тоққа, ағқалыр (МК,П,71) – чиқиш арафасида, чиқяпти, билигк – билимга. Эски ўзбек тилида, айниқса, Навоий ва Бобур асарларида к, қ дан олдин келган г, ғ жарангсизланиши ҳам, жарангсизлашмаслиги ҳам мумкин, яъни бағқа ва баққа формалари ёнма-ён қўлланади. Шунингдек, бу давр ёзма ёдгорликларида унли ва сонорлардан кейин қўшимчаларнинг жарангсиз ундошлари билан келиш ҳоллари ҳам кенг учрайди: дāнāқа (БЛ,51а); салқай (БЛ,51б) – "солгай".

XIУ-XIX аср ёзма ёдгорликларида жарангли=жарангсизлик уйғунлиги ёзувда деярли сезилмайди ва, юқорида айтганимиздек, имлони бир хиллаштириш ҳаракати билан ҳам боғлиқ. Бу усулга асосланиб қўшимчаларнинг жарангли ундошли қаттиқ кўринишлари кўпроқ ишлатилган: отға (Хам., 227); халайыққа (Ҳув., 376).

Ёзма ёдгорликлар тилини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, туркий сўзларда унлиларнинг танглай уйғунлиги билан боғлиқ бўлган ўзак ва қўшимчанинг қаттиқ=юмшоқлик жиҳатидан мослашиши ундошларнинг жарангли=жарангсизлик уйғунлигига кўра кенгроқ тарқалган ва кучлироқ таъсир кўрсатади.

8= §. Танглай. Лаб ва ундошлар уйғунлигининг ўзаро таъсири. Биз юқорида танглай, лаб ва ундошлар уйғунлигини алоҳида=

алоҳида олиб кўрдик. Лекин бу фонетик ҳодисалар ҳеч қачон бири иккинчисидан ажралган ҳолда таъсир этмайди. Барча ҳолларда бу уч фонетик ҳодиса сўзнинг қўшимчалари таркибидаги унли ва ундошлар табиатини белгилашда бирданига таъсир этади. Биз юқорида кенг унлили =қа[4] қўшимчасига танглай ва жарангли=жарангсизлик уйғунлиги таъсирини кўриб ўтдик. Бу икки уйғунлик таъсири остида =қа қўшимчаси 4 фонетик кўринишга эга бўлди. Агар ёпиқ бўғин ҳосил қилувчи, қ товуши билан бошланувчи, тор унлили қўшимчаларда лаб уйғунлигининг ҳам таъсирини ҳисобга олсак, бундай қўшимчалар 8 фонетик кўринишга эга бўла олади. Масалан, феъллардан от ва сифат ясовчи =қын[8] қўшимчасининг кўринишларини олиб кўрайлик.

7= жадвал

Унлиси / Ўзак охири	Қаттиқ		Юмшоқ	
	Лабланган	Лабланмаган	Лабланган	Лабланмаган
Жарангли, сонор, унли	=ғун	=ғын	=гүн	=гин
Жарангсиз	=қун	=қын	=күн	=кин

Ҳар учала турдаги уйғунликнинг сўзда бирданига таъсир этиши ва қўшимчанинг фонетик кўринишини белгилашини феъллардан от ва сифат ясовчи (тарихан феълнинг сифатдош формасини ясовчи, ҳозир эса қатор от ва сифатлар таркибида турли кўринишларда сақланиб қолган) =ғын[8] қўшимчаси мисолида кўриб ўтамиз: тургун, тутқун, о ғ н, т шк н, қырғын, ташқын, кэскин каби 8 сўз бир қолип "феъл+ ғын[8]" нинг ҳосиласидир ва бу 8 сўз эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам (деярли бир хил маънода) кенг қўлланади. Бу 8 сўздаги қўшимчанинг кўринишлари ҳар хил ва улар уч: 1) ўзакнинг қаттиқ=юмшоқлиги; 2) ўзакдаги унлининг лабланган=лабланмаганлиги; 3) ўзакнинг жарангли=жарангсиз билан тугаганлиги каби хусусиятлар билан белгиланади.

1. Тургун – сўзнинг ўзаги жарангли билан тугаган, демак, жарангли=жарангсизлик уйғунлиги қонунига кўра қўшимча фақат

жарангли (г ёки ғ) билан бошланиши мумкин. тур сўзининг ўза-гидаги унли қаттиқ, демак, қаттиқ=юмшоқлик (танглай) уйғунлиги талабига кўра қўшимчада фақат қаттиқ ғ товуши кела олади. Лекин ғ товушили кўриниш иккита =ғын ва =ғун. тур сўзининг ўза-гидаги унли лабланган ва лаб уйғунлиги қоидасига кўра қўшимча-даги унли ҳам лабланган бўлиши керак. Натижада тур ўзаги фақат =ғун кўриниши билан бирика олади, холос. Худди шундай ҳодиса-ни уйғур, уйғун, бузғун, сурғуч каби сўзлардаги =ғур[8], =ғуч[8] қўшимчаларининг =ғур, =ғуч шаклларида ҳам кўриш мумкин.

2. тутқун – ўзак жарангсиз т билан тугаган, қўшимча жаранг-сиз (қ, к) билан бошланиши мумкин; ўзакдаги унли қаттиқ, қў-шимчада ҳам қаттиқ унли ва ундош бўлиши керак (қвн ёки =қун). Ўзакдаги унли лабланган, демак, қўшимчада ҳам лабланган унли бўлиши керак (бу ўзакка =қын шакли қўшила олмайди). Шунинг учун тут феълига =қун шаклигина қўшила олади. Шундай ҳодиса-ни учқур, учқун сўзларида ҳам кўрамиз.

3. сургун – ўзак жарангли билан тугаган; қўшимча ҳам жаранг-ли г билан бошланади. Ўзакдаги унли юмшоқ ва лабланган, қўшим-чада ҳам юмшоқ, лабланган унли келади.

4. тушкун – ўзак жарангсиз ш товуши билан тугаган, қўшимча ҳам жарангсиз к билан бошлана олади; ўзакдаги унли юмшоқ ва лабланган. Қўшимчада ҳам шундай унли келган.

5. қврғвн сўзида ўзак жарангли билан тугаган. Қўшимча ҳам жарангли билан бошланади. Ўзакдаги унли лабланмаган, қаттиқ. Қўшимчада ҳам шундай унли бор. Шунга ўхшаш ҳодисани алғвр, азғвр, чвзғич, қашлағвч каби сўзларда ҳам кўрса бўлади.

6. ташқвн –ўзак жарангсиз ш билан тугаган. Қўшимча ҳам жарангсиз қ билан бошланади. Ўзакдаги унли қаттиқ ва лаблан-маган. Қўшимчада ҳам шундай унли бўлади. ачқвч, йвртқич, қақ-шатқвч, тапқвр, чапқвр, сатқвн, шашқвн каби сўзларда ҳам ай-нан шу ҳодиса такрорланади.

7. тизгин – ўзак жарангли з билан тугаган. Қўшимча жаранг-ли г билан бошланади. Ўзакдаги унли лабланмаган ва юмшоқ. Қў-шимчадаги унли ҳам лабланмаган ва юмшоқ. Шундай таъсирни сўз-гич, илгич, сезгир каби сўзларда ҳам учратамиз.

8. кэскин – ўзак жарангсиз билан тугаган, қўшимча ҳам жа-рангсиз билан бошланади. Ўзакдаги унли юмшоқ ва лабланмаган, қўшимчадаги унли ҳам юмшоқ ва лабланмаган; тэпкич, кэскич,

кэскир сўзларида ҳам шу ҳодиса такрорланади.

Унли ва ундошлар уйғунлигининг таъсири остида айрим туркий тилларда морфологик қўшимчаларнинг уйғунлик кўриниши сони 32 тага етиши ва ундан ҳам ортиши мумкин. Тилда қўшимчаларнинг кўринишлари сони бу тилда товушлар уйғунлигининг қанчалик ривожланганлиги билан боғлиқ. Ўзбек тилида мавжуд бўлган танглай, ривожланган лаб уйғунлиги, тилорқа ундошлар уйғунлигидан ташқари, тилолди ундошлар уйғунлиги ва унлиларнинг кенг=торлик уйғунлиги каби уйғунлигига эга бўлган туркий тилларда (чунончи, қирғиз, ёқут, қисман татар, қозоқ ва б.) қўшимчаларнинг уйғунлик кўринишлари хилма=хил бўлади.

Унлилар уйғунлигининг қўшимчадаги унлиларга таъсири шуни кўрсатадики, қўшимчаларнинг барча турида қаттиқ ва юмшоқ унлиларнинг келиши маъно фарқлаш билан эмас, шу қўшимча қўшилиб келаётган ўзакнинг қаттиқ ва юмшоқлигига боғлиқ. Тор унлили қўшимчаларда эса қаттиқ ёки юмшоқ, лабланган ёки лабланмаган унлининг келиши ҳам ўзакдаги унлининг табиатига боғлиқ. Шунинг учун товушлар уйғунлиги тилларда қўшимчалар таркибида барқарор унлилар бўлмайди. Кенг=торлик уйғунлиги бўлмаган эски туркий ва эски ўзбек тилларида қўшимчалар таркибида маълум барқарорликка кенг ва тор унлиларгина эга, холос. Шунинг учун бундай тиллардаги унлилар орасидаги фарқлар, асосан, сўз ўзаги таркибида кўриб ўтилади.

9= §. Ҳозирги ўзбек тилида товушлар уйғунлиги қолдиқлари. Ҳозирги ўзбек адабий тилида товушлар уйғунлиги қатъий қонуният сифатида мавжуд бўлмаса=да, унинг қолдиқлари анчагина. Бунда икки ҳолатни фарқлаш зарур:

1) шеваларда товушлар уйғунлиги;

2) адабий тилимизда товушлар уйғунлиги қолдиқлари.

Товушлар уйғунлигига муносабати жиҳатидан ўзбек шевалари икки хил-товушлар уйғунли ва уйғунсиз бўлмаган шеваларга бўлинади. Биринчи группа шеваларда товушлар уйғунлиги, айниқса танглай уйғунлиги, қонуният сифатида сақланади. Иккинчи группа шеваларда эса товушлар уйғунлиги қатъий қонуниятга айланмаган ва адабий тилимизда бўлганидек, унда фақат товушлар уйғунлиги қолдиқларини кўриш мумкин.

Шевалардан ташқари, адабий тилимизда ҳам товушлар уйғунлиги қолдиқлари талайгина. Булардан айримларини санаб ўтамиз:

1. Адабий тилимизда жарангли саёз тилорқа г билан бошланувчи қўшимчалар (чунончи, =га, =ган, =гин, =гач, =гунча каби қўшимчалар) к, г билан тугаган ўзак (негиз)ларга қўшилганда, қўшимчанинг бошидаги г ундоши к га ва қ, ғ ундошлари билан тугаган ўзак (негиз) ларга қўшилганда эса қ га ўтади: тоғ – тоққа; боғ – боққа; этак – этакка; чиқ – чиққан; эк – эккан; эг – эккан; тақ= – таққунча; ёғ= – ёққач ва ҳ. Бу адабий тилимиздаги жарангли=жарангсизлик ва танглай уйғунлигининг қолдиғидир.

2. Ҳозирги ўзбек тилида ўз унумдорлигини сақлаб қолган қатор сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар айрим сўзлар таркибида турли уйғунлик кўринишларда қотиб қолган ва улардаги қўшимчалар адабий тилимизда қоида бўлган фонетик кўринишдан фарқ қилади: отлиқ, совлиқ, сувлиқ, ошлиқ, суюқлик, ёғлиқ (=лик қўшимчаси); олға (йўналиш келишиги қўшимчаси); ташқари, ичкари, илгари, юқори (биринчи қўшимча =қа, =ка, =га тарихан йўналиш келишиги қўшимчаси); уруш (иш – ҳаракат номи қўшимчаси) ва ҳ.

3. Ҳозирги ўзбек тилида ўз унумдорлигини йўқотган барча сўз ясовчи қўшимчалар қадимда ясалган сўзлар таркибида иккитадан саккизтагача кўринишда сақланган. Улардан айримларини мисол тариқасида санаб ўтамиз:

1) феъллардан шахс, қурол ва баъзан ўрин оти ясовчи =оқ, =ак, =к, =қ; =қоч=оқ; қол=оқ; тай=оқ; ўчоқ; эла=к; беза=к;

2) феъллардан от ясовчи =им, =ин, =иш қўшимчалари =ун, =ум, =уш лабланган кўринишда учрайди: уюм, ютум, қурум; тугун; юпун; тутун; уруш;

3) феъллардан от ва сифат ясовчи =ик^4 =иг^4, =ғақ^4, =қин^8, =қир^8, =қич^8, =қи^8 каби қўшимчалар кўринишларда учраши мумкин:

а) =ик^4 иг^4 қўшимчаси: син= – синиқ; ўл= – ўлик; бур= – буруғ (ичбуруғ қўшма сўзи таркибида); ют= – ютуқ; туғ= – туғук;

б) =ғақ^4 қўшимчаси: тиргак; эшкак; қурғоқ; ботқоқ;

в) =қин^8 қўшимчаси: қирғин; тизгин; тошқин; кескин; турғун; учқун; сургун; тушкун;

г) =қи^8 қўшимчаси: сурги; ёқилғи; тепки; урғу; кўйгу; уйқу;

д) =қич^8 қўшимчаси: сузгич; кўрсаткич; қисқич; савағич; сурғуч.

4. Отлардан сифат ясовчи =қи ва =ки кўринишларида учрайди: ички:ташқи.

5. Отларда кичрайтиш қўшимчаси =чак ва =чоқ кўринишларида учрайди: келинчак; тойчоқ.

Ўзбек адабий тилида сўзларнинг имло ва талаффузида қонунлаштирилган бундай кўринишлар жуда кўп ва, айниқса сўз ясаш, тарихий сўз ясашда товушлар уйғунлигининг барча турлари қолдиқларини кўриш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилган ҳодисалардан яққол кўриниб турибдики, "тилнинг узоқ ўтмишида мавжуд бўлган ҳодисалар ҳеч қачон изсиз йўқолмайди" деган қонуният ўзбек тили тарихида товушлар уйғунлиги тақдирида яна бир марта ўз исботини топади; ҳозирги ўзбек тилида бу ҳодиса қонуният сифатида сақланмаган бўлса=да, унинг қолдиқлари жуда кўп ва, айниқса, тарихий сўз ясашда товушлар уйғунлиги тўла сақланган деган хулоса ҳам чиқариш мумкин.

УНДОШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

1= §. Ундошлар соҳасида эски туркий тилнинг қадимги туркий тилдан кескин фарқларидан бири шундаки, қадимги туркий тилда б, д, й, л, н, н, р, с, т, қ, ғ ундошлари қаттиқлиги (йўғонлиги) ва юмшоқлиги (ингичкалиги) билан фарқланувчи иккитадан мустақил ундош фонемани ташкил этган. Уларнинг ҳар бири ўз мустақил ҳарфий ифодасига эга бўлган. Эски туркий тилга келиб, фақат қ ва к, ғ ва г каби икки жуфт ундош орасидагина қаттиқ=юмшоқлик фарқи сақланади, холос. Қолган ундош товушлар орасида қаттиқ=юмшоқлик фарқи сезилмайди.

Қадимги ва эски туркий тиллар орасида ундошлар соҳасидаги иккинчи фарқ эски туркий тилда бир қатор янги ундошларнинг пайдо бўлишида бўлиб, бу масала билан алоҳида танишамиз.

2= §. Эски туркий тилнинг илк тараққиёт даврларида ундаги ундош товушлар тавсифи Маҳмуд Кошғарий томонидан берилган эди (МК,I,47). Маҳмуд Кошғарий кўрсатган ундошлар тўла эмас. Чунки бу дақиқ тилшунос эски туркий тилда араб ва форсий тиллар таъсири остида ўзлашган (ёки ўзлаша бошлаган) ф, х, ҳ, ж товушларини ва айрим бошқа товушларни ўз сирасига қўшмаган. XI аср адабий тилига хос бўлган ундошлар жарангли=жарангсиз жуфтлар (б п, в ф, д т, ғ қ, г к, ж ш, з с, ж ч), сонорлар

(м,н,н,л,р,й) жарангсиз жуфтига эга бўлмаган ӟ, в̈ ундошлари, жарангли жуфтига эга бўлмаган ҳ, х, арабча сўзлардагина учрайдиган ъ дан иборат. Талаффуз усулига кўра бу товушлар портловчилар (з,п,д,т,г,қ,к,ж,ч); сирғалувчиларга (в,в̈,ф,з,ӟ,с,ш,й,х, ҳ,ғ), портловчи-сирғалувчилар (м,н,н,л,р)га бўлинади. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра бу ундошлар 8- жадвалда кўрсатилган системани ташкил этади:

8- жадвал



8- жадвалда кўрсатилган эски туркий тил ундошларини қадимги туркий тил ундошлари билан солиштирсак, эски туркий тилда қадимги туркий тилга нисбатан янги ундошлар - лаб-тиш в̈ ва ф лаб-лаб в, тишлараро ӟ, сирғалувчи ж, чуқур тил орқа сирғалувчи х, бўғиз ундоши ҳ пайдо бўлганини кўрамиз.

Маҳмуд Кошғарий ўз даври тилига оирғалувчи, жарангсиз бўғиз товуши х хос эмаслигини уқтириб ўтади, лекин бу товуш айрим шеваларда мавжуд бўлган. У бу ҳақда шундай ёзади: "Бўғиз товушларидан бўлмиш ه (ҳои ҳаввоз) ва ح (ҳои ҳутти) (ҳ товушлари), ع (айн) ҳарфлари ҳам туркий тилларда йўқдир. ўкки сўзини ўхи дегувчилар жуда кам... бу ҳарф (ҳ товуши) гоҳо хўтанликлар тилида учрайди, чунки бу ҳинд тилининг таъсиридир" (МК,I,48-49). "Қутадғу билиг" ва XI-XII асрнинг бошқа ёзма ёдгорликларида, Кошғарий айтганидек, лекин ҳинд эмас, араб ва форс тиллари таъсири орқали, бу тиллардан кириб қолган сўзлар таркибида ҳ товуши кенг қўлланилади: ҳамд (ҚБ, 50); ҳаким (ҚБ,52); ҳақ (ҚБ,54); илаҳа (ҚБ,70). Шунинг учун эски туркий тилда ҳ ундош фонемаси араб ва форс тиллари таъсири остида ўрнашиб қолган деб хулоса чиқариш мумкин.

Энди эски туркий тилдаги айрим ундош товушларнинг хусусиятлари ва тараққиёти устида тўхталиб ўтамиз.

3- §. ӟ ундоши. Тил-тиш ӟ эски туркий тилнинг хусусий ундош товушларидандир ва сўзнинг ўртаси ва охирида учрайди[1]. Бу ўринда ӟ туркий тилларда й,з,д,т,р товушлари билан алмашиниши мумкин; қиёс.: айақ - аӟақ - адақ - атақ - ура (Ср.гр. 281)- "оёқ". Ўзакнинг ўрта ва охирида бу товушлардан қай бирининг кенгроқ тарқалганига кўра туркий тиллар й ловчи (эски ва ҳозирги ўзбек, турк, татар ва б. тиллар), ӟ ловчи (эски туркий тил), з ловчи (хакас тили), д ловчи (қадимги туркий тил, қадимги уйғур тили), т ловчи (ёқут тили) ва р ловчи (чуваш тили)ларга бўлинади. XI аср адабий тили ӟ ловчи бўлган ва ҳозирги ўзбек тилидаги туркий сўзлар таркибидаги ўзак ўртаси ва охиридаги й товушига жуда кўп ҳолатларда (айт-, қайт- феълларидан ташқари) ӟ товуши тўғри келади - қаӟын (МК,Ш,380) - "қайин" (дарахт ва қариндош маъноларида); қаӟғу (ХШ, 50) -"қайғу"; бөӟуклүг (ҚБ,64) - "буюклик"; кэӟин (ҚБ,66) - "кейин"; аӟрыл- (ҚБ,212) - "айрилмоқ". XI аср адабий тили изчиллик билан ӟ ловчи тил бўлса ҳам, ўша даврдаёқ з ловчи, й ловчи ва д ловчи шевалар туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Бу ҳақда аниқ маълумотларни Маҳмуд Кошғарий беради: "Яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, жумул ва ўғузлар ӟ ни й га айлантирадилар ва ҳеч маҳал ӟ билан сўзламайдилар.. ямак, сувар, булғорлар... (ӟ ни) з га алмаштирадилар" (МК,I,68). Кошғарий д ловчи шевалар тўғрисида ҳеч нарса демаса ҳам, "Девон"нинг

ўзида д лашган сўзлар учраб туради: адақлвқ (МК,I,165) – "токзорларда сўрига ишлатиладиган ёғоч"; бэд = (МК,Ш.275) – "улғаймоқ": бод (МК,I.391) – "бўй, қад"; тод= (МК,Ш,429), тоз= (МК,I,68), тоз= (МК,Ш,443), той=МК,Ш,262) – "тўймоқ".

XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб з товушини й товуши сиқиб чиқаради ва айрим ҳолатлардагина Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" сида, "Нахжул-фародис"да, Лутфийнинг айрим ғазалларида й лашиш билан ёнма-ён д лашиш ходисасини учратиш мумкин: адақ (Лутфий, 419 – "оёқ"; эдгу (МН,163б) – "эзгу, яхши". Лекин ўзбек тили тарихида XIV асрнинг иккинчи ярмидан кейин соф д ловчи тилда ёзилгани асар йўқ. Алишер Навоий ва ундан кейинги ёзувчилар асарларида й лашиш ҳоким ҳолатни эгаллайди, эски туркий з эса айрим сўзлардагина з,с,т,д кўринишларида қотиб қолади. Ўзбек тили тарихида бўлган з,з, д,т товуш алмашиниши қолдиқларини ҳозирги ўзбек тилида ҳам кўриш мумкин: кетин (кезин – бирин-кетин жуфт сўзида); эзгу; қудуқ (қиёс.: қуйуқ (МН,Ш,188) – "қудуқ"; ис – ҳид; одоқ – "охир, сўнг"; ёзмоқ ва ёймоқ; тизгин (тий-феълидан ясалган от).

4- §. в ва в товушлари туркий тилларнинг энг қадимги даврлари учун хос бўлмаган. Бу товушлар кейинги тараққиёт босқичларида сўзнинг ўрта ва охиридаги б ва ғ товушларидан ҳосил бўлган:

Қадимги туркий:	Эски туркий:	Ҳозирги ўзб.тили:
саб (М., 418)	сав (ҚБ,68)	сўз[1]
сэбин= (М., 420)	сэвин= (МК,I,52)	севинмоқ
суб (М., 422)	сув (МК,Ш,142)	сув[2]
сэб (ДТС,493)	сэв= (ҚБ,80)	севмоқ

Яна қиёс.: аглақ (ДТС,21) – "овлоқ"; қағур= (МК,П,255) – "қовурмоқ"; қағун (МК,I,388) – "қовун"; сағуқ (МК,П,309) – "совуқ"; қабат (Махмур, 623) – "қават", сабат (Махмур, 623) – "сават".

XI-XШ аср ёзма ёдгорликларида лаб-лаб ва лаб-тиш в товушлари араб ёзуви асосидаги ёзувда фарқланган. Лаб-лаб в, араб ти-

---

[1]Қадимги саб сав ўзаги ўзбек тилидаги совчи сўзида сақланган.

[2]Сув суб ўзагининг ғ ли кўриниши суғормоқ сўзида сақланган.

ли ва ёзувида бўлганидек, و (вов) ҳарфи билан берилган. Лаб=тиш в̋ эса ڤ (фе ҳарфи устига икки қўшимча нуқта қўйиш билан) берилган. Лаб=тиш в талаффузини Кошғарий лаб=тиш фе ва лаб=лаб в товушлари оралиғидадир, деб кўрсатади. Унинг сўзларича, ўша давр адабий тилида лаб=тиш в̋ қоида бўлган ва айрим шеваларда лаб=лаб в билан алмашган. Ҳақиқатан ҳам, "Девону луғатит турк", "Қутадғу билиг", "Ҳибатул=ҳақойиқ" асарларида изчиллик билан ڤ ҳарфи ишлатилади. XIУ асрдан кейин ڤ ҳарфи умуман ишлатилмайди ва бу ҳодиса в ва в̋ орасидаги фарқ фонологик эмас, балки фонетик бўлганлигидан, уларнинг бир фонеманинг турли кўриниши эканлигидан далолат беради. Шунинг учун шевалар аралашиши натижасида в ва в' товушларини аралаш қўллаш кенг тарқалган ва икки ҳарф билан бу кўринишларни ажратишга эҳтиёж қолмаган.

Эски ўзбек тилида в ва в̋ кўринишлари бўлганми=йўқми деган саволга ёдгорликлар жавоб бермайди, лекин янги ўзбек тили даврида русча сўзлар таркибидаги лаб=тиш в вов ёки бе (иккаласи ҳам лаб=лаб товуш) билан берилишини ҳисобга олсак (қиёс.: завут ва забут (О.У.,73) - "завод"), қипчоқ (ўзбек) шевалари таъсири остида лаб=тиш в̋ лаб=лаб в билан сиқиб чиқарилганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

XIX-XX асрларда ўзбек тилига байналмилал сўзлар кўплаб кириб келганлиги сабабли ҳозирги ўзбек адабий талаффузида лаб=тиш в̋ қайта тикланди.

5= §. х ундоши. Бу товуш ҳам туркий тилларнинг жуда қадимги даврлари учун хос эмас ва туркий сўзларда қ товушининг ўз портловчилигини йўқотиб, сирғалувчига ўтиши (спирантизация) асосида ҳосил бўлган. қ нинг сирғалувчиланиши ҳозирги туркий тиллардан чуваш тилига хосдир. Ҳозирги туркий тиллардаги қ товушига чуваш тилида мунтазам равишда х тўғри келади: хура (Ср.гр,180) - "қора"; хут (Ср.гр,180) - "қат, қават". қ портловчининг сирғалувчи х га ўтиши эски туркий тилнинг айрим шеваларида ҳам учрайди: хайу (МК,Ш,237) - "қаю, қайси"; ханда (МК,Ш,238) - "қаерда"; хыз (МК,Ш,238) - "қиз"; тахуқ тақуқ (С., 157р) - "товуқ"; сыхта= (МК,П,329) - сиқтамоқ"; охсын= (МК,I,254) - "ўхшамоқ"; йахшы (йақшы).

Туркий тиллар учун х товуши хос бўлмаганлиги сабабли қадимги эроний ва бошқа тиллардан олинган сўзлар таркибидаги х

портловчи қ билан алмаштирилган - қаған (хитойча қа - "катта", мўғулча хан- "хон") - "ҳоқон"; катун (суғд, хватун) - хотин; кумару (КБ,248), хумару (МК,I,416) - эсдалик. Эски туркий ва эски ўзбек тилида х товуши арабча ва форсча сўзлар таъсири остида мустаҳкам ўрин олди. Лекин х ва ҳ товушларининг туркий тилларнинг қадимги даврлари учун хос эмаслиги ҳозирги шеваларда ўз таъсирини кўрсатади. Бир қатор туркий тилларда, ўзбек шеваларининг кўпчилигида х ва ҳ товушлари фарқланмайди.

6= §. ф ундоши. Бу товуш ҳам туркий тилларнинг дастлабки тараққиёт даврлари учун хос эмас ва туркий сўзларда б ва п товушларининг сирғалувчанлашиши ва в, ӹ нинг жарангсизланиши натижасида пайдо бўлган: тофрақ (Хам., 276); чолфан (АШ,П,84) - "Чўлпон"; йафрақ (НИ,Ш,309). Эски ўзбек тилида бу товуш арабча, форсча сўзлар, ҳозирги ўзбек тилида эса, улардан ташқари, рус тили таъсири остида ўзлашди.

7= §. ж товуши. Сирғалувчи ж эски туркий тилда фақат тақлидий сўзлар таркибида кела олган: жағылла= (МК,Ш,338) - "шарилламоқ". Эски ўзбек тилида сирғалувчи ж айрим форсча сўзлардагина қўлланилган - мьжган (НИ,П,335); мужда (НИ,П,355); аждар (НИ, I, 54), жанда. Шунинг учун сирғалувчи ж нинг эски ўзбек тилида ўзлашгани ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу товушнинг ўзбек тилида мустаҳкам ўрнашиши рус тилининг бевосита таъсири остида бўлди ва шунинг учун айрим шеваларда журнал, жюри, жанр каби сўзлар қоришиқ ж билан - журнал, жури, жанр сифатида талаффуз этилади.

8= §. н товуши. Сўзнинг ўрта ва охирида кела оладиган бу товуш туркий тилларнинг энг қадимий товушларидан бири бўлиб, қаттиқ (ҳозирги ўзбек ёзувида нг билан берилади) ва юмшоқ (ҳозирги ёзувимизда нг) кўринишларга эга: тоңуз ; қоңуз; қоңур; көңьр (МК,Ш,374); тэңиз; кәңул; сиңил.

Туркий тилларда н товушининг урчиши, тарихий тараққиёти мураккаб масалалардан биридир. Турли шароитда н товуши н товуши сифатида сақланиши ҳам, н,ғ>й,ғ > в товушларини бериши ҳам, умуман тушиб қолиши ҳам мумкин: йалңус (МК,I,321) - "ёлғиз" (қиёс.: туркча: йалныз); чоңқур (Ср.гр., 340) - чуқур (қиёс. ўзб.: ўнқир=чунқир[1]); тәриңә= (ср.гр.340) - тирга-

---

[1]Қиёс.: оңур (МК,I,110) - ғор, чуқурлик.

моқ; сөңәк (НИ,Ш,141) - суяк (< сөйәк < сөгәк < сөңәк); оң= (МК,I,185) - ўймоқ; көнләк (Лутфий, 391) - куйлак; отуң (МК,I,153) - ўтин; йаңақ (С., 339р) - ёноқ.

н товуши тарихий тараққиёт натижасида нафақат н, ғ, г товушларига бўлинади, балки ўз ак ва қўшимча чегарасида н ва г, ғ товушларининг бирга келишидан ҳам ҳосил бўлади: мән+гә > мәңә ; сән+гә > сеңә ; хан+ға > хаңа. Шунинг учун бундай сўзлар мә=ңә ва сә=ңә сифатида ҳам, тарихий морфологик бўлиниш асосида сән=гә , мән=гә сифатида ҳам бўғинга ажратила олинган. Бу имкониятдан аруз вазни ҳоким бўлган классик шеъриятимизда жуда кенг фойдаланилган; мәңә, сәңә каби сўзларнинг биринчи бўғини вазннинг қисқа бўғинида келса, мә=ңә сифатида бўғинга ажратилган.

9= §. м,р,л,н сонор товушлари, айрим тадқиқотчилар фикрича, сўзнинг бошида келмаган. Сўз бошидаги м энг қадимги туркий п товушининг жаранглашиши (б га ўтиши), б нинг сўз бошида м га ўтиши натижасида пайдо бўлган. р,л товушлари билан бошланувчи туркий сўзлар эса жуда оз. Шунинг учун р билан бошланувчи айрим арабча ва русча сўзлар олдида илова (протетик) унли товуш пайдо бўлади. Бу ҳодиса, айниқса, қипчоқ группа тилларида кучли - урус; уруза; ырахмат; ырысқ (а. ризқ - кунлик овқат, насиба).

Сўз ва бўғин охирида келган р, л, н сонорларининг муҳим хусусияти шундаки, бу товушлар талаффузда тез=тез тушиб қолади: татлақа (МК,I,447) - "тотларга"; кәләдир > келади; боса (Махмур, 616) - "бўлса", қыса (Махмур, 617) - қилса; бомақ (Завқий, 252) - бўлмоқ; барай > барайы (ҚБ,942) - барайин; қансу (ХШ,135) - қансун - қонсин.

10= §. қ, к, г, ғ товушлари туркий тилларнинг энг қадимги товушларидан бўлиб, сўзнинг бош, ўрта ва охирида кўп ишлатилади. Қадимги туркий ёзувда бу товушлар қатъий фарқланади, араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида қ ва ғ фарқланиб к ва г ёзувда бир=биридан фарқланмайди. Лекин Маҳмуд Кошғарий эски туркий тилда к дан бошқа яна битта товуш - жарангли г борлигини таъкидлайди.

Эски туркий тилнинг фонетик хусусиятларидан бири шундаки, сўз охиридаги г ва ғ товушлари жарангсизланиб, к, қ га ўтмайди ва ўз жаранглилигини сақлайди: тириг; билиг. Айрим ҳолларда сўзнинг охирида жарангли г, ғ ёки жарангсиз к, қ нинг ке-

лиши сўз маъносини фарқлайди. Жумладан, Кошғарий бир неча жойда таъкидлаб ўтадики, =лығ (=лиг) =луғ (=луг) қўшимчаси бирор белги ёки нарсага эга эканлик маъносидаги сифат ясайди, =лық (=лик) =луқ (=лук) қўшимчаси эса турли маънодаги отлар ясайди: этәклик (МК,I,167) – этаклик, этакка мўлжалланган мата; тәклиг (МК,I,167) – этаги бор, этакли. ХШ ва кейинги асрларда сўз охирида жарангли г, ғ ва жарангсиз к,қ аралаш қўлланади. Бу ҳолатни Мирза Маҳдихон ўзининг "Санглоҳ" луғатида жуда катта усталик билан – сўз охирида ғайн ва қоф ҳарфларини бир=бирига қўшиш усули билан беради: أتماقغ утмақ (ғ) (С., 58в) – ютмоқ. Шунинг учун эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сарығ/сарық; тағ/тақ формалари баравар қўлланади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз охиридаги г, ғ изчиллик билан к,қ га ўтади. Ҳозирги ўзбек адабий талаффузида ўртоқ, ўроқ каби сўзларнинг охирида жарангли ғ билан талаффуз этиш мана шу ғ~қ алмашинуви таъсиридир.

Эски ўзбек тилида сўз охиридаги ғ, г кейин қўшимчанинг бошида қ, к товушлари ҳам келиши мумкин: тағқа, лекин бу ҳодиса, эски ўзбек тилида эски туркий тилда бўлганидай, қатъий қонуният эмас ва тағқа/таққа шакллари баравар ишлатилади.

Иккинчи томондан, қўшимчаларнинг бошида келган қ, к товушлари икки унли орасида ёки сонор ва жаранглилардан кейин жаранглилашмаслиги ҳам мумкин: данақа (БЛ,51а); уйқақ (БЛ,72а); салқай (БЛ,59б); хылалинка (БЛ,72а) – ҳилолига.

Ўғуз группа тил ва шеваларида сўз охиридаги ғ, г тор унлилардан кейин тушиб қолади. Кошғарий бу ҳодисага ҳам тадқиқотчилар диққатини жалб этади (МК,I,69). Ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар ўғуз кўринишида (охирги ғ, г тушиб қолган формада) етиб келган: қуйи (қиёс.: қуйуқ); сифат ясовчи =лығ/=лиг қўшимчасининг =ли га ўтиши.

Қипчоқ шеваларида сўз охиридаги ғ, г изчиллик билан в га ўтади. Бу ходиса ҳам ўзбек тилида анчагина тарқалган – бузав (С., 134р) – бузоқ. Жумладан, XI асрда сифатдош ва ҳаракат номи ясовчи =ғ (=г) =вғ[4] қўшимчаси =в =ув га ўтган: барығ (МК, I,63) – борув; йазығ ёзув. Жуда кўп ҳолатларда сўз охиридаги ғ, г нинг икки хил тараққиёт йўли – ҳозирги ўзбек тилида қ,к га ўтиши ва, қипчоқ шевалари таъсири остида =в (=ув) га ўтиши – сўз формалари ва маъноларини фарқлаш вазифасини ўтай бошлади:

чызығ → чизув (ҳаракат номи)
чызығ → чизиқ (от)

қышлағ → қишлов (ҳаракат номи)
қышлағ → қишлоқ (от, жой номи)

Қўшимчаларнинг бошида келган қ,к,ғ, г товушлари ўғуз группа тил ва шеваларида мунтазам равишда тушиб қолади – барған – баран; башымға – башима; барғунча – барынжа. Қўшимчаларнинг бу хил кўринишидан ўзбек классик поэзиясида жуда кенг фойдаланилган, чунки унли товуш билан бошланувчи қўшимчаларнинг ўғуз кўриниши ўзидан олдин келган ёпиқ (ва аруз қоидаси бўйича чўзиқ) бўғинни очиқ (аруз қоидаси бўйича қисқа ҳам, чўзиқ ҳам бўла оладиган) бўғинга айлантириш воситаси сифатида хизмат қилган.

Туркий тилларда х товушининг пайдо бўлиш масаласини кўриб ўтиш жараёнида бўғин ва сўз охиридаги к нинг сирғалиши натижасида х га ўтиши ҳақида гапириб ўтган эдик. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам, ўзбек шеваларида ҳам қ нинг х га ўтиш ҳоллари кўп учрайди – тоқта= (Лутфий) – тўхтамоқ; эхтик – экдик (Р., 266); тохсан, чыхты (Р., 276).

11= §. Маълумки, араб тили талаффузи ва ёзувида 2 хил т, 3 хил с, 4 хил з, 2 хил ҳ, чуқур ва саёз бўғиз портловчилари айн ва ҳамза товуш ва ҳарфлари бор, эски ўзбек ёзуви эса арабча сўзлар араб ёзувида қайсиси т, қайси з ва ҳ.к. билан ёзилса, туркий ёзувда ҳам шундай ёзишни талаб қилган. Ёзувда се, ҳои ҳутти, зол, сод, зод, то, зо, айн, ҳамза ҳарфлари ишлатилса ҳам, талаффузда улар фарқ қилинмаган ва бу товушлар эски ўзбек тилига ўзлаштирилмаган, айн ва ҳамзалар билан ифодаланувчи товушлар эски ўзбек тилида талаффуз этилмаса=да, шеъриятда портловчи ундош сифатида ҳисобга олинган, бу товушлар билан тугалланган сўзларга туркий қўшимчаларнинг ундошдан кейин келадиган кўриниши қўшилиб келган. Кейинги хусусият ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам сақланган: толе – толеим; матла – матлаи;

манба – манбаи. Лекин ҳозирги даврда бу хусусият аста-секин йўқолиб бормоқда: тамаим – тамам каби шакллар ёнма-ён ишлатилмоқда.

Қипчоқ группаси тилларида (айниқса, татар тилида) икки унли ва сўз бошида келган айн ва ҳамза изчиллик билан ғ, г товушлари орқали берилади: тот. Ғайша – "Ойша"; Ғалим – "Олим". Ўзбек тилининг айрим шеваларида ҳам бу ўриндаги айн ва ҳамза енгил ғ билан берилади: дуғо – "дуо"; соғат – "соат".

Ҳозирги ўзбек ёзувида ёпиқ бўғин ва ундошлардан кейин келиб тўсилган бўғин ҳосил қилувчи айн (ва баъзан ҳамза) ъ белгиси билан берилади ва талаффузда енгил портловчи қўшимча ундош товуш билан берилади: маълум; маъбуда; таъсир; таълим; масъул; машъум. Талаффузда ёпиқ бўғин ҳосил қилувчи ъ кўпинча туширилиб, ундан олдинги унли сал чўзиқроқ талаффуз этилади: малум; мабуда; талим, яъни кейинги чўзиқлик ҳосил бўлади.

Икки унли (бўғинлар чегарасида) ўртасида келган айн ва ҳамза ёзувда берилмайди, лекин ўзбек адабий тили талаффузи бу икки унли орасига қўшимча й товушини киритишга йўл қўймайди: табиат; саноат; қаноат; коинот.

12- §. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус тилидан ўзбек тилига кўплаб сўз ва терминлар кириб кела бошлайди. Рус тилининг ўзига хос ундошларидан бўлмиш ц ва щ эски ўзбек ёзувида турлича берилар эди. Сўз ва бўғин бошида келган ц ва щ,с ва ш билан, икки унли ўртасида келган ц – тс, щ эса шч билан берилган: рийаксийа (О.У., 198) – "реакция"; сэксийа (О.У., 313); рэвалутсийа (О.У., 195); сатсийал (О.У.,205); сирк (О.У., 215); памэшчик, йашчик (О.У., 98-99); извошчик О.У., 287).

Фақат битта сўз таркибида русча ц ўзбек тилида ч билан берилган – русча царь – чор (чор Россияси, чоризм – царизм).

1940 йилдан кейин рус алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига ўтилди, алфавитга ц ва щ ҳарфлари қабул қилинди[1] ва бу қоришиқ товушларнинг талаффузи ўзбек тилида ўзлашди.

13- §. Рус тилидаги ундошлардан й, ч, щ ундошлари ҳамиша юмшоқ, ш, ж, ц ундошлари ҳамиша қаттиқ бўлади. Қолган барча ундошларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, асосан, мустақил фонемаларни

---

[1]щ ҳарфи ўзбек алифбосидан кейин чиқарилди.

ташкил этади. Юмшоқ ундошлардан кейин сўз ва бўғин охирида ь, бўғин бошида ва ўртасида эса а, о, э, у, ы ҳарфлари ўрнида я, ё, ю, е, и ҳарфлари ёзилади: а, о, у, ы ва ъ олдин келган барча ундошлар қаттиқ бўлади. Русча=байналмилал сўзларнинг бу хил имлоси (сўз охирида ль ўрнида л ёзишдан ташқари) ўзбек имлосида тўлиқ сақланган, лекин талаффузда қаттиқ ва юмшоқ ундошларни фарқлаш ҳали мустаҳкам ўрнашмаган. Русча=байналмилал сўзлардаги ундошлар ўзбек нутқида оралиқ сифатида талаффуз этилади.

14= §. Эски туркий, айниқса, эски ўзбек тили ундошларини ҳозирги ўзбек тили ундошлари билан солиштириш шуни кўрсатадики, ўзбек тили тарихида ундошлар кескин сифат ўзгаришларига учрамаган. Ундошларга оид ўзгаришлар, асосан, янги ундошларни ўзлаштириш ва товуш алмашинишлари билан чегараланади, бу эса ўзбек тили тарихида ундошлар унлилардан кўра барқарор бўлган деб хулоса чиқаришга имкон беради.

ТОВУШ АЛМАШИНУВЛАРИ

1= §. Ўзаро қариндош тилларни (ёки турли давр тилларини) қиёслаганда, бир тилдаги маълум бир ўзакдаги товушларнинг иккинчи бир тилда бошқа товушлар билан алмашинишига товуш алмашиниши дейилади. Мас.: улдуз - йулдуз - жулдуз - йулдыз - йылтыз - йилтыр-жилътыр (Ср.гр., 303). Бу сўзда сўз бошидаги й, ж ва ноль товуш (товушнинг умуман йўқлиги, тушиб қолиши), у ва ы, д, т, р, з товушлари ўзаро алмашинган. Алмашиниш натижасида турли тиллар ёки турли давр тилида бир сўзнинг (ёки қўшимчанинг) турли фонетик кўринишлари ҳосил бўлади. Чунончи, юқорида келтирилган сўзнинг маъноси бор: "осмон жисми" - юлдуз, лекин фонетик кўринишлари турли тилларда турлича; бу фонетик кўринишлар сўзлардаги товушларнинг алмашиниши натижасида ҳосил бўлган.

Тилларaро товуш алмашинуви икки хил бўлади:

1) мунтазам товуш алмашинуви;

2) хусусий (қатъий қонуниятга бўйсунмаган) товуш алмашинуви.

Тилларaро мунтазам товуш алмашиниши товушларнинг мос келиш қонуни деб аталади.

Туркий, жумладан, ўзбек тили тарихида ҳам товуш алмаши-

нувининг ҳам ҳар иккала турини кўриш мумкин.

2- §. Мунтазам товуш алмашинуви деб бир тилдаги маълум бир ўриндаги товушнинг иккинчи бир тилда мунтазам равишда бошқа бир товушга мос келишига айтилади. Мунтазам товуш алмашинувлари маълум сўзлар доираси билан чекланмай, маълум товушнинг аниқ бир ўриндаги ҳолатига тегишлидир. Тилляраро товушларнинг мос келиши қонунининг намуналари билан "Унлилар ва уларнинг тараққиёти" бўлимида қисман танишиб ўтган эдик; 3- чизмада умумлаштирилган ҳозирги ўзбек, эски ўзбек ва эски туркий тиллардаги унли товушларнинг бир-бирига ўтиши товуш мос келишининг намуналаридандир. Мазкур чизма асосида бу тиллар орасида бир неча товуш мос келиши қонунларини кўришимиз мумкин. Чунончи:

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги товуши эски ўзбек ва эски туркий тилда а нинг бир фонетик кўринишига мос келади (тескари ҳукм, яъни "Эски туркий а ҳозирги ўзбек тилида о га ўтади", дейиш нотўғри);

2. Қадимги туркий э ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг биринчи бўғинида ўрта кенг ә га мос келади (тескари ҳукм: "Ўзбек тилидаги э қадимги туркий ә га мос келади", дейиш нотўғри, чунки ўзбек тилидаги ўрта кенг э қисман э дан, қисман эса й ва и дан келиб чиқади).

Шундай қонуниятларни ўзбек тилидаги и,у,ў,а товушлари учун ҳам очиш мумкин ва булар 3- чизмада яққол кўриниб турибди. Туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш асосида ундошларнинг тиллар ва тил группалари орасида мос келиши бўйича бир неча қонуниятлар очилган. Булардан айримлари билан (чунончи, эски туркий тилдаги тил-тиш ӟ нинг эски ўзбек тилида й га мос келиши, эски туркий тилда сўз охиридаги г,ғ нинг ҳозирги ўзбек адабий тилида жарангсиз к, қ га мос келиши кабилар билан) юқорида танишган эдик.

Ўзбек тили тарихи учун аҳамиятли бўлган ундошлар мос келишининг бошқа қонунларидан айримлари устида тўхталиб ўтамиз:

1. Қарлуқ ва қипчоқ группа тилларида сўз бошидаги жарангсиз т ва к товушларига ўғуз группа тилларида жарангли д, г товушлари мос келади: ўзб.: тош; кел-; озарб.: даш; гэл. Шунинг учун қарлуқ группасига кирувчи ўзбек тилида д товуши билан бошланувчи туркий сўзлар (тақлидий сўзлардан ташқари) санокли бўлиб, улар д ли кўринишда ўғуз шевалари таъсирида

кириб келган, уларнинг купчилиги эски туркий тилда т ли кўринишда учрайди: де= // те= (МК,Ш,285); дала - тала (ДТС,528); денгиз - теңиз (МК,Ш,374); дўнг - тоң (МК,Ш,368).

Шунга ўхшаш ҳозирги ўзбек адабий тилида г билан бошланувчи мустақил маьноли туркий сўзлар саноқли.

2. Қарлуқ группа тилларида сўз бошида келган й товушига қипчоқ группа тилларида ж товуши тўғри келади, ўғуз группа тилларида эса бу й тор унлилардан олдин ҳамиша, кенг унлилардан олдин кўпинча тушиб қолади: йьлан (МЛ,119) - қоз. жылан - турк. ыlан; ўзб. юлдуз - қоз. жулдус - озарб. улдус. Шундай қонуният мавжудлиги сабабли ҳозирги ва эски ўзбек тилларида ж билан бошланувчи туркий сўзлар жуда оз ва улар қипчоқ шеваларининг таьсири деб баҳоланиши мумкин: жав (ШН) -"ёв"; ўзб. жар (қиёс.: ёр=; йар (МК,Ш,150) - "жар, чуқур"); жун (қиёс.: юнг); жўна = (қиёс.: йўнал=).

Сўз бошида й товушли сўзларнинг бир қисми ҳозирги ўзбек тилида ўғуз кўринишида, яьни й товушсиз етиб келган -

Ҳозирги ўзбек тилида:	Ёдгорликлар тилида:
илон	йьлан (МК,Ш,36)
илиқ	йьлыг йьлы (МК,Ш,211)
илик	йилиг (МК,I,102)
узук	йүзүк (МК,Ш,26)

Эски ўзбек тилида ҳам сўз бошидаги й нинг тушиб қолишини тез-тез учратиш мумкин: илик (НИ,П,26); илдирим (МЛ,112); ут= (МЛ, 114) - "ютмоқ"; илтира= (НИ,П,31) - йилтирамоқ.

3. Қипчоқ группа тилларидаги сўз бошидаги м га ўғуз группа тилларида б товуши тўғри келади, қарлуқ группа тилларида ҳам м товуши кўпчиликни ташкил этади: ўзл.: мен; минг; мунг; мин=; турк. бэн; бин=; бин; бун; бин=. Эски ва ҳозирги ўзбек тилларида бир қатор сўзлар ўғуз кўринишида б товуши билан келган: бурун; қоз. мурун (қиёс.: Мурунтав); ушбу - ушму (БН, 276); мунун (ХШ); мунда (ХШ,136) - бунинг, бунда".

Қарлуқ, қипчоқ, ўғуз группа тилларида ундошларнинг мос келиши ҳақида юқорида санаб ўтилган ҳар учала қонуният ҳам туркий тилларда қадимги даврлардан бери мавжуд ва улар эски туркий адабий тил билан қипчоқ ва ўғуз шеваларига нисбатан XI асрдаёқ Маҳмуд Кошғарий томонидан қайд этилган ва эркин

мисоллар ёрдамида изоҳланган (МК,I,65-69).

Қарлуқ, қипчоқ, ўғуз қабила ва уруғлари узоқ замонлардан бери аралаш яшаганлари учун эски туркий тилда ҳам, эски ва ҳозирги ўзбек тилларида ҳам ҳар учала группа тиллари орасидаги товушларнинг мос келиши асосидаги ўзаро алмашинишини кўпми=озми учратиш мумкин.

3= §. Жузъий (онда=сонда учрайдиган) товуш алмашинувида қатъий бир қонуниятни топиш қийин. Мас., ўзбек тилидаги йиғламоқ феъли ўғуз тилларида ағла= шаклига эга. Агар ўғуз группа тилларида қарлуқ группа тилларидаги сўз бошидаги й нинг тушиб қолиши қатъий қонуният бўлса, и нинг а га мос келиши қонуният эмас, балки жузъий ҳодисадир. Шунинг учун жузъий товуш алмашинувини ўрганганда, товушлари тилараро алмашинадиган сўзак ва қўшимчаларнинг тўлиқ рўйхатини келтириш билан чегараланилади.

Ўзбек тили тарихида кенг тарқалган айрим жузъий товуш алмашинувлари устида тўхталиб ўтамиз:

I. Кенг ва тор унлиларнинг ўзаро алмашинуви. Бунда икки ҳолатни кўриш мумкин:

А. Ўзакда кенг ва тор унлиларнинг алмашинуви: йалын (МК,Ш, 383) - "яланг"; киби (Лутфий, 382) - "каби"; йығач (МК,Ш,15) - "ёғоч"; олға - қиёс.: ил=гари; асру (НИ,I,130) - усру (НИ,Ш,299); эсрук (МК,I,129) - ӯсрук (НИ,Ш,299) - маст; бәдүк (МК,П,366) - буюк; қарға=:(МК,Ш,304) - қырға= (МК,П,33) - қарғамоқ; өтүк (БД, 24б) - этик; өтмәк // этмәк (С., 30в) - нон; өбүк // эбүк (С.,93р) - хўрознинг тожиси; тушук (БД,50а), тәшук (С., 195р.)

Кенг ва тор унлиларнинг сўз ўзагида алмашинуви анча кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, фақат Қошғарийнинг "Девон"идагина 20 га яқин сўзда а - ы алмашинувини учратиш мумкин: бачыр (МК,I,352), бычғас (МС,I,427) вақда; чағыр (МК,I,343) - чығыр (МК,Ш,344); танча= (МК,Ш,318) - тынчы= (МК,Ш,318) - айнимоқ.

Б. Қўшимчалар таркибида кенг ва тор унлиларнинг алмашинуви: чиқиш келишиги шакли XI-XIV асрларда =тын^4 =дын^4 ва т =тан^2 =дан^2 билан ясалган: йавлақтан (МК,I,187) - ёмондан; аттын (МК,П,20) - отдан; ҳозирги замон равишдоши =а^2 =йа^2 ва =ы^4 =йы^4 қўшимчалари билан ясалади: кура көрдум (МК,Ш,238; улғазу (МК,П,311) - улғая; феълнинг ҳозирги=келаси замон шакли =ар^2 =ыр^4 қўшимчаси билан ясалади: ачар (МК,Ш,252); қавушур (МК,П,113); орттирма нисбат қўшимчалари =ар^2 =ыр^4 (көтәр= (МК,Ш,204) - кетказмоқ; батур=

(МК,П,76) – ботирмоқ), =ғар^4 ғур^4 (тк р=(МК,I,231) – ўткармоқ); =қаз^4 =ғыз^4 (ўтказмоқ; тиргизмоқ) кўринишларда, яъни кенг унли билан ҳам (=ар; =ғар; =қаз), тор унли билан ҳам (=ыр; =ғур; =қыз) кела олади.

Туркий тиллар тарихининг тадқиқотчилари феъллардан от ва сифат ясовчи =ақ^2 ва =ық (=ығ^4), =ғын^8 ва =ған^4 сифатдош қўшимчасини, =ған^4 сифатдош қўшимчаси ва =ғунча равишдоши таркибидаги =ғун^2 ни тарихан бир деб тахмин қилдилар. Умуман, унлидан иборат бўлган ёки унлиси икки ундош орасида келган қўшимчаларнинг барчасида кенг ва тор унлиларнинг алмашинувини кўриш мумкин (Мас., жуда кенг қўлланадиган =дир (=тир) орттирма нисбат қўшимчаси "оғдармоқ" феълида =дар тарзида қўлланади).

Туркий тилларда кенг ва тор унлиларнинг ўзаро алмашинуви масаласида хилма=хил ва қарама=қарши фикрлар баён қилинган, лекин бу масала ҳали узил=кесил ҳал этилмаган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг тахминича, жуда қадимги даврларда туркий тиллар ва шевалар кенг унлили ва тор унлиларга бўлинган. Энг қадимги шеваларнинг ўзаро аралашуви натижасида ўзак ва қўшимчаларда кенг ва тор унлиларнинг жузъий алмашинуви ҳодисаси рўй берган. Бу фикрни, қисман, ҳозирги туркий тилларнинг маълумотлари ҳам, қадимги тадқиқотчилар ҳам тасдиқлайдилар. Жумлардан, ҳозирги қипчоқ (татар, қозоқ, қорақалпоқ ва б.) группа тилларида умумтуркий кенг ә сўзнинг биринчи бўғинида тор и га ўтади: мән – мин; бәш – бис. Маҳмуд Кошғарий эса эски ўғуз шеваларидан бири ҳақида шундай ёзади: "(Ўтган замон феълини ясашда) турклар д ҳарфини касра қилиб бардым дейдилар. Бу қоидага (адабий тилга – Ҳ.Н.) мувофиқдир. Ўғуз ва бошқалар д ни фатҳа қилиб бардам дейдилар; бу қоидага тескаридир... арғулар бардум, кәлдум дейдилар" (МК,Ш,153).

Бу ҳодисанинг сабаби нима бўлмасин, туркий, жумладан, ўзбек тили тарихида ўзак ва қўшимчалар таркибида кенг ва тор унлиларнинг ўзаро алмашинуви кенг тарқалган ҳодиса эканлигини қайд этмаслик мумкин эмас.

4= §. й – н ундошларининг алмашинуви сўзнинг охири ва баъзан ўртасида саноқли сўзлар таркибида учрайди. Қадимги туркий тилда бўлган ўта юмшоқ нь товуши бўғин охирида баъзан н га, баъзан й га ўтади: чыған (МК,I,67) – чығай (НИ,Ш,442); й – н алмашинуви қолдиқлари ҳозирги ўзбек тилида қай сўроқ олмоши

икки шаклда: кай ва қан шаклларида оақланган – қайои, қай бири; лекин, қандай, қанча.

5= §. р – з, р – ӟ алмашинуви ўзак ва қўшимчалар таркибида учрайди. Умумтуркий з нинг р га ўтиши чуваш тили учун мунтазам қонуниятдир. Ўзбек тили учун эоа бу ҳодиоа жузъий ҳиообланади: тэгүр= (МК,П,88) – тегизмоқ ; ўткармоқ – ўтказмоқ; биткизмоқ – биткармоқ; чиқазмоқ – чиқармоқ; қутқармоқ – қутқазмоқ; еткармоқ – етказмоқ.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам, эски ўзбек ва эоки туркий тилларида ҳам =ар =вр[4] қўшимчаси билан ясаладиган замон шаклининг бўлишсиз формаси =маз[2] =мас[2] билан ясалади: келар=келмас (келмар ўрнида. Қиёс. озарб. гелмэр – келмайди).

р – ӟ алмашинуви фақат от ва оифатлардан феъл яоовчи =ар[2] =аӟ[2] =ай[2] таркибида учрайди: қарар= (МК,П,81) – қораймоқ; сарғар= (МК,П,218) – оарғаймоқ; эрэӟ= (МК,П,214) – вояга етмоқ.

6= §. ч – с – ш алмашинуви, аоооан, оўз ўзагида учрайди. Бунда ш товуши кўпинча қарлуқ группа тилларига хоо бўлиб, с, ч товушлари қипчоқ группаларига хоо – оүчик (МК,I,387) – чучук; оиз= (БЛ, 62а) – чизмоқ. с – ч алмашинуви ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам кенг тарқалган: ооч – чэч – чэч; оочмоқ-чэчмэк (Р., 246); супурги – шипирги (Р., 246).

7= §. Ундошларнинг бу типдаги товуш алмашинувлари ўзбек тили тарихида жуда кўп турларда учрайди. Ҳозирги ўзбек шеваларида учрайдиган ва В.В.Решетовнинг "Узбекокий язык. Чаоть I. Введение. Фонетика (Тошкент, 1959)", В.В.Решетов ва Ш.Шоабдураҳмановларнинг "Ўзбек диалектологияси" китобларида қайд этилган деярли барча товуш алмашинувларини эски ёзма ёдгорликларда ҳам учратиш мумкин. Ҳозирги шевалардаги бу товуш алмашинувлари турли фонетик ҳодиоалар, қадимги даврлардаги тиллар ва шевалараро мунтазам товуш моо келиш қонуниятларининг таъоири бўлиб, шева ва тиллар аралашиб кетганлиги оабабли турли шева хуоуоиятлари аралаш ҳолда қўлланила бошлаган.

ЎЗАК ВА БЎҒИННИНГ ФОНЕТИК ҚУРИЛИШИ

1= §. Туркийшуносликда узоқ вақтлар давомида туркий ўзак ва қўшимчалар уч товушли бўлиб, туоилган ва ёпиқ бўғинли, яъни СГС ("ундош (согласный) + унли (гласный) + ундош (согласный") тарзида тузилган деган тахмин ҳукмрон бўлиб келди.

Лекин совет туркийшуносларининг кейинги даврларда олиб борган чуқур этимологик изланишлари бу фикрнинг қанчалик асосли эмаслигини кўрсатди. Энг қадимги туркий ўзак ва қўшимчалар бир унли товушдан (яъни Г структурали), унли+ундошдан, ундош+унлидан, ундош+унли+ундошдан ва, ниҳоят, ундош+унли+ундош+ундошдан (СГСС) иборат бўла олиши ёрқин далиллар билан исботланди.

Тарихий изланишлар шуни кўрсатдики, энг қадимги туркий ўзакларнинг кўпчилиги Г, ГС, СГ қурилишига эга ва СГС, СГСС, ГСС қурилишли ўзаклар жуда оз. ГСС ва СГСС типидаги ўзакларда охиридан иккинчи ундош ўрнида, асосан, р, баъзан бошқа сонорлар, сирғалувчилар кела олади: [illegible] – ўйламоқ; өг – ақл; тә – демоқ; орт – олов, қол, таш, қврқ, уст, аст, анд. Лекин энг қадимги ёзма ёдгорликларда қайд этилган даврдан ҳозирги кунгача туркий туб сўзлар кўпинча СГС қурилишига эга: ўзб.: кўл, кўп, кўз, бош, юк, бир, беш ва ҳ. СГС қурилишли ҳозирги тил нуқтаи назаридан туб деб ҳисоблаш бу сўзларнинг тарихий жиҳатдан бўлинмаслигига далил бўла олмайди. СГС қурилишли ўзакларда кўпгина ҳолатларда охирги ундош тарихан морфологик элемент ҳисобланади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида синмоқ, боғламоқ, сон сўзларининг ўзаклари син, боғ, сон бўлиб, булар туб саналади. Лекин тарихий нуқтаи назардан уларни туб деб бўлмайди. Чунки син сўзининг ўзаги – сы (МК,I,266) – "синдирмоқ", боғ сўзининг ўзаги ба (МК,Ш,265) – "боғламоқ" сон сўзининг ўзаги эса са (МК,Ш,265) – "санамоқ" бўлиб: син, боғ, сон сўзларидаги охирги ундошлар тарихан морфологик элементлардир (=н – ўзлик=мажҳуллик, =ғ ва =н эса феъллардан от ясовчи қўшимча). Бу қўшимчалар қадимги ўзак таркибига сингиб (соддаланиб), унинг билан яхлит бир бутунликни, янги ўзакни ҳосил этган. Янги ўзакда қадимги ўзакнинг фонетик қурилиши ҳам ўзгарган.

Юқорида ўзак (туб сўз) сифатида кўрсатилган уст, аст сўзларини ўз таркибида қадимги ўрин=жуналиш қўшимчаси =ра ни олган узра ва асра сўзлари билан солиштирсак, уст, аст сўзларининг қадимги ўзаги ус, ас эканлигини билиш қийин эмас, демак, уст, аст сўзларидаги иккинчи ундош т бирор морфологик кўрсаткич бўлиб чиқади. Соддаланиш натижасида ГС қурилишли ўзак ГСС қурилишига айланади.

"Ўзак + қўшимча" таркибли сўз формалари ёки ясама сўз-

ларда ўзак билан қўшимча орасидаги чегара йўқолиб, уларнинг бир бутунликни, яхлит бир янги ўзакни ҳосил қилиши морфологик соддалашиш дейилади. Туркий тиллар тарихида ўзакнинг фонетик қурилишини кескин ўзгартирган ҳодиса товуш ҳодисалари бўлмай, морфологик соддалашиш ҳодисаси бўлди. Соддалашиш натижасида сўз ўзагининг тузилиши кескин ўзгарди. Шунинг учун кўпгина СГС, ГСС, СГСС ва ҳ. қурилишли ўзакларда иккинчи, учинчи ундошлар тарихан морфологик кўрсаткич бўлиши мумкин.

2- §. Араб, форс сўзлари эски туркий тилга кўплаб кириб келган бўлса-да, ўзак тузилишини батамом ўзгартира олмади, чунки араб ва форс тилларида ҳам бўғин бошида ундошлар тизмаси келавермайди. Лекин СГСС қурилишли кўплаб форсча сўзларнинг кириб келиши туркий СГСС қурилишли бўғинларда сифат ўзгаришига имкон берди. Туркий СГСС қурилишли бўғинларда охиридан иккинчи ундош сонор (асосан, р, л, н) ва сирғалувчи с бўлса, форсча сўзларда бу ҳолатда х,ҳ,ш,ф товушлари ҳам кела бошлади: бахр, бахт, сиришк, кўшк, муфт. Эски туркий тилда ва, айниқса, эски ўзбек тилида СГСС типидаги бўғинларда охиридан иккинчи ундош ўрнида портловчи ундош келишига форс тили эмас (чунки форс тилида ҳам бу типдаги бўғин жуда оз ва, асосан, бр тизмаси учрайди: бабр; абр), балки араб тили таъсир этди. Қизиғи шундаки, араб тилининг ўзида на бўғин бошида, на бўғин охирида ундошлар тизмаси кела олади, лекин арабча қадрун, сабрун, нақдун, набзун, рақсун, таблун каби сўзлардан -ун бош келишик қўшимчаси олиб ташлангач, эски туркий ва эски ўзбек тилида СГСС қурилиш ҳосил бўлади ва шундай ўзлашади. Бўғин охирида "портловчи + сирғалувчи" тизмаси туркий тилларга хос эмаслиги сабабли бу икки ундош орасига кўпинча киритма тор унли қўйилган: сабур (МН,296 б); шукур (АШ,П,95). Ҳозирги ўзбекча талаффузда қадър, сабър, рақъс, шукур каби шакллар учраши ҳам шу ҳодиса билан боғлиқ.

[illegible] сўзларда бўғин охирида нафақат "портловчи + сирғалувчи", балки "портловчи + портловчи" ундошлар тизмаси – қўш ундошлар (геминантлар) ҳам кела олади. Эски ўзбек ёзувида қўш [illegible] ёзувда битта ундош билан берилганлиги сабабли, [illegible] ўз аксини топмайди ва фақат бўғиннинг қисқалиги- [illegible] аниқланади. [illegible] қўш ундош билан тугаган бўғин[illegible] [illegible] бошланувчи бошқа қўшимча қўшилганда, қўш

ундош тикланади: хуб – мухаббат – хуб=бул=ватан – ватан ишқи; хак – хак=қунноо – киши ҳақи; раб – раббана.

3= §. Русча оўзлар бўғин тузилишининг туркий, арабча, форсча=тожикча оўзлар бўғин қурилишидан кеокин фарқи уларнинг бўғин бошида ундошлар тизмаси келиб, ССГ, ССГС қурилишли бўғин ҳоoил қила олади. Бу типдаги бўғин туркий тиллар учун хос бўлмаганлиги оабабли XIX аорнинг иккинчи ярмидан XX аорнинг 30= йилларигача ССГ, ССГС қурилишли бўғинларнинг бошида илофа (протетик) и, у ёки икки ундош орасида киритма (эпентетик) и, у, а унлилари пайдо бўлар эди. Натижада ССГС ва ССГ туридаги бўғин ГС=СГС ёки СГ=СГ каби икки бўғинга ажралар эди. Бу ҳодиса эски ўзбек ёзувида нашр этиладиган газета ва журналларда изчиллик билан акс эттирилган: исписка; устал; исшот (счет); оуруқ (орок); оиниф (барча миоолар О.У. дан). Бу ҳодиса айрим оўзларда ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланган – каравот (кровать).

XX аср бошларида газета ва журналларда русча сўзларни "тўғри" ёзишга (араб графикаси бера оладиган имкониятлар доирасида, албатта) интилиш бошланади – пракурор, прафисур; брилиант; скрипка (О. У., 202–203). Лекин "тўғри ёзиш" талаффузга, айниқса, рус тилини билувчилар сони саноқли бўлган ҳолатда қандай таъсир этганлиги ҳақида маълум бир хулоса чиқариш қийин[1] ССГ, ССГС туридаги ўзаклар ва бўғинларни ўзбек адабий нутқида илова ва киритма унлилароиз талаффуз этиш 40= йилларда қоида сифатида қабул қилинди ва ҳозирги кунда улар ўзбек адабий талаффузида ўзлашди деб айтиш мумкин.

4= §. Сўзни бўғинларга ажратишда туркий тилларда умумий қонуният мавжуд – оўзнинг морфологик бўлиниш хусусиятларига қарамай, кўп бўғинли сўзларда иккинчи ва ундан кейинги бўғинлар тўсилган бўлиши керак. Шунинг учун ГССГ, СГ СГ, СГСГС ва х. каби кўпбўғинли оўзлар ГС=СГ, СГ=СГ, СГ=СГС каби бўғинларга ажратилади – китоб; ои=нил; ко=нул.

Маълумки, эски ўзбек адабиётида аруз вазнидаги шеърият муҳим ва авж олган. Аруз вазни учун эоа сўзнинг эмас, рукн

---

[1] Ҳамзанинг "Мухторият ёки автономия" драмасида (1917–18 йиллар) муллалар нутқида рус сўзларининг ишлатилиши, уларнинг фонетик кўриниши ҳозирги ўқувчини кулдирмай қўймайди – селкетар /серкетар (секретарь); фрасатилий (председатель); раслупка (республика).

(аруз вазни баҳрларининг бир такти)нинг ҳижо ажралиши аҳамиятли эди; бунда баъзан бир ёки икки ундош билан тугаган олдинги сўзнинг ундоши бўғин ажратишда ундан кейин келган ва унли билан бошланган иккинчи сўз таркибига ўтиб кетади ва вазн яхлитлиги таъминланади.

Рамал баҳрининг мусаммани маҳфуз турида Алишер Навоий "Мезонул-авзон"да келтирган мисолни рукн ва ҳижоларга ажратамиз (рукнлар), бўғинлар чизиқча билан ажратилади). Вазн ўлчови:

Фо-ъи-ло-тун фо-ъи-ло-тун фо-ъи-ло-тун фо-ъи-лун:
Да̄в-ла-тӣ-ва̄с лӣл-тй-ма̄-ой нә-хў-ка̄-йат дӯр мә-ңә

Бу мисрада васл сўзининг бир қисми биринчи рукнда, иккинчи қисми иккинчи рукндадир, чунки васл сўзидаги л ни бу рукнда қолдириш бўғиннинг ўзгаришига олиб келади, вазн ҳижо чўзиқ унлили очиқ ёки қисқа унлили ёпиқ бўлишини, лекин икки ундош билан тугамаслигини талаб қилади. Шунинг учун васл сўзидаги л ҳеч қандай қийинчиликсиз иккинчи рукнга кўчирилади.

Худди шундай охирги рукнда (дур-мә-ңә) дур ва нга̄ даги унлилар чўзиқ талаффуз этилиши керак, мә эса қисқа (яъни, албатта, очиқ бўғин) бўлиши керак. Шунинг учун морфологик бўлиниш мән-гә бўлишига қарамай, н нинг туркий тилларда бир ундош бўла олиши асосида мәңә мә-нә каби бир қисқа ва бир чўзиқ бўғинга ажратилади. Хозирги ўзбек ёзувида бу байт охирини "ма-нга" сифатида қисқа а ва чўзиқ а билан бериш ҳам вазн талаблари билан белгиланади. Шунинг учун аруз нафақат унли товушларнинг чўзиқ ва қисқа талаффузига, балки сўзларни бўғинларга ажратишда ҳам катта таъсир кўрсатади.

5-§. Ўзбек тили тарихида ўзак ва бўғин фонетик қурилишининг тараққиёти билан танишиб чиққач, қисқача хулоса қилиб айта оламизки, ўзбек тилида ўзак ва бўғиннинг фонетик қурилишидаги кескин ўзгаришлар, асосан, туркий тилларнинг ички қонуниятлари - морфологик соддалашиш билан боғлиқ. Арабча-форсча сўзлар ўзбек тилидаги мавжуд бўғин типларига батамом янги нав қўшмай, туркий тилда мавжуд бўлган имкониятларни кенгайтирди. Лекин русча-байналмилал сўзларнинг батамом ўзлашиб кетиши янги бўғин тури - ундошлар тизмаси билан бошланган бўғинни ўзбек тилига олиб келди.

УРҒУ

I= §. Эски туркий ва эски ўзбек тилида сўз урғуси ҳақида фикр юритиш жуда мураккаб масала, чунки ҳозирги кунда тадқиқотчилар қўлида талаффузни аниқ миқдорий кўрсаткичлар билан тасвирлаб берувчи мукаммал асбоблар бўлгани ҳолда туркий тилларда сўз урғусининг табиати, ўрни, урғули бўғиннинг урғусиз бўғинлардан фарқи ҳақида қарама-қарши, фикрлар баён этилмоқда. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида урғуни асбоблар кўрсаткичи асосида ўрганган икки тадқиқотчи - ўзбек тилшуноси А.Маҳмудов билан америкалик тилшунос олима А.Ф.Шубергнинг бу масала юзасидан хулосалари бир-биридан анча фарқ қилади[2]. А.Маҳмудов ўзбек тилида кўп бўғинли сўзларда бир бош (сўзнинг охирги бўғинида) ва бир ёрдамчи урғу (сўзнинг биринчи бўғинида) бор деган хулосага келган бўлса, А.Ф.Шуберг феълларда бир бош урғу ва учтагача ёрдамчи урғу бўлиши, бош урғунинг ўрни аниқэмаслиги ҳақида ёзади. Ҳамма учун маълум бўлган тилдаги урғу ҳақида шундай қарама-қарши фикрлар мавжуд экан, ҳеч ким эшитмаган ва талаффузи ҳеч қаерда аниқ ёзиб олинмаган эски туркий ва эски ўзбек тилларида урғу масаласи ҳақида фикр юритиш қанчалик қийин эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари, тарихий фонетикани ўрганишда маълум миқдорда аниқ маълумот берувчи икки асосий манба - ўрта аср филологлари ва шеърият ҳам урғу тарихини ёритишда ёрдам беролмайди; ўрта аср тилшунослари урғу тўғрисида лом-мим демайдилар, классик шеъриятимизда эса урғунинг аҳамияти умуман йўқ эди ва ҳал қилувчи ролни унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги билан боғлиқ бўлган бўғинларнинг очиқ-ёпиқлиги ўйнар эди. Шунинг учун ўрта аср филологлари бу ҳодиса (урғу)га эътибор беришмаган. Иккинчи томондан, туркий тилларда урғули ва урғусиз бўғинлар ҳинд-европа тилларида бўлгандек, бир-бирига кескин қарама-қарши қўйилмаган, урғули ва урғусиз бўғиндаги унлиларнинг талаффузи бир-биридан кўп фарқ этмаган, шунинг учун ўтган асрлардаги олимларимиз бу ҳодисага эътибор бермаганлар. Лекин урғу сўзнинг фонетик қурилишига таъсир этмай қолмайди; сўздаги айрим фонетик ўзгаришлар эски туркий ва эски ўзбек тилларида

---

[1]Бу фикрларнинг батафсил таҳлили "Сравнительная грамматика тюркских языков. Фонетика. М., 1984" китобида берилган.

[2]. А.Маҳмудов. Словесное ударение в узбекском языке. Ташкент, 1960.

урғунинг табиати ва ўрни масаласида айрим хулосалар чиқаришга имкон беради.

Сўзда рўй бериб турадиган фонетик ўзгаришлар, жумладан, унлилар қисқариши ва тушиб қолиши эски туркий ва эски ўзбек тилларида кўп бўғинли сўзларда икки хил – бир бош ва бир ёрдамчи урғу бўлган деб тахмин этишга имкон беради. Бош урғу сўзнинг охирги бўғинларида, ёрдамчи урғу эса биринчи бўғинда бўлган.

Иккинчи томондан, урғули ва урғусиз бўғиндаги унлилар ўзларининг сифати билан эмас, миқдорий кўрсаткичлари билан фарқланган бўлса керак. Шунинг учун уч бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғинида тор (ы, и. у) унлилар келса, улар кўпинча қисқариб тушиб қолади. Ўтган асрнинг охирларида рус туркшунослигининг отаси академик В.В.Радлов томонидан туркий тилларда урғу масаласига оид очилган бу қонуният ўзбек тили тарихига ҳам тааллуқлидир: йақшы > йахшы: йаньлыш > йанлыш: кулун+а > қулна (МК,Ш,101) – "қулунламоқ", ойун+а > ойна= (МК,П,128); сарығ+ар > саргар=; увуш+а > увша= (МК,I,262) – "ушатмоқ".

2= §. Форсча=тожикча сўзларда урғу, асосан, сўзнинг охирги бўғинида бўлиши, урғули ва урғусиз бўғинларда унлилар орасида талаффуз фарқлари йўқлиги билан туркий сўзлардаги урғу билан бирлашади, лекин кўп бўғинли арабча сўзларда урғу сўзнинг охиридан учинчи бўғинида бўлади (Маҳаммадун) ва урғули бўғин урғусиздан ўз кучи билан кескин фарқланади. Арабча сўзларнинг бу хусусияти на эски туркий ва на эски ўзбек тилига ўхлашди. Кўп бўғинли сўзларда урғу охирги бўғинга кўчади; арабча сўзлар туркий тилнинг умумий қонуниятига бўйсунди. Бунга, албатта, кўп арабча сўзлар китобий (ёзма нутқ асосида) йўл билан ўзбек тилига кириб келганлиги ҳам маълум роль ўйнади.

3= §. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилига русча= байналмилал сўзлар кириб кела бошлади. Маълумки, рус тилида урғунинг сўзда қатъий белгиланган ўрни йўқ ва урғули ҳамда урғусиз бўғинлардаги унлилар чўзиқ=қисқалиги билангина эмас, сифати билан ҳам бир=биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун русча сўзда урғу алоҳида аҳамиятга эга. О.Усмонов ва Ш.Ҳамидовлар томонидан тўпланган ва "Ўзбек лексикаси тарихидан" номи остида нашр этилган китобда (Тошкент, 1981) XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 20= йилларигача бўлган давр ичида ўзбек матбуотида учрайдиган 3000 га яқин рус тилидан кирган сўзлар тўпланган ва изоҳланган. Китобда келтирилган сўзларнинг ёзилишини диққат би-

лан ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпгина сўзларнинг эски ўзбек ёзувида берилиши бу сўзларнинг русча талаффузига яқин. Бу – ўзбек тилига рус тилидан сўзлар асосан, сўзлашув тили орқали кириб келганлигидан далолат беради. Сўзлашув тили орқали кириб келган сўзларда эса манба тилининг урғуси ўз ўрнида сақланади. Шунинг учун урғули бўғиндаги русча о вов ёки алиф билан, урғусиз бўғиндаги русча о эса кўпинча ҳойи ҳавваз билан (яъни а сифатида) берилади: سوده сода; شاشّه – шос-(с) е; سبار – собор; سلدت – солдат.

Ўзбек тилида русча-байналмилал сўзларнинг кўплаб кириб келиши, русча-байналмилал сўзлар имлоси ва талаффузнинг бир хиллаштирилиши рус тилидан кириб келган сўзларнинг манба тили урғуси билан ўзлашишига имкон берди. Бундан ташқари, -ик билан тугалланадиган русча-байналмилал сўзлардаги шахс оти ва нисбий сифат шакл урғу воситасида бартараф этиладиган бўлди; шахс отларида урғу -ик қўшимчасидан олдинги бўғинга, нисбий сифатларда эса -ик қўшимчасига тушади: хи́мик (от), хими́к (сифат). Русча сўзлардаги урғунинг ўзбек тилида ўзлашиши ўзбек тилидаги урғунинг сифат ўзгаришларидан далолат беради ва ўзбек тили имкониятларини кенгайтиради.

ФОНЕТИК ҲОДИСАЛАР

1- §. Юқорида бир қанча фонетик ҳодиса ва қонуниятлар, уларнинг сабаб ва натижалари билан танишиб ўтдик. Энди нутқ жараёнида товушларнинг бир-бирига таъсири ва сўзда тутган ўрнига кўра (комбинатор ва позицион) ўзгаришларини кўриб чиқамиз.

Нутқ жараёнида товушларнинг бир-бирига таъсири, четдан олинган сўзларни шу тил қонунларига мослаштириш, урғу, сўзларнинг ёнма-ён келишида сўз ёки қўшимчанинг фонетик қурилишида рўй берадиган ўзгариш комбинатор-позицион ўзгариш дейилади. Бундай фонетик ўзгаришларнинг жуда кўп тури мавжуд: сингиш (ассимиляция), мослашиш (аккомодация), фарқланиш (диссимиляция), иловаланиш (протеза), киритма (эпентеза), сиқиқланиш (синкопа), қўшиш (эпитеза), тежалиш (апокопа), қисқариш (редукция), тушиш (элизия), чўзилиш (диареза), бўғин тушиши (гаплология), ўрин алмаштириш (метатеза), қўшоқланиш (геминация) ва бошқалар шулар жумласидандир.

2= §. Сингиш – сўздаги товушлардан бирининг иккинчисини ўзига мослаштириши – ўзбек тили тарихида кенг тарқалган фонетик ҳодисалардандир. Ўзбек тили тарихида муҳим ўрин тутган унли ва ундошлар уйғунлиги ҳам сингишнинг бир туридир: қолумда; ататты – от бўлди; кэтти ва ҳ. кэтти, қолумда сўзларида орқага йўналган сингишни кўрсак, ататты сўзида олдинга йўналган сингишни кўрамиз. кэтти, ататты сўзларидаги д > т; ӟ > т ёнма=ён келган товушлар сингиши бўлса, қолум сўзидаги унлилар уйғунлигида бир=бириддан бошқа товушлар билан ажратилган товушларнинг ўзаро таъсири – ажратилган сингишини кўрамиз. Ўзакдаги лабланган, қаттиқ о эгалик қўшимчасидан л товуши билан ажратилган ҳолда, бу қўшимчадаги унлини лабланганлик ва қаттиқлик жиҳатларидан ўзига мослаштиради.

Сингиш ҳодисаси товушлар уйғунлигидан бошқа ҳолларда ҳам учрайди: туфрақ – тупрақ (титроқ, сирғалувчи р портловчи п ни сирғалувчи ф га айлантиради). Кўпчилик тадқиқотчилар тахминига кўра бунда, бэн, бин каби сўзларда б товушининг сонор м га ўтиши ҳам ажратилган сингиш натижаси бўлиб, портловчи б сонор н таъсири остида сонор портловчи м га ўтган.

Сингишнинг тўлиқ ва мунтазам турини эски ўзбек тилида кенг тарқалган арабча изофали бирикмаларда учратамиз.

Араб тилидаги ундошлар иккига бўлинади – шамсий ва қамарий, т,с,д,з,р,ш,н ундошлари шамсий деб аталади ва бу товушлар билан бошланувчи сўзларга араб тилидаги аниқлик артикли ал= қўшилганда, ундаги л ўзидан кейинги ундошга тўла сингиб кетади: аш=шамс (ёзилиши: ал=шамс) – "қуёш"; ар=раҳмон (ёзилиши: ал=раҳмон). Араб изофасида иккинчи сўз ҳамиша аниқлик артикли билан келади. Шунинг учун арабча ёзилиши (эски ўзбек тилида ҳам) "ғараъибу ал=сиғар" бўлса ҳам, "ғараъибус=сиғар" деб ўқилади. Маълумки, эски ўзбек тилидаги атоқли отларнинг асосий кўпчилиги араб изофаси билан берилади ва уларда сингиш кенг учрайди: "Мажолис=ун=нафоис", "Наводир=уш=шабоб". "Равзат=ус=сафо", Абдураҳмон, Абдузуҳур, Шамсуддин, Бадиъуззамон ва ҳ.

3= §. Мослашиш – ёнма=ён келган унли ва ундошларнинг бир=бирига таъсири, мослашуви ҳам эски туркий ва эски ўзбек тилларида кенг тарқалган алуб, бэруб каби сўз шаклларида товуш уйғунлигига хилоф равишда лабланган унлининг ишлатилиши лаб=лаб б товуши таъсирида содир бўлади. Шундай ҳодисани қишла –

қишлов; беза - безовчи; бити - битувчи сўзларида ҳам кўрамиз.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, сўзнинг охиридаги ғ нинг мунтазам равишда в га ўтиши ғ дан олдин келган лабланган унли таъсири остида содир бўлган: уғ>ув - майдаламоқ.

Мослашиш ҳам орқага йўналган (уғ > ув) ва олдинга йўналган (ишла - ишлов) турларда бўлади.

Арабча-форсча сўзларда бўғиз ундошлари айн, ҳамза ва ҳ дан олдин келган и нинг сал кенгайиб э га ўтиши ҳам мослашиш таъсири остида рўй берган - иълан > эълон; миҳман > меҳмон.

Мослашиш қатъий қонуният сифатида ундошларнинг қаттиқ-юмшоқлик уйғунлигида ҳам юзага чиқади - қаттиқ унлилар қаттиқ қ, ғ товушлари, юмшоқ унлилар юмшоқ к, г товушлари келишини талаб қилади.

5- §. Фарқланиш - ёнма-ён келган товушлар орасида талаффуз яқинлигининг йўқолиши ёки товушларнинг бир-биридан узоқлашиши: көнлэк > көйлэк; йалңуз > йалғуз.

Фарқланиш қатъий қонуният сифатида эски туркий тилда сўзнинг охиридаги жарангли ғ, г дан кейин қўшимча бошида жарангсиз қ,к келишида ўз аксини топади: сағқай (МК,П,69) - соққай; тағқа.

Ҳозирги ўзбек тилида эски ўзбек тилидаги лаб уйғунлиги кўнгул, ўлук, бўлум каби сўзларда мунтазам равишда лаб уйғунлигининг бузилиши ва уларнинг кўнгил, ўлик, бўлим тарзида адабий тилимизга кириб келиши ҳам фарқланиш натижасидир.

Фарқланиш ҳодисасини ўзбек тили тарихида кўриб ўтилган портловчи қ нинг портловчи ундошдан олдин х га ўтишида ҳам кўрамиз: тоқта > - тўхтамоқ.

6- §. Иловаланиш - сўз бошида қўшимча унли ёки ундошнинг пайдо бўлиши - қонуният сифатида тор унли билан бошланувчи сўзларнинг ўғуз, қарлуқ ва қипчоқ тилларидаги фонетик кўринишларида яққол намоён бўлади. Қарлуқ ва қипчоқ тиллар группасида ўғуз группа тилларига нисбатан илова й ёки җ орттирилади: ылан - йылан - жылан.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг бошларигача ССГ, ССПС курилишли бўғин билан бошланувчи русча сўзларда илова и; у нинг кенг тарқалганлигини кўриб ўтган эдик.

Туркий тилларда илова х товуши хам анча кенг таркалган: хата, хана (МК,I,68) – ота, она; ол (МК,I,83) – "хўл"; өкүз (МК,I,91) – хўкиз.

7= §. Киритма – сўз ўртасида унли ёки ундош товушнинг киритилиши – ГСС, СГСС ва б. курилишли бўгинларда ундошлар тизмасини бартараф килишда (сабур; синиф) ва унлилар катор келганда, кейинги бўгинни : тусиш максадида кенг учрайди. Кейинги ходиса катъий конуният сифатида унли билан бошланувчи истаган кўшимчанинг унли билан тугаган сўзга кўшганда, уларнинг орасида бир ундошнинг пайдо бўлишида кўринади – дэ+=йу (Хув.) – дея. Аксинча, ундош билан бошланувчи кўшимча ундош билан тугаган сўзга кўшилганда, ўзак ва кўшимча орасида бир унли орттирилади: атам, лекин баш=ьм.

8= §. Кўшиш сўз охирида ГСС курилишли бўгинларда бир унли орттириш билан ундошлар тизмасини бартараф этишда кўп учрайди: банк – банка; жандарм – жандарма.

9= §. Кискариш – унли товушларнинг кискариши эски туркий ва эски ўзбек тилларида араб ва форс тилларидан олинган чўзик унлили сузларда унлиларнинг ўз чўзиклигини йўкотишида конуният сифатида содир бўлади: андӣша > андиша; пӣша > пеша.

Классик адабиётимизда кискаришдан жуда кенг фойдаланилган; аруз коидасига кўра араб ва форсча сўзларда ёпик бўгинда чўзик унли келса, у ўта чўзик саналади, бир чўзик ва бир киска бўгинга тенг келади (таълӣм, тāъат, афтāб, маълӯм каби сўзларнинг иккинчи бўгини). Бундай сузлар охирига бир унли кўшиш билан (таълӣ=ми, афтā=бвм) ўта чўзик бўгин оддий чўзик бўгинга кискарган. Бундан ташкари, кўп бўгинли туркий сўзларнинг биринчи ва иккинчи бўгинларида келган тор унлилар туркий тилларда табиатан кискадир.

10= §. Тушиш – сўзнинг боши ёки охиридаги товушнинг тушиб колиши – эски ўзбек тилида кенг таркалган араб изофаларининг барчасида учрайди, чунки ал=аниклик артикли билан бошланувчи иккинчи сўздан а товуши талаффузда туширилади (ёзувда эса сакланади) – "Махбубул=кулуб" (ёзилиши: "махбубу=ал=кулуб"), "Гаройибус=сигар" (ёзилиши: "гароъибу=ал=сигар").

11= §. Сийкланиш – сўз ўртасидаги унлининг ўта кискариб тушиб колиши ва сўз уртасида бўгиннинг йўколиши – иккинчи унлиси тор унли бўлган икки бўгинли сўзларга унли билан бошланувчи кўшимча кўшилганда содир бўлади: йакшык > йахши; сиңи-

лим > сиңлим.

12= §. Чўзилиш ҳодисасини эски ўзбек тилида бир хил унлилар орасида келган й,г,ғ, в, х товушларининг тушиб қолиши ва унлининг чўзилишида кўриш мумкин – қӣн ∠ қвйын; бӣз ∠ бигиз; кӣз < кигиз; қāт < қават; кӣк < кийик. Туркий тиллардаги иккиламчи чўзиқлик чўзилиш натижасидир.

13= §. Тежалиш ҳодисасини эски туркий тилда г, ғ билан туғаган сўзларда бу товушларнинг тушиб қолишида кўриш мумкин – қуйы ∠ қуйуқ. Ҳозирги ўзбек тилидаги куёв (кӱзәгӱ), иков (икәгӱн) (ҚБ, 636); учов (ӱчәгӱ (ҚБ,69); келади ∠ келадир; ёв < йағы каби сўзлар ва формалар ҳам тежалиш натижасида ҳосил бўлган.

14= §. Бўғин тушиш ҳодисасини – турур кесимлик қўшимчасида бир ур элементининг тушиб қолишида учратамиз: турур > тур.

15= §. Ўрин алмашиниш ўзбек тили тарихида анча сийракдир: буғдай (МК,Ш,258) – буғдой; өгрэн= > ўрган=; йағмур; йамғур.

16= §. Қўшоқланиш – ундошларнинг чўзилиши, иккиланиши ҳодисасини фонетик ўзгаришлар сирасида кўриб чиқиш ўта шартлидир. Лекин бу ходиса фақат икки унли орасидаги якка ундошда содир бўла олиши билан фонетик ўзгаришларга ўхшайди. Қўшоқланиш, асосан, икки унли орасида келган қ,к,т,л товушларида ва фақат 2,7,8,9,30,50 саноқ сонларини номлашда содир бўлади. Бу сонларни бир ундош билан ҳам, иккиланган ундош билан ҳам талаффуз этиш мумкин бўлган.

Саноқ сонлар номидаги бу хил қўшоқланиш сабаблари ҳалигача очилмаган. Лекин катта, латта, якка, ялла, чакки, укки каби сўзлардаги иккинчи т, л, к лар тарихан морфологик кўрсаткич бўлиб, улардаги қўшоқланиш сингиш натижасидир деган фикр мавжуд.

17= §. Ўзбек тили тарихий фонетикасида кўриш мумкин бўлган фонетик ўзгаришлар юқорида санаб ўтилганлар билан чекланмайди, албатта. Биз юқорида кўриб ўтган фонетик ҳодисалар эски туркий ва эски ўзбек тилларида қатъий қонуниятлар сифатида содир бўладиган ўзгаришлардир ва улар ҳозирги ўзбек тилида сўз ва қўшимчаларнинг фонетик қурилиши ва қиёфасини, кўринишларини тарихан тушунтириб беришга хизмат қилади.

Янги атамалар луғати

Узоқ вақтлар давомида ўзбек тилшунослигида жуда кўп илмий тушунчалар рус тилидан тўппа-тўғри олинган атамалар билан номланиб келинди. Ўзбек миллий илмий атамачилигини ривожлантириш эса иккинчи даражали иш бўлиб қолди. Ушбу қўлланмада ўзбек тилшунослигида қўлланилиб келинган бир қатор байналмилал атамалар ўз тилимиз хазинаси дурдоналари билан алмаштирилди. Лекин бу янги атамалар ҳали синовдан ўтмаган, бинобарин, кенг жамоатчиликка етарли даражада тушунарли эмас. Шунинг учун қўлланмага янги атамалар ва уларнинг ўзбек тилшунослигида амалда бўлган байналмилал шакллари луғатини беришни лозим кўрдик.

байналмилал - интернационал; байналмилал сўз - интернационал сўз
бўлиниш - дивергенция
бўғин тушиш - гаплология
вазифа - функция
зид - оппозитив; зид бирликлар - оппозитив элементлар
зиддият - оппозиция, оппозитивлик; даражали зиддият - градуал оппозиция
илова товуш - протетик товуш
кўриниш - вариант; фонема кўриниши - фонема варианти; товуш уйғунлиги - кўриниши - сингармониотик вариант
киритма - эпентеза
моддий - материал, субстанциал, физик
мослашиш -аккомодация
мутаносиблик - симметрия
номутаносиблик - асимметрия
оралиқ - индифферент
сингиш - ассимиляция; олдинга йўналган сингиш - регрессив ассимиляция; кейинга (орқага)(йўналган сингиш - прогрессив ассимиляция
сирғалиш - спирантизация
сиқиқланиш - синкопа
талаффуз - артикуляция
тежамкорлик - экономия
тежалиш - апокопа
тишлараро - интердентал
тушиш - элизия

уйғунлик - гармония; товушлар уйғунлиги - сингармонизм; лаб уйғунлиги - лабиал гармония, танглай уйғунлиги - - палаталвеляр гармония, линвиал гармония; уйғунлик кўриниши - сингармонистик вариант

фарқланиш - диссимиляция

чўзилиш - диареза

шаклдошлик - омонимия; шаклдош сўз - омоним сўз

шевашунослик - диалектология

ўзгариш - товушларнинг ўзаро таъсир асосида ўзгариши - комбинатор ўзгаришлар.

ўрин алмашиниш - метатеза

қисқариш - редукция

қисқармоқ - редукцияланмоқ

қоришиш - конвергенция

қурилиш - структура; қурилиш бирлиги - структур элемент (бирлик)

қўшиш - эпитеза.

қўшоқланиш - геминация

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМА ВА МАНБА

АЗ – "Ат=тухфатуз=закия фил=луғат=ит=туркия – Э.И.Фазылов, М.Т.Зияева, Изысканный дар тюркскому языку". Ташкент, 1978.

АЗ I – Ат=тухфатуз=закия... С. Муталлибов нашрга тайёрлаган. Тошкент, 1968.

АЩ I – Щербак А.М., Грамматический очерк языка тюркских текстов X–XIII вв. из Восточного Туркестана. М.–Л., 1961.

АЩ II – Щербак А.М., Грамматика староузбекского языка. М.–Л. 1962.

АЩ III – Щербак А.М., Сравнительная фонетика тюркских языков, Л., 1970.

Б. – Бобур Заҳриддин, Танланган асарлар, Тошкент, 1958.

БЛ – Боровков А.К., Бадаъи=ул=луғат. Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Навои. М., 1961.

БН – Бобур Заҳриддин, Бобурнома. Тошкент, 1960.

Гул. – Гулханий, Зарбулмасал. Тошкент, 1960.

ДТС – Древнетюркский словарь. Л., 1969.

ЗМ – Исхоқов Ф.И., Гулханийнинг "Зарбулмасал" асари. Тошкент, 1976.

ИД – Навоий Алишер, Илк девон. Факсимил нашрни тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, 1968.

ИТ – Ҳакимхон ибн Саид, Интихоб=ут=таворих. ЎзФА ШИ инв. № 1560.

Лутфий – ЎА, I бўйича.

ЛТ – Навоий Алишер, Лисонут=тайр. Асарлар, X том.

М. – Малов С.Е., Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.

ММ – Мирзаев М.М., Ўзбек тилининг бухоро группа шевалари. Т., 1969.

Мат. – Матғозиев А., XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. Т., 1977.

Машраб – ЎА, III, бўйича.

МК – Кошғарий Махмуд, Девону луғотит турк. I, II, III томлар, Т., 1959,– 63.

МЛ – Навоий Алишер. "Муҳокаматул=луғатайн". Асарлар, том XIV.

МН — Хорезми, Мухаббат=наме. (А.Нажиб нашри). М., 1961.
Мужрим — Мужрим Обид, УА Ш бўйича.
НА — Навоий асарлари луғати. Т., 1972.
НИ — Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. I,П,Ш,IУ томлар. Т., 1982-84.
О.У. — Усмонов О., Хамидов Ш., Ўзбек лексикаси тарихидан. Т., 1981.
Огах. — Огахий, УА Ш бўйича.
Р. — Решетов В.В., Узбекский язык. Часть I. Введение. Фонетика. Ташкент, 1959.
РС — Мирхонд, Равзатус=сафо. ЎзФА ШИ инв. № 7305.
РШ — Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш., Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1978.
С. — Мирза Махдихон, Санглох. Ж. Клоссон нашри

Ср.гр. — Сравнительная грамматика тюркских языков. Фонетика. М., 1984.
ТТ — "Таржумон" XIУ аср ёзма обидаси. Т., 1980.
ТЯ — Языки народов СССР. том II. Тюркские языки. М., 1966.
Увайс. — Увайсий, УА Ш бўйича.
Узл. — Узлат, УА IУ бўйича.
ФА — Абдуллаев Ф.А., Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. Т., 1961.
Хам. — Навоий Алишер, Хамса. Порсо Шамсиев нашри. Т., 1961.
ХШ — Хусрав ва Ширин" Э.Фозилов, XIУ аср Хоразм ёдномалари. Тошкент, 1973.
ЧД — Хиромий, Чор дарвеш. Тошкент, 1960.
ШН — Мухаммад Салих, Шайбони=намэ. Посмертное издание. П.М. Мелиоранского под наблюдением А.Н.Самойловича. СПб., 1908.
ЭФ — Фазылов Э.И., Староузбекский язык. тома I-П, Т., 1966-68.

ЮА	– Амирий Юсуф, Банг ва Чагир мунозараси. Лондон қўл ёзмаси факсимили. (Э.Рустамов, Узбекская поэзия в первой половине ХУ в., М., 1963).
ЮЗ	– Дурбек, Юсуф ва Зулайҳо. ЎА,I бўйича.
ЎА	– Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тошкент, 1959–60.
ҚБ	– Юсуф хос Ҳожиб, Қутадғу билиг. Қ.Каримов нашри. Т., 1972.
Ҳамза	– Ҳамза Ҳакимзода. Мукаммал асарлар. П том. Т., 1980.
Ҳув.	– Ҳувайдо, ЎА Ш бўйича.
ҲС	– Навоий Алишер, Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Асарлар, ХIУ том.
ҲҲ	– Маҳмудов Қ., Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" асари ҳақида. Тошкент, 1972.

АДАБИЁТЛАР

В.И.Ленин, Тулик асарлар, т. 29

Энгельс Ф., Анти-Дюринг. Тошкент, 1957.

Абдуллаев Ф., ХУ аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. "Навоий ва адабий таъсир масалалари" тўплами, Тошкент, 1968, 238-257- бетлар.

Абдурахмонов Г., Ўзбек фонетикаси тарихидан, журн. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1963, 2- сон.

Абдурахмонов Г., Рустамов А., Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982.

Абдурахмонов Г., Рустамов А., Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент, 1984.

Боровков А.К., Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. "Алишер Навоий" тўпламида, М.-Л., 1946.

Дониёров Х., Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир. "Навоий ва адабий таъсир масалалари", 279-292- бетлар.

Рустамов А., Навоий тилининг фонетик хусусиятлари. Мазкур тўплам, 258-278- бетлар.

Самойлович А.Н., Чагатайские туюги Лутфи. Доклады АН СССР. Серия В, М.-Л., 1926.

Сравнительная грамматика тюркских языков. Фонетика. М., 1984.

Умаров Э., а товушининг ХУ асрдаги сифат хусусиятлари ҳақида, журн. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1982, 1- сон.

Умаров Э., ХУ аср ўзбек тили унлилари ҳақида. Мазкур журн. 1982, 6- сон.

Умаров Э., О гласных староузбекского языка ХУ в., журн. "Советская тюркология", 1983, 4- сон.

Умаров Э., О гласных староузбекского языка ХУП-XIX в., "Советская тюркология", 1984, 6- сон.

А.М.Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов Х-ХШ вв. из Восточного Туркестана. М.-Л., 1961.

Щербак А.М., Грамматика староузбекского языка. М.-Л.,1962.

Щербак А.М., Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970.

Юдахин К.К., Материалы к звуковому составу чагатайского языка. "Культура и письменность Востока" тўпламида Баку, 1929.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Фонетика ва фонология 3
Тарихий фонетиканинг ўрганиш объекти, манбаи ва аҳамияти 5
Ўзбек тили тарихий фонетикасини ўрганиш тарихидан . . . 8
Китобда ишлатилган транскрипция ва ёрдамчи белгилар . . 10
Араб алфавити асосидаги эски ўзбек ёзуви ҳақида 11
Тарихий фонетикани ўрганиш методикаси ҳақида 14
Унлилар ва уларнинг тараққиёти 15
Товушлар уйғунлиги 45
Ундошлар ва уларнинг тараққиёти 60
Товуш алмашинуви 70
Ўзак ва бўғиннинг фонетик қурилиши 75
Фонетик ҳодисалар 82
Янги атамалар луғати 87
Шартли қисқартма ва манба 89
Адабиётлар 92

На узбекском языке

НИГМАТОВ ХАМИД

ИСТОРИЧЕСКАЯ ФОНЕТИКА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Ташкент "Ўқитувчи" I992

Муҳаррир М. Собирова
Бадиий муҳаррир Ж. Одилов
Техн.муҳаррир Э. Вильданова
Мусаҳҳиҳа Л. Мирзаахмедова

ИБ № 5573

Босишга рухсат этилди 29.08.9I. Формати 60х84/I6. Тип.қоғози. Ротапринт усулида босилди. Шартли б.л.5,58. Шартли кр.-отт. 5,70. Изд.л.5,46. Тиражи 6000. Зак.130 Баҳоси 65 т.

"Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, I29. Навоий кўчаси, 30. Шартнома I3-05-9I.

ЎзССР Матбуот давлат комитетининг БНИБ нинг "Китоб" номидаги 4- босмахонаси. Тошкент, Радиальний проезди, I0. I99I

Типография № 4 ТИПО "Китоб" Государственного комитета УзССР по печати. Ташкент, проезд Радиальный, I0.